

ЖАМОАТ - ҒОЛИБ

Ҳаворийлар Китоби Бўйича

Эй. Эл. ва Джойс Гилл

Gill Ministries
Website: www.gillministries.com

Китоблар Серияси:

Сано ва Сажда

Худога саждакор бўлиш

Имонлининг Ҳокимияти

Қандай қилиб енгилишни тўхтатиш

Ҳамда енгишни бошлаш керак

Хизмат Инъомлари

Ҳаворий, пайғамбар, хушхабарчи, чўпон, ўқитувчи

Мўъжизакор Хушхабар

Худонинг дунё учун бўлган режаси

Янги Ижоднинг Суръати

Масихда кимлигингизни билиш

Худонинг Шифолов Таъминоти

Худонинг шифоловчи кучини қабул қилиш ва олиб юриш

Ғайритабий Ҳаёт

Муқаддас Рухнинг инъомлари ҳақида

Ҳаётин Намуналар

Қадимги Аҳддан намуналар

МУНДАРИЖА

ЖАМОАТНИНГ ТУҒИЛИШИ.....

1 дарс	Жамоатнинг бошланиши.....	5
2 дарс	Куч ҳақида ваъда.....	11
3 дарс	Муқаддас Рухнинг келиши.....	19
4 дарс	Исо исми учун кураш.....	25
5 дарс	Исонинг Жамоат учун бўлган режаси.....	34
6 дарс	Бугунги кунлар учун намуна.....	46

ҲАВОРИЙЛАР КИТОБИДАГИ ХИЗМАТЛАР.....

7 дарс	Петъор - Қамиш.....	54
8 дарс	Петъор - Тош.....	62
9 дарс	Ўлим - Маҳсулдир.....	71
10 дарс	Филипп - Хушхабарчи.....	78
11 дарс	Шоулнинг мурожаати.....	84
12 дарс	Повулнинг хизмати ва Ўлими.....	92
13 дарс	Биз – Жамоат – Ғолибмиз.....	104

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЖАМОАТНИНГ ТУҒИЛИШИ

1 Дарс

Жамоатнинг Бошланиши

ҲАВОРИЙЛАР КИТОБИГА КИРИШ

Жамоатнинг бошланиши Ҳаворийлар китобида ёзилган, шунинг учун, голибона жамоат ҳақидаги ушбу қўлланма - Ҳаворийлар китобига асосланади. Бу қўлланмани шунингдек, “Ҳаворийларнинг Муқаддас Рухнинг кучи орқали қилган фаолияти” ёки “Муқаддас Рухнинг Ҳаворийлар орқали қилган фаолияти” деб аташ мумкин.

Биз Муқаддас Рухни ўрганмасак, жамоатни туғилишини ёки Ҳаворийлар китобини ўргана олмаймиз.

Ҳаворийлар китобини шунчаки тарихдек ўрганиш мумкин эмас. Уни Худонинг режаси бўйича бўлган қўлланмадек ва бугунги жамоат учун мақсад деб қабул қилишимиз керак.

Масалан, Повул Эфесда Исо Масих ҳақидаги Хушхабар билан инсонларга эришганини эслашдан кўра, Повулнинг Эфесда айтган воизлиги, бугун бизлар учун хушхабарнинг намумаси эканини тушуниш муҳимроқдир. Худо Ўзининг намуналарини ва усулларини ўзгартирмаган. Бизлар биринчи ҳаворийларга ўхшаб, бизларни ўраб турган одамларга ва бутун дунё бўйлаб яшовчи инсонларга хушхабар айтишимиз керак. Худо биринчи имонлиларга берган кучни, бизга ҳам берган.

Икки бўлим

Ҳаворийлар китобини икки қисмга бўлиш мумкин:

1-12 - боблар Петъор ва унинг хизмати.

Петъор Яҳудийларнинг ҳаворийси бўлган.

13-28 - Повул ва унинг хизмати.

Повул маъжусийларнинг ҳаворийси бўлган.

Асосий хизматлар

Ҳаворийлар китобида асосий хизматларнинг бир неча намуналари мавжуд. Биз уларни, бугун олиб бораётган хизматимиз учун намуна сифатида ўрганиб чиқамиз.

- Петъор
- Стефан
- Филипп
- Повул

ҲАВОРИЙЛАР КИТОБИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Етти асосий жамоат

Ҳаворийларда айtilган етти асосий жамоат, бугун Туркия деб аталувчи мамлакатда жойлашган эди. Бундан ташқари Иерусалим ва Антиохида ҳам жамоатлар мавжуд бўлган.

Луко китобнинг муаллифи

Ҳаворийлар китобининг муаллифи, Антиохиялик юнон шифокор Лукодир. Янги Ахд китобларининг муаллифлари орасида, фақат Луко маъжусий эди. Луко бу китобни, бошидан Исонинг кетидан юрганлар билан суҳбатлашиб, улар ҳақида ўқиб ёзгани кўриниб турибди. У жамоатнинг биринчи тарихчиси экани ҳам бизга маълумдир.

Луко 1:1-4 Бизнинг орамизда тўлиқ маълум бўлган воқеалар ҳақида кўплар баёнотлар тузишни бошлаганларидай, буни энг бошидан ўз кўзлари билан кўрган ва Сўзнинг хизматкорлари бўлган одамлар бизга топширганларидай, мен ҳам ҳурматли Теофил, бошидан ҳаммасини синчиклар текшириб чиққанимдан сўнг, буларни тартиб билан сенга ёзиб беришни лозим топдим, токи сенга ўргатилган таълимотнинг мустаҳкам асосини билиб олгин.

Луко ўзи ҳақида ёзмаган.

У ўзининг баъзи сафарларида Повулга қўшилганини биламиз. Луко Ҳаворийлар китобини Повул билан бирга бўлган вақтда ҳам ёзган. У “бизлар” деб ёзаяпти.

Ҳаворийлар 16:10 Повулнинг кўрган бу кароматли тушидан кейин бизлар дарҳол Македонияга бориш ҳаракатини қилдик. Чунки Раббимиз бизни у аҳолига Хушхабарни етказишга чақиряпти, дегин хулосага келган эдик.

Шунингдек, Луко шифокор бўлгани ҳам бизга маълум.

Колосаликларга 4:14 Севикли шифокор Луко ва Димас сизларга салом йўллашяпти.

Бир марта, Повул ёлғиз қолганида, фақат Луко унинг ёнида эди. Бошқалар уни қолдириб кетди.

2-Тимўтийга 4:11а Ёнимда эса фақат Луко бор.

Китобнинг ёзилиш вақти

Ҳаворийлар китоби эрамизнинг 63-65 йиллари атрофида ёзилган бўлиб, 30 йиллик хизматни ўз ичига олади. Ҳозирги дарс орқали бизлар, Ҳаворийлар китобини тўлиқ ва охиригача ўргана олмаймиз.

Бу қўлланма жамоатнинг курилиш жараёни ва унинг бугунги кунларга қандай боғлиқлигини ўрганишга қаратилган.

ЖАМОАТ ҲАҚИДА БИРИНЧИ СЎЗЛАР

Библияда “Жамоат” сўзини биринчи марта, Исо шогирдлари билан Филипп Кесариясида суҳбатлашаётган вақтда кўрамиз.

Петъор имонини эътироф этиб деди: “Сен, Тирик Худонинг Ўғли Масиҳсан”. Исо: Мен ана шу ҳақиқатда “тошда” жамоатимни кураман деди.

Исо ўша ёки ҳозирги даврнинг жамоатини назарда тутмаган. У битта жамоат ҳақида гапирди ва у ҳақда икки нарсани айтди: Биринчиси - “Мен Жамоатимни кураман”. Иккинчиси: дўзах эшиклари уни енга олмайди.

Исо айтган дўзах эшиклари - бу шайтоннинг бошқармасидир. Исо деди: “Мен жамоатимни кураман ва дўзах эшиклари уни енга олмайди”. Исо куриши керак бўлган жамоат кудратли ва ғолибона бўлиши керак эди.

Жамоат ҳақидаги ёзувлар

Ҳаворийлар китобининг 28 -бобида, Исо қурган жамоатдаги кўп воқеалар ёзилган:

Исо:

- Муқаддас Рухнинг муҳимлиги кўрсатган.
- Муқаддас Рухнинг кучини кўрсатган.
- Муқаддас Рухнинг жойини кўрсатган.
- Муқаддас Рухнинг мақсади – имонлиларга, улар Исо Масихнинг Буюк Топшириғини амалга ошира олишлари учун имконият яратиш эканини кўрсатган.

Матто 28:19 Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух исми билан сувга чўндириб, имонга киритинглар.

Марк 16:15 Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар”.

БУЮК ТОПШИРИҚ

Исо шогирдларига улар қила олмайдиган ишни айтмаган. Исо кетишидан олдин, шогирдларига Ўзининг охириги йўлланмасини берди. Бизлар уни “Буюк топшириқ деб атаймиз”.

Марк 16:15,17,18 “Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар”. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг исмим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”.

Исо имонлиларга бутун дунё бўйлаб бориб, хушхабар айтинглар деди. Сўнг эса Исо, Унинг исмига ишонувчилар учун, Ўзининг Сўзини тасдиқлаш мақсадида аломатлар юборишини айтди.

Марк 16:20 Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда воизлик қилиб юрдилар. Раббимиз уларга қўмаклашар ва пайдо қилган мўъжизалар орқали Ўз Сўзини тасдиқлар эди.

Худонинг режаси ўзгармаган. Бизлар ҳам, ҳаммамиз бутун дунё бўйлаб бориб, Исо Масихнинг хушхабарини айтишимиз, шунингдек, имонга келганларнинг ҳаётларида мўъжиза ва аломатлар бўлишига ишонишимиз лозим.

Ғалаба бизлар билан!

Матто 28:18-20 “Исо уларга яқинлашиб, шундай деди: “Менга осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилгандир. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва

Муқаддас Рух исми билан сувга чўндириб, имонга киритинглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Мана, Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан”.

- Бор ҳокимият Исога тегишли
- Ушбу куч ёрдамида бизлар бориб, барча халқларни ўргатишимиз керак
- Бизлар нималарни билсак, шунинг ҳаммасини бошқаларга ўргатишимиз керак.
- Исо доимо бизлар билан. У бизни қаерга юбормасин, ўша ерда бизлар билан бирга бўлади. У ҳозир ҳам ва асрнинг охиригача бизлар билан бирга бўлади.
- Шундай қилиб, бизлар дунёдаги ҳар бир инсонга Хушхабар айтишимиз мумкин.

МУҚАДДАС РУХ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

Агар Исо, шайтон енга олмайдиган қудратли Жамоатни қуришни бошламоқчи бўлса, Жамоат қурилишининг жараёнини тушунишимиз муҳимдир. Жамоат ривожланишини тушунишимизда ҳал қилувчи нарса - Муқаддас Рух бугун нима учун дунёда эканини билишимиздир.

Юпатувчи

Исо, Муқаддас Рух келиши учун кетаётганини айтди.

Юханно 16:7 Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман, Менинг кетишим сиз учун фойдалидир. Агар Мен кетмасам, Юпатувчи олдингизга кела олмайди.

Фош қилувчи

Юханно 8-11 У эса келиб, гуноҳ, адолат ва ҳукм хусусида дунёнинг хато қилганини фош қилади. Дунёнинг гуноҳи шундан иборатки, одамлар Менга ишонмайдилар. Илоҳий адолат шундаки, Мен Отамнинг олдига кетяпман ва сизлар Мени бошқа кўрмайсизлар. Илоҳий ҳукм эса шундан далолат берадики, бу дунёнинг ҳокими ҳукм қилинган.

Бизнинг Ҳаётимизда муҳим

Исо токи Муқаддас Рух устимизга тушмагунча кутишимизни буюрди, шу орқали бизлар ўзимизнинг шаҳарларимизда, атрофимиздаги жойларда ва ҳатто дунёнинг четларигача Хушхабар айта олайлик.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:4,5,8 Уларни тўплаб, буюриб деди: “Иерусалим шаҳридан кетиб қолманглар, балки Отамнинг берган ваъдаси амалга ошгунча у ерда кутиб туринглар. Сизлар бу ваъдани Мендан эшитгансизлар. Яхё пайгамбар одамларни сувга чўндириб, тавба қилдирган, сизлар эса кўп ўтмай Муқаддас Рухга чўндириласизлар”. Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганида, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шохидларим бўласизлар.

Уч Бирликнинг Ваҳийси

Қадимги Аҳддан биз, Ота Худо ҳақида билиб оламиз. Янги Аҳдга қараб эса, биз ҳам Исонинг, ҳам Муқаддас Рухнинг ишларини кўрамиз.

Хушxabарларда Уч Бирлик Худонинг иккинчи шахси очилади. Бизлар Ўғил, Исо ҳақида ваҳий оламиз .

Исо Муқаддас Рухни, Худонинг учинчи шахси сифатида очаяпти. Ҳаворийлар китобини ўрганиш, бизларни Муқаддас Рух билан шахсан танишишга олиб келади.

МУҚАДДАС РУХНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўқитиш

Юҳанно 16:13-15 Муқаддас Ҳақиқат Рухи келгач, У сизларни бутун ҳақиқат йўлига бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради, У келажак ҳақида сизларга хабар қилади.

Исони Улуғлаш

У Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, шу билан Мени улуғлайди. Отам эга бўлган ҳамма нарса Меникидир. Ана шу сабабдан, У Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, деб айтдим.

Ўқитиш ва Буюриш

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:2 “Эй Теофил, Исонинг бажаришга ва ўргатишга киришган ҳамма нарсаларини, чунончи Унинг дастлабки кунларидан бошлаб, то Ўзининг танлаган ҳаворийларига Муқаддас Рух амри ила буйруқлар бериб, осмонга кўтарилган кунигача рўй берган ҳамма воқеаларни илк китобимда қаламга олдим”.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:29 Муқаддас Рух Филиппга: “Яқинлашиб бу аравага ҳамроҳ бўлгин!” - деди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:19-21 Петъор эса хануз ваҳийни ўйлаб, мулоҳазага чўмиб ўтирарди. Муқаддас Рух унга: “Мана, уч киши сени изляпти. Ўрнингдан тургин-да, пастга туш ва ҳеч шубҳа қилмасдан улар билан бирга боргин, чунки уларни Мен юбордим”, - деди. Петъор пастга тушиб, Корнилий томонидан юборилган одамларга: “Сизлар излаётган одам мен бўламан. Нима юмуш билан бу ерга келдингизлар?” – деди.

Ажратиш ва Очиш

Ҳаворийларнинг фаолияти 13:2 Булар диний хизматини ўтаб, Рўза тутиб турган маҳалда, Муқаддас Рух гапириб: “Барнабо билан Шоулни Мен сайлаган иш учун Менга ажратиб беринглар!” - деди.

Қувватлаш ва Таскин бериш

Ҳаворийларнинг фаолияти 9:31 Шундай қилиб, Яхудия, Жалила ва Самария юртлари бўйлаб имонлилар жамоати тинчликка эришди. Жамоат Худодан кўрқиб тобора ривож топар, Муқаддас Рухдан жасурланиб, сон жихатдан кўпайиб борарди.

Куч Бериш

➤ *Гувоҳ Бўлишимиз Учун*

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:8 Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганида, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шоҳидларим бўласизлар.

➤ *Ноъмалум Тилларда Гапириш Учун*

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:4 Ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб, Унинг бераётган башорати билан Янги тилларда гапира бошлашди.

➤ *Ваҳийлар ва тушида ваҳийлар кутишимиз учун*

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:17 “Мана, охири кунларда воқеа бўлади”, - дейди Худованд – Мен бутун жонзот узра Ўз Рухимни ёғдираман. Сизнинг ўғил-қизларингиз башорат қиладилар, йигитларингиз ваҳий кўрадилар, мўсафидларингиз кароматли туш кўрадилар.

➤ *Башорат Қилиш Учун*

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:18 Ўша кунларда Мен қул-у чўриларим устига Ўз Рухимни ёғиндай юбораман, улар эса башорат қиладилар.

САВОЛЛАР

1. Ҳаворийлар китобида энг муҳим бўлган, қандай нарсани билиб олса бўлади? Буни қандай ўрганиш керак?
2. ”Буюк топшириқ “нима? Барча нуқтаи назарларингизни айтиб ўтинг.
3. Имонлилар ҳаётида, Муқаддас Рухнинг қиладиган вазифаларидан энг камида учтасини айтинг.

2 Дарс

Куч Ҳақида Ваъда

ҚАНАҚА КУЧ?

Исо Муқаддас Рух билан эди ва Унга ишонганлар учун куч ваъда қилди.

Юҳанно 16:7 Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман, Менинг кетишим сиз учун фойдалидир. Агар Мен кетмасам, Юпатувчи олдингизга келмайди. Агар мен кетсам, Уни олдингизга юбораман.

Юҳанно 1:8 У эса келиб, гуноҳ, адолат ва ҳукм хусусида дунёнинг хато қилганини фош қилади.

Куч Манбаи

Исо ерда юрганида Унинг кучининг манбаи бўлган, айнан Ўша Рухни юборишини ваъда қилди.

Римликларга 8:11 Чунки Исо Масихни тирилтирган Худонинг Рухи сизнинг вужудингизда яшайпти. Агар Худо Ўз Рухи қудратида Масихни тирилтирган бўлса, У ичингиздаги ўша Рух орқали сизнинг фоний баданларингизни ҳам тирилтиражак.

Исо, У қилган ишларни, бизлар ҳам имонлилар сифатида, айнан ўша буюк куч билан қила олишимизни ваъда берган.

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: “Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдида кетяпман”.

Олий Куч

Ҳар бир имонли Унинг жамоатида аҳамиятли аъзо бўлади. Шунингдек, Унинг жамоатининг аъзоси сифатида, ҳар бир имонлига Муқаддас Рухнинг Олий кучи керак бўлади.

Матто 16:18 Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: “Сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас”.

Муқаддас Рухнинг Кучи

Бизлар Исодек ғалаба қозонишимиз керак бўлса, ўз кучимизнинг ёрдамида яшамаслигимиз керак. Исо шоғирдларига, бунинг ўрнига Муқаддас Рухнинг кучини олмагунча кутишларини айтган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:4 Уларни тўплаб, буюриб деди: “Иерусалим шаҳридан кетиб қолманглар, балки Отамнинг берган ваъдаси амалга ошгунча у ерда кутиб туринглар. Сизлар бу ваъдани Мендан эшитгансизлар.

Ўша Куч

Повул Эфесликларга “Исони Нажоткор деб қабул қилганингизда, куч олдингларми?” -деб сўраганида, Муқаддас Рухнинг кучи ҳақида сўзлаган эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:1-6 Аполлос Коринф шахрида бўлганида, Повул тоғли вилоятларни кезиб ўтиб, Эфес шахрига келди. У ерда бир неча Исо шогирдларини топиб, улардан сўради: “Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми? Муқаддас Рух борлигини биз ҳеч қачон эшитмаганмиз”, - деб жавоб берди улар. “Бундай бўлса, сизлар қай асосда сувга чўмиб имон келтиргансизлар?” - деб сўради Повул. ”Биз Яхё пайгамбарнинг таълимоти асосида сувга чўмиб имон келтирганмиз”, - деб жавоб бердилар. Повул деди: “Яхё пайгамбар халкни дарёга чўндириб, тавба қилдирган эди, холос”. У халққа: Мендан кейин келадиган Зотга, яъни Исо Масихга инонинглар, деб айтган эди. Улар буни эшитгач, Раббимиз Исо исмидан ҳам сувга чўмиб имон келтирдилар. Повул қўлларини уларнинг бошига қўйиши билан Муқаддас Рух уларнинг устига тушиб келди. Улар Янги тилларда гапириб, каромат қила бошладилар.

Куч Барча Учун

Агар Исога ва биринчи масиҳийларга шу куч керак бўлган бўлса, биз имонлилар ҳам ҳозирги ҳаётимизда Муқаддас Рухнинг кучига муҳтожмиз.

ИСО БИЗГА НАМУНА

Бизлар Муқаддас Рух Янги Аҳдда инсонлар орқали қандай қилиб ишлаганини тушунишимиз учун ва У бугун бизлар орқали қандай ҳаракат қилишни истаётганини билишимиз учун, Муқаддас Рух Исо орқали қандай ҳаракат қилганини тушунишимиз керак.

Муқаддас Рух Билан Мойланган

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:38 Носира шахридан чиққан Исони Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

Матто 9:35,36 Исо ҳамма шаҳар-қишлоқларни айланадиган бўлди. Маҳаллий ибодатхоналарда таълим бериб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги Хушxabарни эълон қилар ва одамларнинг ҳар хил дарду дармонсизликларини даволар эди. Халқ оломонини кўриб, Исо уларга ачинди; чунки чўпонсиз қўйлардай довдираган ва ҳолдан тойган эдилар.

Исо имонлилар учун ҳамма нарсада намунадир:

- Ўқитувчи сифатида
- Хизматкор сифатида
- Лидер сифатида
- Ҳақиқий Чўпон сифатида
- Шифоловчи сифатида
- Ҳоким сифатида
- Сувда чўмишда
- Васвасага дуч келганида
- Шахсий муносабатларда
- Мақсадлар қўйишда
- Ҳокимиятга бўйсунушда

- Таъқибда бўлишда
- Ўлимда
- Итоаткорликда
- Ҳамдардликда
- Севгида
- Ҳақ жаҳлда
- Ҳазилда
- Ғамгинликда

Исо ҳаётимизнинг барча соҳасида биз учун намунадир, чунки бизлар ҳам Муқаддас Рух билан мойланганмиз.

➤ *Воизлик Қилиш ва Шифолаш Учун Мойланган*

Луқо 4:18,19 “Худованднинг Рухи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асирларга халос бўлишларини, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун” У Мени мойлади...

Исо Муқаддас Рухнинг кучи билан хизмат қилганидек, бизлар ҳам Муқаддас Рухнинг кучида хизмат қилишимиз керак. Исо ушбу куч билан хизмат қилишда шогирдлари учун намуна бўлган эди. Унинг издошлари олдин У қилган ишларни ўрганишар эди, сўнгра таълим берган нарсаларини ўрганишар эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:1 “Эй Теофил, Исонинг бажаришга ва ўргатишга киришган ҳамма нарсаларини, чунончи Унинг дастлабки кунларидан бошлаб, то Ўзининг танлаган хаворийларига Муқаддас Рух амри ила буйруқлар бериб, осмонга кўтарилган кунигача рўй берган ҳамма воқеаларни илк китобимда қаламга олдим”.

Исо бизлар учун мукамал намунадир, чунки У ерда амалга оширган ишларини Худо сифатида эмас, балки инсон сифатида қилар эди. У бир вақтнинг ўзида ҳам Худо эди, ҳам инсон эди.

Худолик Ҳуқуқлари Четга Сурилган

Филиппликларга 2:5-8 Чунки Исо Масихда бўлган худди ўша фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак: Масих Худонинг қиёфасида бўла туриб, Худога тенг ҳурматни ўлжа қилмади. Ақсинча У Ўзини паст олиб, қулнинг қиёфасига кирди ва инсонларга ўхшаб, кўринишидан инсон бўлиб, хочдаги ўлимгача итоатли бўлиб, Ўзини бўйсунтирди.

Худо Одам ва Ҳаввани яратганида, эркак ва аёлга ер устидан бошқариш учун бор ҳокимият ва бошқарувни берди. Худо бутун коинотни бошқариш учун Ўзининг ҳокимиятини ва бошқарувини сақлаб қолди. Бирок ер устидан инсониятни ҳоким қилиб қўйди.

Ибтидо 1:26-28 Яна Худо: “Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаб одамни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин”, - деди. Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, илохий суратда яратди. Уларни эркак ва Хотин қилиб яратди. Худо одамларни муборак қилиб, уларга: “Баракали

бўлинглар, кўпайинглар. Ер юзини тўлғазиб тобе қилинглар. Денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар ҳамда ер юзида ҳаракатланувчи барча ҳайвонлар устидан ҳоким бўлинглар”, - деди.

Агар Исо шайтон ўғирлаган ҳокимиятни қайтариб олиб, инсонга бермоқчи бўлса, унда Унинг Ўзи ҳам ерда Худодек эмас, балки инсоннинг ҳокимияти билан ҳаракат қилиши керак эди. Шу сабабли ҳамда, мукамал намуна бўлиш учун, У ерга инсондек “охирги Одам” бўлиб келди.

➤ *Охирги Одам бўлди*

1-Коринфликларга 15:45 Зеро шундай ёзилган: “Биринчи инсон, яъни Одам Ато тирик жон бўлди”. Охирги Одам эса ҳаётбахш Рух бўлди.

➤ *”Инсон Ўғли”*

Исо Инсон Ўғли бўлгани учун ерда ҳокимиятга эга эди.

Юҳанно 5:25-27 Сизларга ростини айтмай: ўликлар Худо Ўғлининг овозини эшитадиган вақт келади ва келиб қолди ҳам. Унинг овозини эшитадиганлар эса тирилиб кетадилар. Чунки Отанинг Ўзи ҳаёт манбаи бўлгани каби, Ўғлига ҳам ҳаёт манбаи бўлишни ато қилган. Ота ҳукм қилиш ваколатини ҳам Ўғлига берган...

Исо “Инсон Ўғли”, ”охирги Одам” сифатида, Худолик ҳуқуқларини ва имкониятларини четга суриб қўйган ҳақиқий инсон бўлгани сабабли, бизлар учун мукамал намуна бўлди.

Бизлар, Исонинг ҳаётида Муқаддас Рухнинг кучини олмагунча бирорта мўъжиза содир бўлмаганини кўраемиз. Агар, биз учун энг зўр намуна бўлган Исога, Муқаддас Рухнинг кучи керак бўлган бўлса, бизлар ҳам ҳаётимизда Муқаддас Рухнинг кучини олишимиз керак.

➤ *Ҳеч нарсани Ўзидан қилмас эди*

Исо Ўзидан ҳеч нарса қила олмаслигини айтган.

Юҳанно 5:19 Буларга қарши Исо деди: “Сизларга ростини айтмай: Ўғил Отасининг қилган ишларини кўрмагунча, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ота нималарни қилса, Ўғил ҳам худди шуларни қилади”.

➤ *Муқаддас Рух Билан Мойланган*

Исо Худонинг иродасини бажариш учун, Муқаддас Рух билан мойланган эди.

Луқо 4:18 Худованднинг Рухи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асирларга халос бўлишларини, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, У Мени мойлади.

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:38 Носира шахридан чиққан Исони Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

Муқаддас Рух мўъжизалар қилар эди

Ерда мўъжизалар содир бўлиши учун жисмонан шу ерда бўлиши шарт эмас. Исога куч берган Муқаддас Рух, барча имонлиларга куч бериш учун бугун шу ерда.

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: “Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман”.

Исо Отасининг олдига кетгандан сўнг, Унга ишонувчиларга Муқаддас Рухни юборишга ваъда берган. Шунингдек, Муқаддас Рух уларнинг устига тушгандан сўнг, Унинг гувоҳлари бўлишларини ваъда берган.

Исо Имонсизлик Билан Чекланган

Марк 6:1-5 Исо у ердан жўнаб, Ўз юртига борди. Шогирдлари ҳам Унинг орқасидан эргашиб келишди. Шанба куни бўлгач, Исо ибодатхонада таълим бера бошлади. Уни тинглаётганларнинг кўпчилиги хайратга тушиб: “Булар Унга қаердан насиб бўлган экан? Унга бундай доноликни ким берди? Қандай қилиб Унинг кўли орқали бунақа мўъжизалар содир бўляпти? Марямнинг ўғли, Ёқуб, Юсуф, Яхудо ва Симуннинг акаси дурадгор Исо бу эмасми? Унинг сингиллари ҳам мана шу ерда, ўз орамизда турибдику!” - дейишди. Ва ғашланиб, Исони рад қилишди. Исо уларга: “Пайғамбар ўз ватанидан, ўз қариндош-уруғлари ва уйдан бошқа ерда эътиборсиз қолмас”, - деди. Исо у ерда ҳеч қандай мўъжиза яратолмади. Фақатгина бир мунча беморларга кўл тегизиб, уларни соғайтирди”.

У ерда кўп одамлар бўлган. Шифога муҳтож бўлган кўп одамлар бор эди, лекин Исо баъзиларни шифолади. Нима учун?

Бу нарса, у ерда кўп имонсизлар бўлганини учун содир бўлди. Муқаддас Рух фақат имон бўлганида мўъжиза содир қилади. Шу сабабли Муқаддас Рух Исони, имон билан қабул қилишга тайёр бўлганларнинг олдига олиб борди!

Бугун кўплар имонсизлик туфайли ва таълим етишмаслиги туфайли, Исонинг ишларини қила олмайдилар ва шифоловчи кучини ола олмайдилар.

ҲАВОРИЙЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ БИРИНЧИ БОБИ

Биринчи Ваъда

Ҳаворийлар китобининг биринчи бобида иккита ваъда бор. Биринчиси Муқаддас Рухнинг кучи келиши ҳақида.

Эътибор бериш жоизки, Луқо Ҳаворийлар китобини, Исонинг ердаги ҳаётининг охири вақтларидан бошлаган. У Луқо Хушхабарини Исонинг сўзлари билан тугатган:”... Мана, Мен Отамнинг берган ваъдасини сизларнинг устингизга юбораман. Сизлар эса юқоридан бу қудратга бурканмагунигизча, Иерусалим шахрида қолинглар” Луқо 24:49.

Энди у Ҳаворийлар китобини ҳам айнан шундай сўзлар билан бошляпти:

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:4,5 Иерусалим шахридан кетиб қолманглар, балки Отамнинг берган ваъдаси амалга ошгунча у ерда кутиб тулинглар. Сизлар бу ваъдани Мендан эшитгансизлар. Яҳё

пайгамбар одамларни сувга чўндириб, тавба қилдирган, сизлар эса кун ўтмай Муқаддас Рухга чўндириласизлар.

Сўнг давом эттиряпти:

Хаворийларнинг фаолияти 1:8 Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганида, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яхудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шохидларим бўласизлар.

Иккинчи Ваъда

Иккинчи ваъда Исонинг ерга иккинчи марта қайтиб келиши эди. Жамоат мавжуд бўлганидан сўнг, имонлилар асрлар давомида Исони ерга қайтиб келади деб кутишарди.

Хаворийларнинг фаолияти 1:10,11 Исо кўтарилаётиб, хаворийлар осмонга тикилиб турган пайтда, оқ кийим кийган икки зот уларнинг ёнида пайдо бўлди: “Эй жалилаликлар! Нега сизлар осмонга қараб турибсизлар? Сизларнинг орангиздан осмонга олинган бу Исо, кўкка кўтарилганини қандай кўрган бўлсангиз, худди шундай қайтиб келади”, - дейишди.

Шу оятда бизлар муҳтож бўлган, шу ерда ғалаба қозонишимиз учун керак бўлган ва Исонинг қайтишини кутишимизга далда бўладиган куч ҳақида ваъда берилган.

Яхудонинг Охири

Имонлилар Муқаддас Рухни кутаётган вақтда, Яхудо ҳақида гаплашишди. Петъор у ҳақида сўзлади ва унинг ўлими башоратнинг амалга ошиши эканини айтди.

Хаворийларнинг фаолияти 1:20 Забур китобида ёзилганидай: “Унинг маскани хувиллаб қолсин, Унда истиқомат қилувчи қолмасин”. Ва шунингдек: “Унинг ўрнини бошқаси олсин”.

Биринчи жамоат гуноҳни инкор этмас эди, балки у билан курашар эди. Бугунги кунларда ҳам шундай бўлиши керак. Кимдир имонлиларга гуноҳ қилмасликлари учун кўз қулоқ бўлиши керак эмас эди. Гуноҳни муқаддас Рух фош қилар эди. Шунинг учун Яхудо ўзи ўзини ҳукм қилди.

Улар Довуд башоратининг давомида бўлган Сўзга итоат этиб яшадилар ва Яхудонинг ўрнига бошқа хаворийни танладилар. Лекин хаворийни фақат Худо танлайди ва шу сабабли улар икки кишини танлаб, Худо қуръа ташлаш ёрдамида танловини очишини сўраб ибодат қилишди.

Матто Танлаб Олинди

Хаворийларнинг фаолияти 1:23-26 Шунга кўра икки кишини: Юстун лақабли ва Барнабо деб ҳам аталувчи Юсуф ҳамда Маттияни олға чиқаздилар. Кейин ибодат қилиб дедилар: “Эй бутун инсонларнинг қалбини биладиган Раббимиз! Яхудонинг ўз жойига бориб, хаворийлик хизматини бўйнига олиш учун, икки кишидан қай бирини танладинг, уни кўрсатгин!” Шундан сўнг улар учун қуръа ташладилар. Қуръа Маттиянинг чекига тушди ва у ўн бир хаворийга кўшилди.

МУҚАДДАС РУҲ КЕЛИШИНИНГ САБАБЛАРИ

Чўмдириш Учун

Муқаддас Руҳ бизларни Масихнинг танасига чўмдиради.

1-Коринфликларга 12:13 Бизлар эса – яхудийми, юнонми, қулми, эркинми – ҳаммамиз ўша битта Руҳ билан бир танага чўмганмиз ва ҳаммамиз ўша битта Руҳдан суғорилганмиз.

Ичимизда Яшаш Учун

У ҳар бир имонлида яшаш учун келди.

1-Коринфликларга 6:19,20 Энди нима? Таналарингиз – сизлар Худодан олган ва ичингизда бўлган Муқаддас Руҳнинг маъбади эканлигини билмайсизларми? Энди сизлар ўзингизники эмассизлар, чунки сизлар қимматбаҳо нарх билан сотиб олингандасизлар. Шунинг учун Худониники бўлган танангиз ва руҳингизда Худони улуғланглар.

Куч Бериш Учун

У имонлиларга куч бериш учун келди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:8 Лекин Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганида, сизлар қувват оласизлар. Иерусалимда, Яхудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шохидларим бўласизлар.

Ёритиш Учун

У имонлиларни ёритади.

Эфесликларга 1:16-23 Сизлар учун Худога тинимсиз миннатдорчиликлар билдириб, сизларни ибодатларимда эслайман, токи Раббимиз Исо Масихнинг Худоси, шон-шуҳратнинг Отаси, Уни таниб-билишингиз учун -

➤ Донолик Бериш Учун

донолигу ваҳий Руҳини берсин,

➤ Ваҳий Бериш Учун

ва фаҳмлашингизнинг кўзларини ёритсин, токи сизлар унинг даъватининг умиди

➤ Умидимизни Билишимиз Учун

нимадан иборат эканлигини ва муқаддаслар учун бўлган Унинг меъроси шуҳратининг бойлиги қандай эканлигини билиб олинглар,

➤ Меросимизни Билиш Учун

ҳамда Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда

Тирилтириш Кучини Бериш Учун

ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олинглар. Худо Масихда куч қудратини амалда шундай кўрсатдики: Уни ўликлардан тирилтириб, самода ўзининг ўнг томонида ўтқизиб, ҳар қандай бошлиқ ва ҳокимият, куч ва салтанатдан, нафақат бу

дунёда, балки келгуси дунёда ҳам номланадиган ҳар қандай номлардан юқори қўйиб, ҳамма нарсани Унинг оёғи остига бўйсундирди ва Уни ҳамма нарсдан юқори қўйиб, Жамоатга бош қилиб тайинлади. Жамоат эса Масиҳнинг танасидир, яъни ҳамма нарсани Тўлдираётганнинг тўла-тўқислигидир.

САВОЛЛАР

1. Ҳаворийлар китобининг биринчи бобида қандай ваъдалар берилган?
2. Исо нималарни қилиш ҳуқуқига эга эди ва бугун имонлилар нималар қилиш кучига эгалар?
3. Муқаддас Рух имонлилар учун тўртта қандай нарсалар қилади?

3 дарс

Муқаддас Рухнинг Келиши

МУҚАДДАС РУҲГА ЧЎМИШ

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:1-4 Ҳосил байрами бўлганда, шогирдларнинг ҳаммаси якдиллик билан бир жойда йиғилиб турган эдилар. Тўсатдан осмондан кучли шамол эсаётгандек бир шовқин келди-ю, улар турган уйни тамоман тўлдирди. Оловга ўхшаш алангаланиб турган тиллар уларга кўринди. Булар бўлиниб, уларнинг ҳар бири устига биттадан кўнди. Ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб, Унинг бераётган башорати билан Янги тилларда гапира бошлашди.

Тилларнинг Шубҳасизлиги

Ноъмалум тилларда гапириш, инсон Муқаддас Рухни қабул қилганини билдиради. Луқонинг ёзишича у ерда бўлган ҳар бир киши Муқаддас Рух билан тўлди ва ноъмалум тилда гапиришни бошлади. Бу қобилиятни уларга Муқаддас Рух берди.

Номаълум тилларда гапириш Муқаддас Рух билан чўмганликнинг исботидир. Ёзув, уларнинг ҳаммаси ушбу аломатни олганларини айтаяпти.

Марк 16:17 Куйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: **Менинг исмим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар.**

➤ *Худонинг Инъоми*

Тиллар инъоми, Худонинг жамоат учун бўлган инъомлардан биридир.

Баъзи одамлар жамоатга насихат бериш учун номаълум тилларда гапиришади.

1-Коринфликларга 14:2,4,14 Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Рух билан сирларни гапиради. Номаълум тилда гапирувчи ўзини барпо қилади, пайғамбарчилик қилувчи эса Жамоатни барпо қилади. Агар мен номаълум тилда ибодат қилсам, руҳим ибодат қилади, онгим эса ҳосилсиз қолади.

➤ *Тўғри Худога*

Тиллар - бу руҳимизнинг Худога айтган сано ва ибодат тилидир. Бизлар ибодат қилганимизда бирор бир кимса билан эмас, балки Худо билан гаплашамиз. Бошқа инсонлар бу тилларни тушунмайдилар. Бу инсон руҳи ва Худо ўртасида бўлган самовий тилдир.

➤ *Сизни Барпо Қилади*

Тилларда ибодат қилганда, ўзингизга руҳан ўсишга ёрдам берасиз. Бизлар номаълум тиллардаги ибодатимизни талқин этувчи инъом учун ибодат қилишимиз керак.

1-Коринфликларга 14:13,14 Шунингдек, номаълум тилда гапирувчи талқин қилиш учун ибодат қилсин. Агар мен номаълум тилда ибодат қилсам, руҳим ибодат қилади, онгим эса ҳосилсиз қолади.

➤ *Имонсизлар Учун Бўлган Аломат*

1-Коринфликларга 14:22 Шундай қилиб, номаълум тиллар имонлилар учун эмас, балки имонсизлар учун аломатдир. Пайғамбарчилик эса имонсизлар учун эмас, имонлилар учундир.

➤ *Рухнинг Инъоми*

Ушбу тиллар инъоми йиғилишда ҳаракат қилганида, талқинга эга бўлади ва бутун жамоатни куради!

1-Коринфликларга 14:26-28 Шунинг учун, биродарлар, нима қилсам экан? Сизлар тўпланганингизда, ҳар бирингизда бирор кўшиқ борми ёки таълим, ёки тил, ёки ваҳий борми, ёки бирор талқин қилиш борми – буларнинг ҳаммаси Жамоатни барпо қилиш учун бўлсин. Агар ким номаълум тилда гапирса, унда икки ёки энг кўпи уч киши навбат билан гапирсин, бир киши эса талқин қилсин. Агарда талқин қилувчи бўлмаса, Жамоатда жим туриб, ўзига ва Худога гапирсин.

Ноъмалум тилларда мактуб юборилганида, инсон Худога эмас, балки Худо инсонга гапиради. Номаълум тилларда гапириш доимо талқин қилиш инъоми ҳамроҳлигида бўлиши керак.

➤ *Биринчи Инъом*

Ноъмалум тилларда гапириш - бу бизлар Муқаддас Рухни қабул қилганимиздан сўнг ишлатишимиз керак бўлган Муқаддас Рухнинг биринчи инъомидир. Отамизга ушбу самовий тилда ибодат қилишимиз, руҳимизга Муқаддас Рухнинг қолган саккизта инъомини ишлатишга имкон яратади.

Албатта, шайтон тилларда гапириш инъомига нисбатан қатъий зарба берди. Агар шайтон Масихийни, ушбу инъомдан фойдаланишдан ушлаб қолса, Масихий бошқа инъомларга қараб қадам боса олмайди!

Ёзувнинг бирор жойида тиллар инъоми ёки уни ишлатиш тўхташини топа олмайсиз ва исбот ҳам қилиб бера олмайсиз. Ноъмалум тилларда гапириш Комил Исо келганида ва барчамиз битта тилда гапира бошлаганимиздан кейин тўхтади.

➤ *Фойдаланишни Таъқиқламанг*

Ноъмалум тилларда гапириш- бу бизларга таъқиқламанг деб айтилган ягона инъомдир.

1-Коринфликларга 14:39 Шундай қилиб, биродарларим, пайғамбарлик қилиш учун рашк қилинглр, номаълум тилларда гапиришни ҳам таъқиқламанглр.

(Муқаддас Рухнинг тўқкизта инъомини янада чуқурроқ ўрганиш учун, Эй.Эл. ва Джойс Гилларнинг: “Муқаддас Рухнинг инъомлари орқали бўлган Ғайритабиий Ҳаёт” китобидан фойдаланинг).

ХУДОНИНГ ТИЛЛАР УЧУН БЎЛГАН МАҚСАДИ

Азалдан ҳамма битта тилда гапирган.

Бирдамлик

Ибтидо 11:1-6 Бутун жаҳоннинг тили бир, нутқи бир бўлган вақтлар эди. Одамлар Шарқ томон кўчиб кетаётган эдилар. Бобил

мамлакатида бир текислик топиб, у ерда ўрнашдилар. Одамлар бир-бировига: “Келинг, ғишт қуйиб хумдонда яхшилаб пиширамиз”, - деб айтишди. Шундан сўнг тош ўрнига ғишт, ғил ўрнига қатрон ишлатадиган бўлишди. Улар: “Келинг, ўзимизга шаҳар ва боши осмонга етадиган минора бино қилайлик, бутун ер юзига тарқалиб кетмаслик учун ўзимиз учун ном чиқарайлик”, - дейишди. Одам фарзандлари кураётган шаҳар ва минорани кўриш учун Худованд осмондан тушди. Худованд: “Мана, ҳаммасининг миллати бир, тили ҳам бир. Улар бу ишни бошлабди-ю, энди хаёлидаги аллақандай ишларни ҳам қилишдан воз кечмайдилар”...

Аралашув

Худо - инсонларда битта тил бўлса, улар учун ҳеч нарса имконсиз бўлмайди деди. Инсоннинг гуноҳ орқали йиқилишидан сўнг, уларнинг бирдамлиги гуноҳ қилиш учун эди. Худо инсонларни тилини ўзгартириб, уларни аралаштириб юборди.

Ибтидо 11:7-8 “...Қани энди пастга тушиб, ўша ердаёқ уларнинг тилини аралаштириб юборайлик, токи бири бошқасининг сўзини тушунмайдиган бўлиб қолсин!” –деди.

Шундай қилиб, Худованд одамларни у жойдан бутун ер юзига тарқатиб юборди. Шундан сўнг шаҳарни қуришни ҳам бас қилишди.

Инсонлар бир-бирлари билан гапира олмаганлари туфайли, уларнинг бирдамлигини ва ўша вазиятдаги қурилишни барбод қилди. Бу вазиятда шайтон уларни жоний соҳада бирлаштириб бошқарди. Худо бунақа турдаги бирдамликни тўхтатиш учун аралашувни қўллади.

Рух Билан Бошқарилган Бирдамлик

Имонлилар Худога ўзларининг ибодат тилларида ибодат қилишганида, улар Худо билан бирдамликда ҳаракат қилишади. Имонлилар биргаликда ноъмалум тилларда ибодат қилишганида, улар бошқа имонлилар билан руҳий бирдамликка эришадилар. Имонлилар бирдамлик-да, Муқаддас Рухнинг қуйилиши орқали, Худонинг бошқаруви остида янги жамоат қуришади.

ҲАВОРИЙЛАР КИТОБИДА МУҚАДДАС РУҲНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Ҳаворийлар китобининг барча жойида инсонлар нажот топишгандан сўнг, Муқаддас Рухнинг инъомини қабул қилиб, номаълум тилларда гапиришгани қайд қилинган.

Аввал Яхудийларга

Исо Унга ишонганларга, ўз хизматларини бошлашларидан олдин, Муқаддас Рух билан тўлишни кутишларини буюрди. Эллигинчи куни биринчи марта Муқаддас Рухга чўмиш содир бўлганида, уларнинг барчаси бирга эдилар.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:4 Ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб, Унинг бераётган башорати билан янги тилларда гапира бошлашди.

Сўнг Самарияликларга

Хизматкор Филипп Самарияликлар олдига борганида, улар Исога ишонишди ва нажот топишди. Сўнг Иерусалимдан хаворийлар келиб, кўлларини қўйишганда, улар Муқаддас Рухга тўлишди.

Хаворийларнинг фаолияти 8:15-17 Петъор билан Юҳанно у ерга келгач, самариялик имонлилар Муқаддас Рухни қабул қилиши учун ибодат қилишди. Чунки уларнинг бирортасига ҳам Муқаддас Рух тушмаган эди. Улар Исони Раббимиз деб тан олиб, сувда имон келтиришган эди, холос. Хаворийлар уларнинг бошига кўл қўйиши биланок улар Муқаддас Рухни қабул қилишди.

Уларнинг Душманига

Жамоат қувғинчиларининг бошлиғи бўлган Повул, яна Масихийларни камаш учун Дамашққа кетаётган эди. Тўсатдан уни самодан нур қоплади ва у ерга йиқилди. У ерда Повул Исони учратди. Бундан сўнг Худо Хананияни Повулнинг олдига, унга кўлини қўйиши учун юборди. Повул Муқаддас Рухга чўмди.

Хаворийларнинг фаолияти 9:17 Ханания бориб ўша уйга кирди. Шоулнинг бошига кўлларини қўйиб: “Биродарим Шоул! Келаётган йўлингга сенга кўринган Раббимиз Исо, кўзларинг яна кўриши ва Муқаддас Рухга тўлишинг учун мени юборди”, - деди.

Маъжусийларга

Петъор ўша: “Худо поклаган нарсани нопок деб ҳисоблама,” - деган битта ваҳийни уч марта кўрганидан сўнг, Худо уни римлик юзбоши Корнилийнинг олдига, унинг қариндошлари, яқинлари ва дўстларининг олдига юборди.

Хаворийларнинг фаолияти 10:44-47 Петъор ҳали гапириб турганида, Сўзни эшитаётганларнинг барчасининг устига Муқаддас Рух тушди. Петъор билан бирга келганлар Исога ишонган яҳудийлар эди. Муқаддас Рух ғайри яҳудийларга ҳам насиб бўлганини улар кўриб, хайратда қолдилар. Чунки у кишиларнинг янги тилларда сўзлашиб, Худони улуғлаётганларини эшитиб туришарди. Шунда Петъор Сўз олди: “Худди бизлар каби Муқаддас Рухни қабул қилган бу одамларнинг сувга чўмиб имон келтиришига ким моне бўла олар экан?” – деди.

Бизларга узоқ вақт давомида Муқаддас Рухга чўмиш нажот вақтида содир бўлади ва бу нарса Худонинг алоҳида иши эмас деб ўргатишган. Шунингдек, Муқаддас Рухга чўмиш фақат Эллигинчи кунда намоён бўлган, деб ўргатишган. Бироқ, Кесарияда Муқаддас Рухга чўмиш ва ноъмалум тилларда гапириш Эллигинчи кундан, йигирма йил ўтгандан сўнг содир бўлди.

Эфесда

Эфес жамоатидаги одамлар, Эллигинчи кундан йигирма йил ўтгандан сўнг Муқаддас Рухга чўмдилар.

Хаворийларнинг фаолияти 19:2-6 Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми? Муқаддас Рух борлигини биз

хеч қачон эшитмаганмиз”, - деб жавоб берди улар. “Бундай бўлса, сизлар қай асосда сувга чўмиб имон келтиргансизлар?” - деб сўради Повул. “Биз Яҳё пайғамбарнинг таълимоти асосида сувга чўмиб имон келтирганмиз”, - деб жавоб бердилар. Повул деди: “Яҳё пайғамбар халқни дарёга чўндириб, тавба қилдирган эди, холос. У халққа: Мендан кейин келадиган Зотга, яъни Исо Масихга инонинглар”, - деб айтган эди. Улар буни эшитгач, Раббимиз Исо исмидан ҳам сувга чўмиб имон келтирдилар. Повул қўлларини уларнинг бошига қўйиши билан Муқаддас Рух уларнинг устига тушиб келди. Улар янги тилларда гапириб, каромат қила бошладилар.

МУҚАДДАС РУХНИНГ ТИМСОЛЛАРИ

Кабутар

Исо Ўрдун дарёсида Яҳёдан чўмганида, Муқаддас Рух Унинг устига кабутардек кўнди.

Луқо 3:22 Муқаддас Рух жисм шаклида каптар каби Унинг устига келиб тушди. Осмондан эса: “Сен Менинг севиқли Ўғлимсан, Менинг илтифотим Сендадир”, - деган садо келди.

Шамол

Эллигинчи куни Муқаддас Рух кучли шамол эсгандек шовқин билан келди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:2 Тўсатдан осмондан кучли шамол эсаётгандек бир шовқин келди-ю, улар турган уйни тамоман тўлдирди.

Олов

Эллигинчи куни улар шамолни эшитишган ва оловни кўришган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:3 Оловга ўхшаш алангаланиб турган тиллар уларга кўринди. Булар бўлиниб, уларнинг ҳар бирига биттадан кўнди.

Малҳам

Малҳам Муқаддас Рухнинг тимсоли сифатида ишлатилади. Ибронийликларга мактубида У ҳақда “қувонч малҳами” деб айтилган.

Ибронийларга 1:9 “Сен адолатни севиб, Қонунсизликдан нафратланасан. Шунинг учун Худо, Сенинг Худойинг, Тенгдошларингдан кўра кўпроқ Сенинг бошингга хуррамлик мойини суртди”.

Сув

Муқаддас Рух “тирик сув дарёси” деб аталади.

Юханно 7:38,39 Муқададас Битикда айтилганидек, Менга ишонганнинг вужудидан ҳаётбахш сув дарё бўлиб оқади.

Исо бундай деб, Муқаддас Рухни назарда тутган эди; Унга ишонганлар Муқаддас Рухни яқин орада олишлари керак эди...

САВОЛЛАР

1. Ўзингининг сўзларингиз билан ноъмалум тиллар инъоми ҳақида тушуча беринг.
2. Ҳаворийлар китобидан, Муқаддас Рух имонлилар танасига келганлиги ҳақида иккита мисол келтиринг.

4 Дарс

Исо Исми Учун Кураш

ШАЙТОН СИРНИ БИЛАДИ

Шайтон имонлилар кучининг сирини билиб олди. У масихийлар ишлатадиган Муқаддас Рухнинг кучига ва Исо исмидаги ҳокимиятга қарши туришга ҳаракат қилади.

Муқаддас Рухнинг Кучи

Имонлиларга Муқаддас Рухнинг кучи берилган. Улар ерда ана шу куч билан ҳаракат қилишади, шунингдек, улар Исонинг исмидаги ҳокимиятдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалар.

Исо Исмидаги Ҳокимият

Шайтон имонлилар ҳаётидаги Муқаддас Рухнинг кучидан, шунингдек, Исо исмидаги ҳокимиятдан қўрқади.

Марк 16:15-18 Исо шогирдаларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар. Ким ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг исмим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирор нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганларида улар шифо топадилар.

Исо уларга, улар ёвуз руҳларни қувишлари шартлигини, янги тилларда гапиришларини, илонларни олишса ҳам, ҳалокатли заҳардан ҳам зарарланмасликларини ва қўлларини беморларга қўйишларини айтганида, буларнинг барчасини Унинг исми билан қилишларини буюрди: ”Менинг исмим билан ...“

Жамоат ўша вақтда ва ҳозир Муқаддас Рухнинг кучи билан ва Исо исмидаги ҳокимият билан ҳаракат қилиши керак эди.

Ёдда тутинг: Худонинг режаси ўзгармаган! Шайтон имонлиларни алдаш учун, улар ўзларининг кучлари ва ҳокимиятлари ҳақида билмасликлари учун барча имкониятларини ишга солади.

ЧЎЛОҚ ҚАШШОҚ ШИФОЛАНДИ

Доимо, шунга ўхшаш яққол мисол берилганида, бизлар ўзимизга бугун учун сабоқ излашимиз керак.

Хаворийларнинг фаолияти 3:1-8 Бир куни Петъор билан Юҳанно ибодат маҳали – соат учда бирга маъбадга чиқаётган эдилар. У ерда онадан туғма шол бўлган биров ҳам бор эди. Бу одамни маъбадга кираётганлардан садақа тилаш учун ҳар кун маъбаднинг Гўзал деган дарвозаси ёнига келтириб қўяр эдилар. У маъбадга кириб келаётган Петъор билан Юҳаннони кўриб қўлардан ҳам садақа сўради. Петъор билан Юҳанно эса кўзларини унга тикиб: “Бизларга қара!” - дедилар. У одам улардан бирон нарса олишни умид қилиб, уларга диққат

билан қарар эди. Петъор унга: “Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман: носиралик Исо Масих исмидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр!” - деди-ю, ўнг қўлидан тутиб, уни оёққа турғизди. Бирданига унинг тиззалари билан тўпиклари мустахкамланиб қолди. У дик этиб оёққа турди-да, юра бошлади. Худога ҳамд айтиб, ирғиб-сакраб юрганича, улар билан маъбадга кирди.

Бугунги кунлар учун сабоқлар

➤ Ибодат Олдидан

Петъор ва Юҳанно биргаликда ибодат соатида маъбадга боришаётган эдилар. Яхудийларнинг ўша вақтлардаги вақт ўлчамларига қарасак “ибодат соати“ шахсий ибодат вақти, куннинг ярми, соат учларга тўғри келади.

Мўъжизани узоқ ибодат қилганимиз учун, ёки кучли ибодат қилганимиз учун олмаймиз. Бироқ, бу нарса имонлиларнинг ибодатли ҳаётлари бепарво бўлишини оқламайди.

➤ Маъбаднинг Ташқарисида Содир Бўлди

Бу нарса маъбаддан ташқарида, одамлар бор бўлган кўчада содир бўлди.

Бизлар - Масихнинг танасимиз, бизлар - жамоатмиз. Бизлар қаерда бўлмайлик у ерда жамоат ҳам бор. Исога ишонувчи бўлган барча жойда мўъжиза содир бўлиши мумкин. Худонинг Сўзи кўчада айтилса, шу сўз тасдиқланиши учун, мўъжизалар жамоатдан кўра ташқарида содир бўлиши муҳимроқдир.

➤ Исо Худо Белгилаган Вақтни Кутарди

Исо фақат Ота қилган ишларни кўриб, кейин Ўзи қилаётганини айтган. У Худодан берилган вақтни кутарди.

Бу инсон ҳар куни маъбаднинг эшиги олдида ётарди. Исо маъбадга боришда ушбу эшиклар олдидан тез-тез ўтиб турарди. Демак, У ўша инсоннинг олдидан тез-тез ўтиб турарди, лекин уни шифоламаган.

➤ Рух Билан Бошқарилганлар

Шогирдлар ўша одамнинг олдидан неча марта ўтишган? Лекин бу сафар бошқача эди. Бу сафар Петъор ва Юҳанно тўғри унга қарашди, у ҳам уларга эътибор берди.

Агар бизлар қўлимиздан мўъжиза содир бўлишини кутсак, Муқаддас Рухнинг бошқарувига сезгир бўлишимиз ва У белгилаган вақтни кутишимиз керак.

➤ Кутиш Ҳолати

Инсон кутиш ҳолатида бўлиши лозим. Петъор энг дадил сўзларни айтиб, касални кутиш ҳолатига келтирди.

➤ *Исо Исми Билан*

“Носиралик Исо Масих исми Билан тур ва юргин“. Петъор бериши керак бўлган нарса, бу Исо исми эди.

➤ *Инсонни Қимирлашга Мажбурлади*

Петъор инсонни қимирлашга мажбурлади. У энгашиб, унинг кўлидан ушлади. Бу инсон то оёққа турмагунича, пошналари ва тиззалари қувватланмади: “... турғазди; бирдан унинг пошналари ва тиззалари қувватланди, дик этиб оёққа туриб, юришни бошлади.....”.

➤ *Инсон Худони Мақтар Эди*

Инсон маъбадга юриб, сакраб ва Худони мақтаб кирди.

У барча инсонлар кўрсин деб, Худони улуғлади ва ўзидаги мўъжиза учун Худони улуғлашдан уялмади.

➤ *Барча Мўъжизани Тан Олди*

Барча одамлар, шифо мўъжиза орқали келганини тан олишди. Улар даҳшатга ва ҳайратга тўлишди.

➤ *Исо Ҳақида Билим Берди*

Тўда йиғилди ва Петъор уларга тирилган Исо ҳақида таълим берди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 3:15 **Ха, Хаёт Соҳибини ўлдирдингизлар. Бироқ Худо Уни тирилтирди ва биз бунга гувоҳмиз.**

➤ *Исо Исмига Ишониш*

Аввал Петъор, одамлар Исо Кимлигини билишларига амин бўлди, кейин эса шу мўъжиза Исонинг исмига ишониш орқали амалга ошганига амин қилди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 3:16 **Бу сизлар кўрган ва билган одам эса Исонинг исми ҳақи, Унинг исмига ишониш сабабли олдингизда соппа-соғ турибди. Ҳаммангизнинг кўз ўнгингизда бу одамга шифо берган нарса – Исо исмидан қилинган эътиқоддир.**

ШАЙТОННИНГ ТЕЗКОР ХУЖУМИ

Қанақа Куч ва Қанақа Исм Билан?

Балким сиз маъбаддаги руҳонийлар, чўлоқ одам шифо топганидан хурсанд бўлишган деб ўйларсиз. Лекин, руҳонийлар Петъор ва Юҳаннони, улар гапиришаётганда қўлга олиб, қамокқа тикишди.

Улар сўраган биринчи савол нима эди?

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:7 **Иккала хаворийни ўртада турғизиб: “Сизлар қандай ваколат билан ва кимнинг исмидан буни қилдингизлар?” - деб сўрашди улардан.**

Исо Исми Учун Кураш

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:10-12 **Унда ҳаммангизга – бутун Исроил халқига маълум бўлсинки, сизлар хочга миҳлаб қўйган ва Худо эса тирилтирган носиралик Исо Масих исми ҳақи бу одам қаршингизда соппа-соғ турибди. Бу Исо – оятдагидек: “Сиз бинокорлар**

менсимаган, лекин пештоқнинг боши бўлиб қолган тошдир. Бошқа ҳеч кимдан нажот йўқ. Нажот топишимиз учун, осмони фалак остида одамзодга берилган бошқа ҳеч бир исм йўқ”.

➤ *Жумбоқ*

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:16 “Бу одамларни нима қилишимиз керак? Уларнинг қўли билан очикдан-очик бир мўъжиза қилинганини бутун Иерусалим аҳли билиб олди-ку! Бизлар буни рад қила олмаймиз”.

➤ *Огоҳлантириши*

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:17 “Лекин халқ орасида бу гап яна кўпроқ ёйилмаслиги учун уларга дўқ урамиз, яна тагин бу исм тўғрисида бошқа ҳеч кимга сўзламасинлар”, - дейишди.

➤ *Буйруқ*

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:18 Сўнгра уларни чақириб, Исо исмини тилга олиб мутлақо таълим берманглар, деб буюрдилар.

➤ *Жавоб*

Петъор ва Юҳанно озод бўлгандан сўнг, халқнинг олдига қайтиб бориб, нима содир бўлганини айтиб беришди ва яна Исо исми билан гапиришди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:29,30 “Энди, ё Раббий, уларнинг дўқ-пўписаларига қара, Сенинг сўзингни Тўла жасорат билан айтиш қувватини шу қулларингга эҳсон айла. Азиз Ўғлонинг Исо исми билан одамларга шифо бериш ва турли аломатлар, мўъжизалар яратиш учун қўлингни узатгин!”

➤ *Жазо*

Ҳаворийларнинг фаолияти 5:28 “Бу исм асосида таълим берманглар, деб сизларни қаттиқ огоҳ қилмаганмидик? Мана, таълимотингиз билан Иерусалимни тўлдириб юбордингизлар ва бу Одамнинг қонини бизнинг бўйнимизга туширмоқчисизлар”, - деди.

Синедрион аъзолари ҳаворийларни, улар Исо исми билан мўъжизалар яратиб, таълим беришни давом эттирганлари учун ўлдиришни истадилар. Бироқ, уларни огоҳлантиришди ва уриб, Исо исмини бошқа айтманглар, деб буюришди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 5:40 Кенгаш аъзолари Гамалиилнинг маслаҳатига қўнишди. Ҳаворийларни чақириб, уларни калтаклашни буюришди. Сўнг Исо исмидан сўзлашларини тақиқлаб, уларни қўйиб юборишди.

➤ *Натижа*

Ҳаворийларнинг фаолияти 5:41,42 Ҳаворийлар эса, Раббимиз Исо исми учун ҳақоратга сазовор бўлдик, деб қувониб, Кенгашдан чиқиб кетишди. Улар ҳар куни маъбадда ва хонадонларда таълим бериш, Исо Масих ҳақидаги Хушхабарни ёйишдан тинмас эдилар.

ШОУЛ (ПОВУЛ) ВА ИСО ИСМИ

Бошқаларни Таъқиб Қиларди

Имонлиларни биринчи марта таъқиб қилиниши, Исо исмини чақирганлари учун бўлган.

Хаворийларнинг фаолияти 9:13,14 Ханания жавоб берди: “Ё Раббий, бу одам Иерусалимда Сенинг азизларингга қанча ёмонлик қилгани ҳақида кўп одамлардан эшитдим. Бу ерда ҳам Сенинг исмингни айтганларнинг ҳаммасини тутқунга солиш учун олий руҳонийлардан ижозат олибди-ку”, - деди.

Номни Ёйишга Танланган

Худо Хананиёни Шоулнинг олдига юборди, чунки Худо Шоулни Исо исми ҳақида маъжусийларга, маъжусий шоҳларга ва Исроил халқига айтиш учун танлади. Шоул Исо исмини қўллаганларга азоб берганидек, ўзи ҳам Исо исмини қўлагани учун азоб чекди.

Хаворийларнинг фаолияти 9:15,16 Раббимиз Исо унга шундай деди: “Сен боравер, мана бу одам Менинг исмимни турли халқлар, подшоҳлар ва Исроил ўғиллари олдида улуғлаш учун танланган куролимдир. Менинг исмим учун у қанчалар азоб чекиши керак эканини Ўзим унга кўрсатаман”.

Шу Ном Учун Ўлишга Тайёрлик

Повул Исо исми учун ўлишга тайёр эди.

Хаворийларнинг фаолияти 21:13 Лекин Повул жавоб бериб: “Нима қилаяпсизлар? Нега йиғлаб, дилимга озор бераяпсизлар? Мен Иерусалимга бориб асир бўлишгина эмас, Раббим Исо учун ҳатто ўлишга ҳам тайёрман”.

Ном Ҳақда Ёзмақда

Повул Исо исмининг кучини билар эди. У бу Номни, Унга қарши курашган ва енгилган ҳолда биларди. У Исо исми билан нажот топгани учун, уни биларди. Повул Исо исми ҳақида қайта ва қайта ёзар эди.

Римликларга 10:13 Чунки “Раббийнинг исмини чақирадиган ҳар бир киши нажот топади”.

1-Коринфликларга 5:4 ...сизларнинг йиғилишингизда менинг руҳим билан биргаликда, Раббимиз Исо Масихнинг куч-қудрати билан ...

Филиппиликларга 2:9,10 Шунинг учун Худо Уни жуда юксалтирди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори бўлган исми ато этди, токи Исонинг исми олдида самодаги, ердаги ва ер остидаги ҳар қандай зот тиз чўксин ...

Колосаликларга 3:17 Сизлар сўз билан ёки иш билан нимаики қилсангизлар, ҳаммасини Раббий Исо Масих исмидан қилиб, У орқали Отамиз Худога миннатдорчилик билдиринглар.

Нима сабабдан биринчи масиҳийлар ўлишса ҳам Исо исмини эътироф этишдан вос кечмас эдилар?

Нима сабабдан диний лидерлар, Исо исми эътироф этилиши бошланган жойларга хужум қилар эдилар?

Масиҳийлар ҳам, диний лидерлар ҳам ушбу ном эътироф этилганида қанақа куч содир бўлишини билар эдилар.

Нажот Олиб Келади

Бизлар фақат Исо исми орқали нажот топамиз.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:21 “Ўшанда Худованд исмини айтиб чақирган ҳар бир киши нажот топади”.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:38 Петъор уларга деди: “Тавба қилинглр ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ исмидан сувга чўмиб имон келтиринглр. Шундай қилиб Муқаддас Рух инъомини оласизлар”.

Ғалаба Олиб Келади

Бизлар фақат Исо исми билан Буюк Топширикни бажариб, бутун дунёга нажот олиб кела оламиз. Фақат Исо исми билан жинлар қувилиб, инсонлар озод бўлишади.

Шифо Олиб Келади

Исо исми шифо олиб келади.

Ҳаворийларнинг фаолияти 3:16 Бу сизлар кўрган ва билган одам эса Исонинг исми ҳақи, Унинг исмига ишониши сабабли олдингизда соппа-соғ турибди. Ҳаммангизнинг кўз ўнгингизда бу одамга шифо берган нарса – Исо исмидан қилинган эътиқоддир.

Худо Билан Ўзаро муносабат

Бизлар Ота Худонинг олдида Исо биз учун қилган ишлари туфайли, Унинг исмини ишлатиш орқали кела оламиз.

Юҳанно 16:23 Ўша куни Мендан ҳеч нарса сўрамайсизлар. Сизларга ростини айттайин: агар Менинг исмидан Отадан нима сўрасангизлар, Ўзи сизларга беради.

Эфесликларга 5:20 ... ҳар доим, ҳамма нарса учун Отамиз Худога Раббимиз Исо Масиҳ исми билан миннатдорчилик билдиринглр.

ФАҚАТ ИМОНЛИЛАРГА РУХСАТ ЭТИЛГАН

Исо исмини ишлатиш фақат жамоатга рухсат этилган. Исо исми имон билан ишлатилганда ҳокимиятга эга бўлади.

Скевнинг Еттита Ўғли

Скевнинг еттита ўғли Исо исмини, Уни билмасдан ишлатишди ва албатта кулфат остида қолишди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:13-15 Яҳудийлар орасида сайёҳ юрувчи баъзи азайимхонлар ҳам бор эди. Булар ёвуз руҳларга чалинган

одамлар тепасида Раббимиз Исонинг исмини зикр қилишга уннай кетар, “Повул эълон этаётган Исо исми билан сизларга буюрамиз”, - деб айтишарди. Бундай қилганлар орасида олий руҳоний Скева исми бир яхудийнинг егтита ўғли ҳам бор эди. Ёвуз руҳ уларга жавобан: “Исони танийман, Повулни биламан, сизлар эса ким бўласизлар?” - деди.

Ёланғоч, Урилган, Енгилганлар

16 оят Шундай дейиши биланоқ ёвуз руҳли одам уларнинг устига ташланиб, шундай зўр чиқдики, азайимхонлар қип-яланғоч ва ярадор холда у уйдан қочиб қутулишди.

Исо исмини тумордек ёки жодудек ишлатиш мумкин эмас. Исо исмини ҳақиқий имонли имон билан ишлатганида, ундаги кучни таъриф этиб бўлмайди.

Юксаладиган Исм

Исо исмини ишлатишга ҳуқуқли бўлмаганлар, ишлатиб шарманда бўлишган. Лекин Исо исми жуда ҳурмат қилинади ва шу йўл билан Уни кўплар билиб олишди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:17,18 Бу воқеа Эфесда яшаган яхудий билан юнонларнинг ҳаммасига маълум бўлди. Ҳаммани даҳшат қоплаб, Раббимиз Исонинг исми улуғланди. Имон келтирганлардан кўплари эса келиб, қилмишларини очиқ эътироф этишар эди.

Унинг Исмини Бузиш

Имонлилар Исо исмини имон билан ишлатишганда, шайтон ундаги кучни билади. Шу сабабли унинг хужумларидан бири ушбу номни бузиш, заифлаш, ҳақорат қилиш ва унинг кучини барбод қилиш эди.

Унинг исми кўпинча Худони ҳақорат қилишда ишлатилади.

Сиз бирор марта имонсиз одам, бошқа динларнинг асосчиларидан бирининг исмини ҳақорат қилганини эшитганмисиз? Йўқ, лекин нима учун йўқ?

Бу исмлар ёки бошқа ҳар қандай сохта худоларнинг исми кучга эга эмас.

Шайтонда Ушбу номларни шарманда қилишидан маъно йўқ. Аксинча, уларга ҳурмат кўрсатади, чунки улар унинг ўзига тегишли.

УНИНГ ИСМИ БИЛАН АТАЛУВЧИЛАР

Биз масиҳийларга ифода қилиб бўлмас, ажойиб баракалар берилган. Лекин масиҳий деб аталувчиларга, Масиҳ исми билан аталувчиларга катта маъсулият юкланган.

Худонинг Шарафини Олиб Келиш

Повул Тимўтийга ёзганда, шу ҳақда айтган.

2-Салоникаликларга 1:12 ... ва Раббимиз Исо Масиҳнинг исми сизларда улуғлансин, сизлар эса Худойимиз ва Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти бўйича Масиҳда улуғланинглар.

Бизнинг ҳаётимиз Худони улуғлаши керак.

Повул Ибронийликларга юборган мактубида, улар Худонинг исмига таъна келтирганлари учун, уларни қаттиқ танқид қилган. Бу огоҳлантириш ҳар бир “масихий” Дея аталувчига тегишли.

Римликларга 2:17-24 Мана сен ўзингни яҳудий деб атамоқдасан ва Қонунга таяниб, Худо билан мақтаниб юрмоқдасан. Мана сен Худонинг иродасини билмоқдасан ва Қонундан ўрганиб, энг яхши нарсаларни англамоқдасан. Шунингдек, ўзинга аминсанки, сен кўрларга йўлбошловчи, зулматда бўлганларга нурсан, ақлсизларга устоз, чақалоқларга муаллимсан, Қонунда эса ҳақиқат ва билим намунасига эгадирсан. Қандай қилиб сен бошқаларга ўргатиб, ўзинга ўргатмаяпсан? Қандай Қилиб: “Ўғирлик қилма”, - деб воизлик қилиб, ўзинг ўғирлик қиляпсан; “Зино қилма”, - деб ўзинг зино қиляпсан? Қандай қилиб: “Бутлардан жирканамаман”, - деб ўзинг куфрлик қиляпсан? Қонун билан мақтаниб, ўзинг қонунбузарлик орқали Худони бадном қиляпсан. Худди ёзилганидек: “Сизлар туфайли мажусийларнинг орасида Худонинг исми куфрланмоқда”.

Ноҳақликдан Юз Ўғириш

Повул Тимўтийга ёзган:

2-Тимўтийга 2:19 Лекин Худонинг пойдевори мустаҳкам турган бўлиб, шундай муҳрга эгадир: “Раббий Ўзиникиларни билади,” ва “Раббийнинг исмини чақирадиган ҳар бир одам ноҳақликдан узоқлашсин”.

ИСОГА ВА УНИНГ ИСМИГА ИШОНИНГ

Биз нажотишимиз учун Исонинг исмига ишонганимиздек, ҳар кунги ҳаётимизда ғалабада яшашимиз учун, Унинг исмидаги ҳокимиятга ва кучга ишонишимиз керак.

Янги Аҳдда Исога ва Унинг исмига ишониш ҳақида кўп марта айтилганига эътибор беришимиз керак. Нима сабабдан фақат Уни ўзини чақиришимиз, Унинг Ўзига ишонишимиз ҳақида ёзилмаган? Нима учун доимо бизларни Унинг исмига ишонишга, Унинг исмини чақиришимизга ўргатишади?

Исо бизнинг нажотимизга Ўзининг хочдаги ўлими орқали эришди. У ўлим ва тирилиш орқали шайтондан ерни бошқариш ҳокимиятини қайтариб олди. Унинг исмини ишлатиб, имонлилар бугун ерни бошқариш ҳокимиятига эгалар!

Исо бизга Ўзининг исмини берди. Бизлар Унинг исми билан гапиришимиз ва ҳаракат қилишимиз керак. Бизлар ҳатто Ундан кўра кўпроқ ишлар қила оламиз!

Исо Ўзининг Жамоатини қуришини айтганда, бизларни ушбу ерда курашишимиз учун кучсиз қолдирмади.

Бизлар ҳокимиятга, кучга эга бўлмасдан қандай қилиб шайтонни ва унинг ёвуз рухларини енга оламиз?

Исо бизлар кучга эга бўлишимиз учун Муқаддас Рухни берди. У эса, бизлар ҳокимиятга эга бўлишимиз учун Унинг исмини ишлатиш ҳуқуқини берди.

САВОЛЛАР

1. Исонинг исми сиз учун қанчалик муҳим?
2. Исонинг исмига эга бўлиш орқали келадиган баъзи баракаларни атанг. Баъзи маъсулиятларни атанг.
3. Скевнинг ўғиллари билан нима содир бўлди? Нима учун?

5 Дарс

Исонинг Жамоат Учун Режаси

ИСО ЎЗИНИНГ ЖАМОАТИНИ КУРАДИ

Инсон эмас, айнан Исо Жамоатни куриши керак .

Матто 16:18 Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: сенинг тоғ деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас...

Кўп йиллар давомида инсон ўзининг намуналарини ва усулларини қўллаб жамоат курмоқчи бўлди. Исонинг Ўзи жамоат куриши кераклиги сабабли, бизлар шахсий ғояларимизни ва одатларимизни қолдириб, Исо Ўз Сўзи орқали бизларга режасини очиши учун, Унга имконият беришимиз керак.

Ҳар Бир Имонлига Тегишли:

➤ *Гувоҳлик Бериш*

Ҳар бир имонли Исо Масих ҳақида гувоҳлик бериши керак.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:8 Лекни Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шохидларим бўласизлар.

➤ *Исо Қилган Ишларни Қилиш*

Ҳар бир имонли Исо қилган ишларни қилиши керак.

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: “Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларини ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдида кетяпман”.

➤ *Воизлик Қилиш*

Ҳар бир имонли Хушхабарни воизлик қилиши (эълон қилиши ёки бўлиши) шарт.

Марк 16:15 Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар.

➤ *Мўъжизаларни Кутиш*

Ҳар бир имонли, унга мўъжизали аломатлар ҳамроҳ бўлишини кутиши керак.

Марк 16:17,18 Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг исмим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”.

➤ *Хизмат Ишига Тайёрланиш*

Бутун Худонинг халқи хизмат ишига тайёрланган бўлиши керак.

Эфесликларга 4:12 ... токи Масихнинг танасини барпо этишга хизмат қилишлари учун муқаддасларни камолотга эриштирадилар.

БЕШ ТОМОНЛАМА ХИЗМАТ - УНВОНЛАР ЭМАС, БАЛКИ МАЖБУРИЯТЛАР

Исо Отасининг олдига қайтганда, одамларга инъомлар берди.

Эфесликларга 4:8-13 Шунинг учун ҳам айтилган: “У юксакликка чиққач, асирликни асир қилди ва одамларга инъомлар берди”. “Чиққач” дегани нимани билдиради: аввал Унинг ер қаърининг қисмларига тушганини эмасми? Пастга тушган Масих ҳамма нарсани тўлдириш учун барча осмонлардан юқорига чиққан. У баъзиларни хаворийлар, баъзиларни пайғамбарлар, баъзиларни чўпонлар ва муаллимлар қилиб тайинлади, токи Масихнинг танасини барпо этишга хизмат қилишлари учун муқаддасларни камолотга эриштирадилар. Шу тариқа ҳаммамиз имоннинг ва Худонинг Уғлини таниб билишнинг бирлигига келиб, мукаммал инсонга, яъни Масихнинг тўла-тўқислигининг етуклиги меъёрига эришайлик.

Хаворий, пайғамбар, хушхабарчи, чўпон ёки ўқитувчилар жамоатда фақат ном эгалари эмас, балки маъсулиятли, хизмат вазифаларини бажарадиган бўлишлари керак. Масихнинг танаси барпо бўлиши учун, ҳар бир хизматнинг фаолияти аҳамиятга эга.

Повул Ёзувларни ёзганида, Масих танасидаги хизматини ёки ҳаракатини билдирувчи “Повул, Хаворий” деган сўз билан бошлар эди. У унвонни билдирувчи “Хаворий Повул” деб айтмаган.

Худо Томонидан Қўйилганлар

1-Коринфликларга 12:27,28 Шундай қилиб, сизлар – Масихнинг танасисизлар, ҳар бирингиз алоҳида аъзосизлар. Худо эса баъзиларни Жамоатда биринчидан хаворийлар, иккинчидан пайғамбарлар, учинчидан муаллимлар қилиб қўйди. Яна баъзиларга мўъжизакорликни, бошқаларга эса шифокорлик, ёрдам бериш, бошқариш, турли тиллар инъомларини берди.

Хизматнинг барча бешта инъоми, ҳар маҳаллий жамоатларда актив бўлиши ва ҳаракат қилиши керак. Чунки имонлилар хизмат ишларига тайёр ва Масих тўлиқлигига, тўлиқ меъёрда ўсган бўлишлари керак.

Хизматчилар

Агар бизлар Худо томонидан беш томонлама хизматга даъват этилган бўлсак, энг аввало Масих танасининг хизматкорлари бўлишимиз керак.

Исо бизнинг намунамиз сифатида барча, бешшала хизмат инъомларида ҳаракат қилган. Ушбу намуна, хизматкорнинг намунаси.

Юҳанно 13:3-5 Кечки овқат пайти эди. Симуннинг ўғли Яхудо Ишқариётнинг дилига иблис аллақачон Исога хиёнат қилиш ниятини солган эди. Исо бўлса, Отаси ҳамма нарсани Унинг қўлига берганини билар эди. Шундай қилиб, Исо овқатдан сўнг устки кийимини ечиб ташлади, сочикни олиб белига боғлади. Кейин обдастага сув қуйиб, шогирдларининг оёқларини ювишга тушди. Белига боғлаган сочик билан уларнинг оёқларини артиб қуритди.

12-17 оятлар. Шогирдларининг оёқларини ювиб бўлгач, Исо тагин устки кийимини кийиб, ёнбошади. Шогирдларига айтди: “Мен сизларга нима қилганимни англадингларми? Сизлар Мени Устозимиз ва Раббимиз деб атайсизлар ва тўғри қиласизлар, чунки Мен худди шундайман. Шундай қилиб, агар Мен Раббингиз ва Устозингиз бўла туриб оёқларингизни ювган бўлсам, сизлар ҳам бир-бирингизнинг оёқларингизни ювишингиз қарзидир. Мен сизларга нима қилган бўлсам, сизлар ҳам ўшани қилишингиз керак. Мен сизларга ўрнак кўрсатдим. Сизларга ростини айтайин: кул ўзининг хўжайинидан юқори турмас, элчи ҳам уни юборгандан улуғ бўлмас. Агар гапимни уққан бўлсангиз, бунга амал қилинглр ва бахтли бўласизлар!”

ҲАВОРИЙ

Ҳаворий Ҳақида Таъриф

Юнонча “апостостолос” сўзи, таржимада “хаворий”, “олдинга юборилган, юборилган”ни билдиради.

Ҳаворий бу Янги жамоатлар ўрнатиш учун, ва Худонинг Сўзига асосланган амалий таълимотларда жамоатларни мустаҳкамлаш учун, ҳокимият билан юборилган кишидир. У жасурлик, ҳокимият, билим ва Муқаддас Рухнинг ваҳийи билан хизмат қилади.

Унинг Мажбуриятлари

У хизмат инъомларида ва Муқаддас Рухнинг барча инъомларида ҳаракат қилади. Ҳаворий, Худо билан чуқур, шахсий ўзаро муносабатларга эга бўлган ҳолда хизмат қилади. У кимга хизмат қилса, улар билан “Оталик” муносабатига эга бўлади. Аломатлар ва мўъжизалар, шунингдек, шифоловчи мўъжизалар унинг хизматида доимо содир бўлади.

Унинг хизматининг инъомлари, Рухнинг баъзи жамоатларга ва бошқа хизматларга бўлган муносабати сифатида баҳоланади ва қабул қилинади.

Бу инсоний ташкилотнинг ёки йўналишнинг муносабати эмас. Ҳаворийнинг Худо билан ўзаро руҳий муносабати бўлгани учун, жамоатларни, хизматкорларни ва имонлиларни ёлғондан ҳимоялаб бошқаради, у ерга тартиб, жавобгарлик ва барқарорлик олиб келади.

Ҳаворий, пайғамбарнинг хизмати билан ҳамкорлик қилади, яъни хизматкор бўлишга танланганларни мустаҳкамлашда, оқсоқолларнинг муҳимлиги сабабли уларни хизматга бағишлашда қатнашади. Пайғамбар билан биргаликда, у Худонинг маълум бир инсонларга бўлган даъватини қўллаб қувватлайди. Уларни ушбу хизмат инъомидаги ҳаракатда мустаҳкамлайди.

У имонлиларга қўлини қўйиб, уларни Муқаддас Рух инъомларининг ҳаракатига олиб киради.

Ҳаворий ҳокимият билан хизмат олиб боради ва гапирди, лекин ўзи ҳам ҳокимият остида бўлади. Чунки қаердан юборилган бўлса, ўша маҳаллий жамоатнинг оқсоқоллари ва бошқа хаворийлари олдида жавобгар бўлади.

Намуналар

Повул ва Барнабо - хаворийларнинг яхши намуналаридир

Ҳаворийларнинг фаолияти 13:2,3 Булар диний хизматини ўтаб, рўза тутиб турган маҳалда, Муқаддас Рух гапириб: “Барнабо билан Шоулни Мен сайлаган иш учун Менга ажратиб беринглар!” - деди. Шу тариқа, улар яна рўза тутиб ва ибодат қилиб бўлгач, Барнабо билан Шоулнинг бошига қўлларини қўйганча дуо қилиб, уларни жўнатишди.

Римликларга 15:20 Шу билан бирга, мен бошқаларнинг пойдевори устига қурмаслик учун Масихнинг исми ҳали маълум бўлмаган ерларда Хушxabарни воизлик қилишга жон куйдирдим.

Ҳаворийларнинг фаолияти 14:23 Ҳар бир имонлилар жамоати учун оксоқоллар тайин этдилар. Рўза тутиб, имонлиларни дуо қилиб, Раббимиз деб қаттиқ ишонишган Исо Масихнинг қарамоғига уларни топширдилар.

ПАЙҒАМБАРЛАР

Пайғамбар Ҳақида Таъриф

Юнонча “профетео” сўзи, пайғамбар, “ҳодисани олдиндан айтиб берувчи” ва “руҳланиб гапириш” деган маънони билдиради.

Пайғамбар Худодан олиб гапиради. Унинг асосий хизмати одамларга Худонинг сўзини тақдим этишдир. Агар пайғамбарнинг ваҳийи Ёзув билан тўлиқ мос келса, у йўналиш беради, бошқарувни ва мақсадни тасдиқлайди, Худо Сўзининг тўлиқ тушунчасини беради. Пайғамбар инсонлар ҳаётидаги ҳодисаларни айтиб беради, танқид қилади, ҳукм қилади, тўғирлайди, огоҳлантиради ва келажакда бўладиган ҳодисаларни айтиб беради.

Унинг Мажбуриятлари

Пайғамбар, шунчаки пайғамбарчилик инъоми илҳоми остида башорат қилувчидан кўра, катта мойланиш остида пайғамбарлик хизматини олиб боради. Таъкидлаш жоизки, Пайғамбарнинг сўзи ҳар қандай имонлининг башоратидан кўра, кўпроқ барпо қилувчи, юпанч берувчи ва насиҳат берувчи ваҳийга эга бўлади. Пайғамбар жамоатларни мустаҳкамлашда, руҳий пойдевор қуришда, хизматни ҳаворий билан бирга олиб боради.

Эфесликларга 2:20 Сизлар ҳаворийлар ва пайғамбарларнинг пайдевори асосида қурилгансизлар. Асосий бурчак тоши эса – Исо Масихнинг Ўзидир.

Намуна

Ҳагав пайғамбарнинг яхши намунаси.

Ҳаворийларнинг фаолияти 21:10,11 У ерда бир қанча кун турганимиздан кейин, Яҳудиядан Агав исмли бир пайғамбар тушиб келди. У олдимизга кириши биланоқ Повулнинг камарини олди-да, ўзининг қўл-оёқларини боғлаб деди: “Муқаддас Рух бундай демокда: Иерусалимдаги яҳудийлар бу камарнинг эгасини шунақасига боғлаб, мажусийларнинг қўлига топширадилар”.

ХУШХАБАРЧИ

Хушхабарчи Ҳақида Таъриф

Юнонча “евангелистес” сўзи, таржимада “хушхабарчи”, “яхши хабарлар билан юборилган,”- деган маънони билдиради.

Унинг Мажбуриятлари

Бугун хушхабарчи Худо кўшинининг биринчи қаторларида. У Исо ҳақида билган нарсаларини ҳар бир кишига айтиш истаги билан ёнган. Унинг юраги доимо дунёда адашганларга эришади. У қаерга бормасин, одамларга Исо ҳақида гувоҳлик беради ва аломатлар ҳамроҳлигида воизлик қилади.

У бошқа имонлиларни мўъжизалар билан мустаҳкамланувчи хушхабарчиликка ўргатади, сўнг эса уларни катта хушхабар хизматларига кўяди. У ҳар бир жамоатдаги имонлиларнинг юракларини маҳаллий хушхабарчилик, халқларга хушхабарчилик ва бутун дунёда хушхабар айтиш истагига йўналтириш мақсадига эга бўлади.

Хушхабар айтиш ҳар бир имонлининг хизмати ва вазифаси бўлса, хушхабарчи бу хизматни кўпроқ мойланиш билан олиб боради. У хушхабарни воизлик қилиш устасидир. Унинг маъсулияти - барча имонлиларни хушхабар ишига тайёрлашдир.

Намуна

Фалип хушхабарчининг ажойиб намунасидир.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:5-8 Филипп Самария шаҳрига келиб, унинг аҳлига Масихни тарғиб қилди. Филиппнинг сўзини тинглашиб ва қилаётган мўъжизаларини кўришиб, бутун халқ унга қулоқ солди. Чунки ёмон руҳларга гирифтор бўлган кўп кишилардан руҳлар баланд овоз билан бақириб чиқар, анчагина шолу чулоқлар эса шифо топарди. Шундай қилиб, у шаҳарга катта хурсандчилик келди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:12 Лекин Худонинг Шоҳлиги ва Исо Масих тўғрисидаги Хушхабарни келтирган Филиппни тинглашиб, кўп эркак ва хотин унинг сўзига ишонди ва сувга чўмиб имон келтирди.

ЧЎПОН

Чўпон Ҳақида Таъриф

Юнонча “поимен” таржимада “пастор”, “чўпон” ёки “қўйларни боқувчи, йўналтирувчи ва қаровчи” деган маънони билдиради.

“Поимен” Сўзи Янги Аҳдда ўн саккиз марта ишлатилган. Фақат Эфесликларга мактубининг тўртинчи бобида “пастор” деб таржима қилинган. Бу сўзнинг қолган ўн еттита таржимада “чўпон” деб айtilган.

Унинг Мажбуриятлари

➤ Бошқариш

Чўпон қўйларни бошқаради.

Юханно 10:4 У ўз қўйларини қўрадан олиб чиқиб, уларнинг олдида бораверади. Қўйлар эса унга эргашади, чунки улар чўпоннинг товушини биладилар.

➤ *Яқин Ўзаро Муносабатлар Қуриши*

Чўпон ўзининг қўйлари билан яқин, шахсий ўзаро муносабатларга эга бўлади.

Ишаъйя 40:11 У Ўз қўйларини чўпондек боқади; Қўзичокларни қўлига олади ва кўксида кўтариб юради ва эмизиклиларни етаклаб юради.

Юханно 10:11 Мен яхши Чўпонман. Яхши Чўпон қўйлари учун жонини бағишлайди.

➤ *Қўйларни Боқши*

Чўпон қўйларни боқади.

Юханно 21:15-17 Нонушта қилиб бўлишгач, Исо Симун Петъордан сўради: “Юнус ўғли Симун, сен Мени улардан кўпроқ севасанми?” “Ҳа, Раббим! Мен сени яхши кўришимни Ўзинг биласан-ку”, - деди Унга Петъор. “Қўзиларимни ўтлат”, - деди унга Исо. Иккинчи марта Исо Петъордан яна сўради: “Юнус ўғли Симун, сен Мени севасанми?” “Ҳа, Раббим! Сени яхши кўришимни Ўзинг биласан-ку”, - деди Петъор Унга. “Қўйларимни боқ”, - деди унга Исо. Сўнг учинчи марта Петъордан сўради: “Юнус ўғли Симун, сен Мени яхши кўрасанми?” ўзидан уч марта: “Мени яхши кўрасанми?”, - деб сўраганига Петъор хафа бўлди. “Раббим! Сен ҳаммасини биласан, мен Сени яхши кўришимни ҳам биласан”, - деди Петъор. Исо унга шундай деди: “Қўйларимни ўтлат!”

ЎҚИТУВЧИ

Ўқитувчи Ҳақида Таъриф

Юнонча сўз “дидаскало”, “таълим берувчи” деган маънони билдиради. Ўқитувчи бу - ўзининг таълимоти билан бошқаларни ўрганишга йўналтирувчи кишидир. У шундай қилиб, барча халқларни ўргатади.

Матто 28:19,20 “Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух исми билан сувга чўмдириб, имонга киритинглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Мана, Мен ҳар қуни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан”.

Унинг мажбуриятлари

➤ *Янги Имонлиларни Ўқитиши*

Ўқитувчи Янги имонлиларни ўқитади.

Ҳаворийларнинг фаолияти 11:21-26 Раббимизнинг кучи улар орқали амал қилаётгани учун ҳам кўпчилик Исони Раббим деб имон келтирди. Бу ҳақда Иерусалимдаги имонлилар жамоатининг қулоғига хабар етиб келгач, Барнабога Антиохияга боришни топширдилар. Барнабо у ерга келганида, Худо иноятининг самарасини кўриб қувонди, Раббимиз Исога чин кўнгилдан берилинган, деб ҳаммага

далда берди. У Муқаддас Рух ва имонга тўлган, хушфеъл одам бўлгани учун, халқнинг талай қисми Исони Раббим деб қабул қилди. Кейин Барнабо Шоулни ахтариб, Тарсга борди ва уни топиб, Антиохияга келтирди. Бир йил мобайнида улар имонлилар жамоати билан тўпланиб, талай одамга таълим беришди. Биринчи марта Антиохия шаҳрида Исо шогирдлари Масихий деган номни олдилар.

➤ *Имонга Ўргатади*

Ўқитувчи имонлиларни, имон билан яшашга ўргатади.

2-Тимўтийга 2:7 Айтаётганларимни яхшилаб ўйлаб кўргин. Раббий эса сенга ҳамма нарсани тушуниш қобилиятини беради.

➤ *Муқаддас Рух Билан Таълим Беради.*

Ўқитувчи Муқаддас Рухнинг мойланиши остида таълим беради.

1-Юханно 2:20 Бироқ сизлар муқаддас Бўлганнинг мойланишига эгасизлар ва ҳамма нарсани биласизлар.

1-Юханно 2:27 Бироқ Худодан олган мойланиш сизларда бор экан, сизларга бировнинг уқтиришининг хожати йўқдир. Лекин шу мойланишнинг ўзи сизларга ҳамма нарсани ўргатганидек – бу эса ёлгон эмас, балки ҳақиқатдир – шундай қилиб, у сизларга ўргатганидек, Масихда бўлинглар.

1-Коринфликларга 2:13 Биз буни инсоний доноликдан ўрганган сўзлар билан эмас, балки Муқаддас Рух ўргатган сўзлар билан воизлик қилиб, рухий нарсаларни рухий нарсалар билан таққослаймиз.

➤ *Ўқитувчи Ҳокимият Билан Таълим Беради*

Ўқитувчи ҳокимият билан таълим беради.

Матто 7:28,29 Исо бу сўзларни айтиб бўлгандан кейин, халойиқ Унинг таълимотига хайрон қолди. Чунки Исо уларга уламолар ва фарзийлар каби эмас, балки қудратли куч эгасидай таъсирчан таълим беради.

➤ *Ўзига Ўхшаганларни Кўпайтиради*

Ўқитувчининг хизмати ўрганган нарсаларини бошқаларга етказадиган, содиқ инсонларга қаратилгандир.

2-Тимўтийга 2:2 Кўп гувоҳлар олдида сен мендан нималарни эшитган бўлсанг, буларни бошқаларга ҳам таълим беришга қобилиятли бўлган ишончли одамларга топширгин.

ОҚСОҚОЛ ВА ДИАКОНЛАР

Епископ деб аталмиш оқсоқоллар ва диаконларни Худо маҳаллий жамоатга мутасадди қилиб белгилади.

Филиппиликларга 1:1 Исо Масихнинг қуллари Повул ва Тимўтийдан – Филиппи шаҳрида бўлган, Исо Масихдаги барча муқаддасларга ҳамда Жамоатнинг нозирлари ва хизматкорларига...

Оқсоқоллар (Епископлар)

Оқсоқолнинг ёки епископнинг вазифаси жамотни бошқариш. Оқсоқоллар Худо томонидан танланади ва хаворийлар уларни хизматга белгилайди.

1-Тимўтийга 3:1 Бу Сўз тўғри: агар Ким Жамоатнинг ноziри бўлишни истаса, хайрли ишни истаган бўлади.

Хаворийларнинг фаолияти 14:23 Ҳар бир имонлилар жамоати учун оқсоқоллар тайин этдилар. Рўза тўтиб, имонлиларни дуо қилиб, Раббимиз деб қаттиқ ишонишган Исо Масиҳнинг қарамоғига уларни топширдилар.

Диаконлар

Диаконнинг вазифаси хизмат қилиш. Диаконларни имонлилар танлайди, лекин хаворийлар томонидан тасдиқланади.

Хаворийларнинг фаолияти 6:2-4,6 Ана шу сабабли, ўн икки хаворий Исо шогидларининг жамини чақириб, бундай дедилар: “Биз Худонинг Сўзини ёйиш ишини четда қолдириб, дастурхонга хизмат қилишимиз яхши эмас. Эй биродарлар, энди синалган ҳамда Муқаддас Рухга тўлиб-тошган етти кишини орангиздан танлаб олинглар; уларни бу хизматга тайин этамиз. Бизлар эса доимо ибодатга берилаб, Худо Сўзини ёйиш хизматида машғул бўлайлик”.

Уларни Хаворийлар олдига қўйишди ва улар ибодат қилиб қўлларини қўйишди.

1-Тимўтийга 3:10 Бундайларни эса аввал синаб кўриш керак, агар бенуқсон бўлсалар, шундагина хизматга тайин қилиш керак.

ОҚСОҚОЛЛАРНИНГ (ЕПИСКОПЛАРНИНГ) ВАЗИФАСИНИ, ХИЗМАТИНИ ТУШУНИШ -

Таъриф

Юнонча сўз “пресбутерос” катта ёки ёши катта оқсоқол деган маънони билдиради. Ушбу сўз Қадимги Аҳдда, Синедрион аъзоларига ёки синагога бошлиқларига тегишли эди. Ушбу сўз, Янги Аҳдда энг кўп марта яҳудийлар жамоатидаги имонлиларга мурожаат қилиб ишлатилган. Чунки улар, Қадимги Аҳдни оқсоқоллар учун намуна деб қабул қилишарди.

Хаворийларнинг фаолияти 14:23 Ҳар бир имонлилар жамоати учун оқсоқоллар тайин этдилар. Рўза тутиб, имонлиларни дуо қилиб, Раббимиз деб қаттиқ ишонишган Исо Масиҳнинг қарамоғига уларни топширдилар.

Юнонча “епископ” сўзи, бошқарувчи - назоратчи ёки ғамхўрлик қилувчи деган маънони англатади. Ушбу сўз Янги Аҳдда беш марта ишлатилган. “Епископ” сўзи – таржиманда, юқоридан қараш, назорат қилиш деганидир. Кўпинча, бу сўзни Юнон жамоатлари имонлиларига мурожаат қилганда ишлатишарди, аниқроғи бу сўз, “рухий бошқарувчи” деган маънони билдиради.

Хаворийларнинг фаолияти 20:28 Ўзингизни ва Муқаддас Рух сизларни назоратчи қилиб тайинлаган барча жамоатни кўз-қулоқ бўлиб эҳтиётланглар. Сизлар чўпонлик қилаётган ушбу сурувни Раббимиз Исо Ўз қони эвазига сотиб олган.

Мажбуриятлари

Ушбу икки бошқарувчилар «пресвитер» ва “епископ”ларнинг хизматлари Ёзувда ҳеч нарса билан фарқ қилмайди. Аслида уларнинг вазифаси бир хил. Илк ҳаворийлар даврида жамоатда руҳий иерархия йўқ эди. Ҳар бир жамоат алоҳида ва мустақил эди.

Жамоат бошқармаси - бу ташкилот, жамият ва оқим ҳам эмас эди, балки жамоатда ҳаворий, оқсоқол бўлишга даъват этилган, Муқаддас Рухда бўлган инсонларнинг ўзаро муносабати эди.

Ҳар бир жамоат “жўнаш нуқтаси” сифатида ҳаракат қилар эди ва ҳеч қачон, бошқа жамоатни бошқарадиган ёки чегаралайдиган она жамоат деб ҳисобланмас эди.

Ҳаворийлар ва пайғамбарлар “пойдевор” кўйишаётган вақтда, жамоатларни ўрнатиб, ҳар бир жамоат устидан пресвиторларни белгилашганда, улар билан чуқур ўзаро муносабатлар қуришган.

Ушбу ўзаро муносабатлар, жамоат чегарасидан ташқарида бўлган ягона алоқа эди ва бошқа жамоатлар ёки оқимлар учун эмас, фақат беш томонлама хизматни олиб борадиган одамлар учун белгиланган эди.

Янги жамоат пайдо бўлишига аввал ҳаворий ва пайғамбар асос солишган.

Сўнг, ҳаворийлар ушбу жамоатларга пресвиторларни тайинлашар эди. Пресвиторлар, маҳаллий жамотнинг ишларини бошқарувчи аъзо эдилар.

1-Тимўтийга 5:17 Яхши бошчилик қилаётган, айниқса Сўзни воизлик қилишда ва таълим беришда меҳнат қилаётган жамоабошилар икки баробар кўп ҳурматга лойиқ ҳисоблансилар.

Беш томонлама Хизмат – Епископлар

Беш томонлама хизматни олиб борган барча одамлар, илгари епископ (оқсоқол) бўлишган. Бунинг намунасини Петъор ва Юҳаннонинг мактубларида ўқиймиз.

1-Петъор 5:1 Мен Масих чеккан азобларнинг гувоҳи ҳамда Унинг очиладиган шон-шухратига шерик бўлган жамоабоши, ўзимга ўхшаган сизларнинг жамоабошиларингиздан ўтиниб сўрайманки...

3-Юҳанно 1 Чин кўнгилдан севадиган азиз дўстим Гайга мен – мўйсафиддан салом!

Исо Ўзининг жамоатида ҳаворий, пайғамбар, чўпон ва ўқитувчи қилиб белгилаган барча одамлар “Худонинг одамларини хизмат ишига тайёрлаш” учун биргаликда ҳаракат қилишлари керак. Уларнинг ҳар бири жамоатда оқсоқол сифатида ҳаракат қилар эди.

Оқсоқолларнинг хизмати

Ҳар бир жамоатда оқсоқоллар, кетида турган кўйларини боқишлари керак.

1-Петъор 5:1-3 Мен Масих чеккан азобларнинг гувоҳи ҳамда Унинг очиладиган шон-шухратига шерик бўлган жамоабоши, ўзимга ўхшаган сизларнинг жамоабошиларингиздан ўтиниб сўрайманки: сизларда бўлган Худонинг подасини яхши боқинглари. Уларни мажбуран эмас, балки ихтиёрий равишда, разил манфаатпарастлик

билан эмас, балки ғайрат билан назорат қилинглр. Худонинг мероси устидан ҳукмронлик қилманглр, аммо подага намуна кўрсатинглр.

ОҚСОҚОЛЛАР - БЕШ ТОМОНЛАМА ХИЗМАТ

Эфесликлар китобининг тўртинчи бобида, Худо кимларга хизматнинг бешта инъомини бергани ҳақида айтилган. Улар муқаддасларни “хизматга тайёрлаш” учун иноят ва мойланиш олдилар. Шундай қилиб, ким қўйларни боқиш ва уларга қараш учун даъват этилган бўлса, унга беш томонлама хизматнинг инояти ва мойланиши керак бўлади. Демак, барча маҳаллий жамоатларнинг оқсоқолларини, Худо беш томонлама хизматдан бирига даъват этган. Уларнинг ҳар бири Библиядаги оқсоқолнинг сифатларига мос келарди.

Улар бошқарув, “жамоат ишлари” учун жавобгар эдилар.

1-Тимўтийга 5:17 Яхши бошчилик қилаётган, айниқса Сўзни воизлик қилишда ва таълим беришда меҳнат қилаётган жамоабошилар икки баробар кўп ҳурматга лойиқ ҳисоблансинлар.

Ўша даврда оқсоқолнинг сифатларидан бири бу таълим беришни билиш эди. Библияда, улар маҳаллий жамоатларда воизлик қилмас эди ёки таълим бермас эди деб айтилмаган.

Мажбуриятлари

Ҳаворий ва пайғамбар жамоатнинг пойдеворини ўрнатиб, у ерда оқсоқол тайинлашгандан сўнг, Худо танлаган чўпон, ўқитувчилар, ҳаворийлар, пайғамбарлар ва бошқа оқсоқоллар қўлларини қўйиб дуо қилишган ва уларни хизматга белгилашган.

Имонлилар Сўзда мустаҳкам бўлиб, Худо танлаган чўпонларнинг, ўқитувчиларнинг хизматларидан ўрганишганда, ҳатто, уларнинг орасидан ким хушхабарчи бўлиши керак бўлган бўлса, оқсоқолларнинг қўл қўйиши орқали хизматга тайинланганлар.

Хушхабарчи маҳаллий жамоатдан бўлган имонлиларни, мўъжизалар содир бўладиган хушхабарчилик хизматига тайёрлар эди. Агар танага беш томонлама хизматнинг ҳар бир инъоми хизмат қилсагина, у хизмат ишлари учун ўсиши ва қуролланган бўлиши мумкин.

Бош Оқсоқол

Ҳар бир маҳаллий йиғилиш устидан қўйилган оқсоқолларни, Худо хизматнинг бешта инъомларидан бирида ҳаракат қилишга даъват этган. Йиғилишларда уларнинг сони ҳеч қачон бир киши билан чекланмаган. Бироқ, Худо доимо руҳий бошқарув кўтарган. Масалан, Ўзининг халқини бошқариш учун Мусони кўтарган. Бундай бошқарувга, Ваҳий китобида бўлган маҳаллий Жамоатнинг “фариштасига” (элчисига) бўлгандек муносабатда бўлишар эди.

➤ “Фаришта” ёки Элчи

Ваҳий 2:1 “Эфесдаги жамоатнинг фариштаси ёз: Етти юлдузни ўнг қўлида Тутгувчи, еттита олти шамдон орасида, Юрувчи шундай дейди:...”

➤ *Ёқуб Бош Оқсоқол*

Ёқуб бош оқсоқол эди. У Иерусалим Жамоатидаги бошқа оқсоқолларни бошқарар эди. Улар хаворийлар билан таълимотга тегишли бўлган масалаларни кўриб чиқиш учун йиғилишар эди.

Хаворийларнинг фаолияти 15:6 Хаворийлар ва оқсоқоллар бу масалини муҳокама қилиш учун йиғилдилар.

Хаворийларнинг фаолияти 15:13,19 Улар сўзлаб бўлгандан кейин, Ёқуб гап бошлади: “Эрлар, биродарлар, менга қулоқ солинглар!” ...Шунинг учун менинг фикримча, бошқа миллатлардан Худога имон келтирганларни қийнаб қўймаслигимиз лозим.

Таълимотнинг шу вақтда муҳим бўлган масалаларини кўриб чиқиш учун барча пресвиторлар иштирок этишар эди. Бироқ, айнан Ёқуб бошлиқ ёки бош оқсоқол сифатида, охирги хулосани, ҳукми чиқариши керак эди.

Жамоатдаги Бошқарув

Исо - Жамоатнинг боши. Бироқ, Худо ҳам Исонинг бошқаруви остидаги маҳаллий жамоатнинг бошқарувида иштирок этган. Бундай бошқарув хизмати бош пресвиторга берилган эди ва у “жамоат ишларини бошқариш учун”, “Худонинг халқини хизмат ишларига тайёрлаш учун” бошқа пресвиторлар билан бирга ўз вазифаларини бажарар эди.

➤ *Янги Аҳддан Намуна*

Агар жамотимиз бошқарувининг одатий намунаси Янги Аҳднинг намунасига мос келмаса, бизлар намунамизни ўзгартиришимиз керак.

Ҳозирги вақтда, Худо Ўзининг Жамоатида беш томонлама хизматни қайтадан тикляпти.

➤ *Низосиз Ўзгартириш*

Ушбу ваҳийни олганимизда, муҳим ўзгартиришлар киритишдан олдин, жамоат аъзолари ҳам шу ваҳийни олишларини кутишимиз керак. Бу йўл билан бизлар, ҳар қандай низо ёки можародан қутуламиз. Жамоатни бошқариш, танланган хаворийларнинг (жамоатнинг асосчилари), бош пресвиторнинг ва жамоат пресвиторларининг мажбуриятига киради. Бу имонлиларни бўлишга олиб келадиган муаммога айланмаслиги керак.

Хизматнинг бешта инъоми бу - унвонлар эмас, балки мажбуриятлардир. Бизлар бир-биримизга унвон учун хушомад билан мурожаат қилмаслигимиз керак.

Матто 23:6-12 “Шунингдек, зиёфатларнинг тўрида ва ибодатхоналарда ҳурматли ўринда ўтиришни, халқ йиғинларида алик олишни ва одамлар томонидан “Устозимиз, Устозимиз!” деб олқишланишни яхши кўрадилар. Бироқ сизлар устоз деб аталишга кўнманг. Чунки сизнинг биргина Устозингиз бор, У ҳам бўлса – Масихдир. Сизлар эса ҳаммаларингиз биродарсизлар. Ер юзида ҳеч кимни ўзингизга ота деб ҳам атаманглар. Чунки сизнинг биргина Отангиз бор, У ҳам бўлса – самовий Отангиздир. Раҳбар деб ҳам ном олманглар. Чунки сизларнинг биргина Раҳбарингиз бор – У Масихдир. Орангиздаги каттангиз сизларга хизматда бўлсин. Зеро

ким ўзини юқори қўйса, пасайтирилади. Ким ўзини паст олиб юрса, улугланади”.

Барчамиз-Биродарлармиз

Исо: “сизлар барчангиз-биродарларсиз” деб айтган. Повул ўзининг мактубларини: “Хаворий Повул” сўзлари билан эмас, балки “Повул, Масихнинг хаворийси” деган сўзлар билан бошлаган, чунки “Хаворий” сўзи, унинг Масих танасидаги (хизмати) вазифасига дахлдордир.

Петъор Повулга биродарга бўлган муносабатда бўлар эди.

2-Петъор 3:15 Севикли биродаримиз Повул ҳам, унга берилган донолик бўйича сизларга қандай ёзган бўлса, худди шундай Раббимизнинг узоқ сабр-тоқатини нажот деб ҳисобланглар.

Бир-биримизни “ҳазрат, доктор, устоз, ота, пастор” деб аташдан кўра, “биродар” деб атасак анча яхшироқ бўлади. Биз барчамиз бир-биримизга хизматкормиз.

Унвонни Ҳурмат Қилинг

Бизлар бир биримизга унвон туфайли хушомад билан мурожаат қилмаймиз, лекин шу билан бир қаторда, Худо кимларни пресвиторлик хизматида даъват этган бўлса, бизлар уларни ҳурмат қилишимиз керак. Бизлар, Худо Ўзининг Жамоатида кимларни хизматнинг бешта инъомидан бирига қўйган бўлса, уларни ҳурмат қилиб, қабул қилишимиз керак.

Матто 10:40,41 Сизни қабул қилган Мени қабул қилади. Мени қабул қилган эса Мени Юборганни қабул қилган бўлади. Ким пайғамбарни пайғамбар деб қабул қилса, у пайғамбарга яраша эҳсон олади. Ким ҳақни ҳақ деб қабул қилса, у ҳаққа яраша эҳсон олади.

Исо: “сизнинг барчангиз биродарларсиз” дегани билан бир қаторда бизлар, барчамиз беш томонлама хизматни бажаришга даъват этилган ҳар бир кишини ҳурмат билан қабул қилиб, тан олишимиз керак.

Агар бизлар ўзимизнинг пасторимизга “биродар Ёқуб” деб мурожаат қилсак, шу билан бир қаторда уни “ўзимизнинг пасторимиз” сифатида ҳурмат қилиб, қабул қилишимиз шарт. Шуниси равшанки, бу нарса хизматнинг бешта инъомларидан ҳар бирига тегишли.

САВОЛЛАР

1. Эфесликларга 4:8-13 да, беш томонлама хизмат инъомларининг асосий вазифалари қанақа?
2. Хизматнинг бешта инъомларини айтинг ва уларнинг вазифаларини қисқача ёзинг.
3. Жамоат пресвиторлари ва диаконларининг мажбуриятларини ёзинг.

6 Дарс

Бугун Учун Намуна

ИСО ЯНГИ АХДНИНГ ЖАМОАТИНИ ҚУРАЯПТИ

Исо биринчи марта жамоат ҳақида айтганида, иккита муҳим сўзни эътироф этди. Исо – жамоатни Ўзи куришини айтди.

Исо Ўзининг Жамоатини куриши учун, бугун бизлар Унинг қуроллари эканимизни тушунишимиз керак. Кўп йиллар давомида масиҳийлар Исонинг Буюк топшириғи ҳақида эшитишган ва буни бориб, ўзларининг кучлари, қобилиятлари, доноликлари билан қилишга уринишган. Кўп йиллар давомида одамлар, ўзларининг усуллари ва одатлари билан жамоат куришга уринишган. Бироқ, Исо жамоатни имонлилар эмас, балки Ўзи куришини айтган.

Матто 16:18 Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида қураман.

Исо Ўзининг жамоати ҳақида айтган иккинчи нарса бу - жамоатни дўзах эшиклари (шайтоннинг барча ҳукуматлари) енга олмаслигидир.

Исо жамоат қуряпти ва у қудратли бўлади. Бу жамоат, Ҳаворийлар китобида ёзилган жамотга ўхшаган бўлади.

Муқаддас Рухга Чўмиш

Бизлар Унинг Жамоатидаги “қурувчи гуруҳ”нинг аъзоси бўлишимиз учун, бизга керак бўладиган бошқарувни, таълимотни ва қобилиятларни бериш мақсадида, Исо Муқаддас Рухни юборди.

Луқо 3:16 Яхё эса уларнинг ҳаммаларига жавобан деди: “Мен сизларни сувга чўмдирияпман, лекин мендан Қудратлироғи келмоқда, мен Унинг пойабзалининг ипларини ечишга ҳам муносиб эмасман. У сизларни Муқаддас Рухга ва оловга чўмдиради”.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:8 Лекни Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яхудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шоҳидларим бўласизлар.

Юханно 14:16,17 Мен Отамга мурожаат қиламан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади. Бу Юпатувчи – Ҳақиқат Рухидир. Дунё Уни қабул қила олмайди, чунки Уни на кўради, на билади. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан доим биргадир, У ичингизда яшайди.

Сўзнинг Таълимоти

Кимдир воизлик қилаётганда ёки таълим бераётганда, ҳақиқий ўқитувчи Муқаддас Рух эканини эсда тутиш яхшидир. Бизлар сўзлаётган бўлишимиз мумкин, лекин айнан Муқаддас Рух сўзни эшитувчига етказди ва унинг ҳаётининг бўлагига айлантиради.

Юҳанно 14:26 “Ўша Юпатувчи, яъни Менинг исмимдан Отам юборадиган Муқаддас Рухнинг Ўзи сизларга ҳаммасини ўргатади, Менинг сизларга айтган ҳамма сўзларимни У ёдингизга туширади”.

Повул, икки йилни Библияни ўргатиш билан ўтказгани натижасида, Яхудийлар ва Осиёдаги Еллинлар хушхабарни эшитишди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:9-10 Ниҳоят баъзилар бўйни қотиб, имонни рад қилиб, халқ олдида Раббимиз Исо йўлини ёмонлайдиган бўлишди. Повул улардан юз ўгириб, шогирдларини улардан ажратди ва ҳар куни Тиран деган бир кишининг мактабида суҳбатлашарди. Шу тариқа икки йил давомида хоҳ яхудий, хоҳ юноний бўлсин, Асия вилоятида яшаганларнинг ҳаммаси Раббимиз Исонинг Сўзини эшитдилар.

Таълим бериш, Худонинг сўзи ёйилишига ва кучайишига ёрдам беради.

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:20 Ана шу йўсинда Раббимиз Сўзи қудрат билан ёйилар, таъсири тобора ортиб борар эди.

Қатъийлик

Повул – шайтон қаршилиқ қилишига қарамасдан, имонда турадиганларнинг энг зўр намунаси билан бирдир. Повул хушхабар учун, чеккан азобларининг рўйхатини келтиряпти.

2-Коринфликларга 11:23-27 “Улар Масихнинг хизматкорларими? Мен бефаросатлик қилиб айтяпманки, уларнинг ҳаммасидан устунман!”

- У анча кўп меҳнат қилган,
- меъёрсиз яраларда бўлган,
- зиндонда энг кўп ўтирган,
- кўп марта ўлим ҳолатида бўлган,
- беш марта, яхудийлар унга қирқтадан зарба беришган,
- уч марта таёқ билан уришган,
- бир марта тошбўрон қилишган, уч марта кемада ҳалокатга учраган,
- бир кечаю кундуз денгизнинг бағрида бўлган,
- кўп марта сафарларда бўлган,
- дарёларда хавфда қолган,
- кароқчилар томонидан хавфда қолган,
- қондошлар томонидан хавфда қолган,
- маъжусийлар томонидан хавфда қолган,
- шаҳарда хавфларда қолган,
- чўлларда хавфда қолган,
- денгизда хавфда қолган,
- сохта биродарлар орасида,
- меҳнатда ва машаққатда,
- уйқусизликда,
- очликда ва ташналиқда, кўп рўза тутишда,
- совуқда бўлган ва яланғоч қолган.

Повул, Исо исмини бошқаларга етказиш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилишга, агар керак бўлса ҳаётини беришга ҳам қарор қилган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 21:10-13 У ерда бир қанча кун турганимиздан кейин, Яҳудиядан Агав исмли бир пайғамбар тушиб келди. У олдимизга кириши биланоқ Повулнинг камарини олди-да, ўзининг қўл-оёқларини боғлаб деди: “Муқаддас Рух бундай демоқда: Иерусалимдаги яҳудийлар бу камарнинг эгасини шунақасига боғлаб, мажусийларнинг қўлига топширадилар”. Бу гапларни эшитгач, биз ва у ердагилар ҳам Иерусалимга бормаслиги учун Повулга ёлвордик. Лекин Повул жавоб бериб: “Нима қилаяпсизлар? Нега йиғлаб, дилимга озор бераяпсизлар? Мен Иерусалимга бориб асир бўлишгина эмас, Раббим Исо учун ҳатто ўлишга ҳам тайёрман”.

Мўъжизалар ва Аломатлар

Олдинги дарсларда бизлар, Худо Хушхабарни бутун дунё бўйлаб ёйиши учун аломатларни ва мўъжизаларни қўллаганини билиб олган эдик.

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:11,12 Худо Повулнинг қўллари билан кўп қудратли ишларни қилар эди. Ҳатто унинг баданига теккан рўмоллар ва камарлар ҳам беморларнинг устига қўйилганда, улар касалдан халос бўлар, ичларидаги ёвуз руҳлар эса чиқиб кетар эди.

Ҳақиқий Тавба

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:18,19 Имон келтирганлардан кўплари эса келиб, қилмишларини очиқ эътироф этишар эди. Шунингдек, сеҳргарлик қилганлардан кўпчилиги ўз китобларини тўплаб, ҳамманинг кўз ўнгида ёндирдилар. Китобларнинг қимматини ҳисоблаганда, эллик минг кумуш тангага тенг келди.

Кўпайиш

Қаерга бормаилик, бизлар одамларга Исо ҳақида айтишимиз керак. Бизлар уларга, Исо қанақа эканини ва У нима қилганини айтиб беришимиз керак. Бизлар Худонинг суратимиз ва бизларга имонсиз одамлар қараганда, Исони кўрадиган кўзгу бўлишимиз керак.

Сано 104:1,2 Худовандга шукур қилинг, исмини чорланг, халқлар аро ажойиботини тарғиб қилинг! Қўшиқлар айтиб, Уни тараннум этинг, бутун мўъжизаларини сўзлаб беринг!

Ишаъё 8:18 Мана, мен ва Раббий менга Сион тоғида яшовчи Раббий Саваофдан кўрсатма ва аломат учун берган болалар...

Одам ва Ҳавва гуноҳ қилган даврдан бошлаб инсоният Худони излар эди. Гайритабиий нарсаларни излаш инсоннинг табиатига жойлаштирилган. Бизлар имонлилар сифатида, дунё излаётган Худонинг ваҳийига ва Худонинг кучи намоён бўлишига эгамиз.

Марка 5:19 Лекин Исо розилик бермади. “Ўз уйингга бор, Раббинг сенга нималар қилганини, қандай раҳм-шафқат кўрсатганини ўз яқинларингга гапириб бер”, - деди унга.

Ҳар бир имонли Масихнинг бевосита гувоҳи бўлиши мумкин. Бизлар одамларга ҳаётимиздаги кечинмаларни айтиб беришимиз мумкин: Худони қандай топганимиз ҳақида, ҳаётимиздаги тинчлик, биз кўрган мўъжизалар

хақида ва Худо ҳар биримизни қанчалик севишини айтиб беришимиз мумкин.

Бизлар дунёни хушxabар-мўъжизалари билан, ҳар бир имонли мўъжиза ва аломатлар ҳамроҳлигида Хушxabар айтганида, эълон қилганида енга оламиз.

Хаворийларнинг фаолияти 19:17 Бу воқеа Эфесда яшаган яхудий билан юнонларнинг ҳаммасига маълум бўлди. Ҳаммани даҳшат қоплаб, Раббий Исонинг исми улуғланди.

ЕТТИТА ЧЎМИШ

“Чўмиш” сўзи, “тўлиқ ўхшатиш билан бўлиш” деган маънони билдиради.

Ёзувда чўмишнинг етти хили ҳақида айтилган:

- Мусонинг чўмдириши
- Яхёнинг чўмдириши
- Исонинг чўмдириши (фақат У учун чўмиш)
- оловга чўмиш
- Муқаддас Рухга (Исонинг танасига) чўмиш
- Исо билан Муқаддас Рухда (гувоҳлик беришга куч бўлиши учун) чўмиш
- сувга (Масихга ўхшаганлигимизнинг гувоҳлиги учун) чўмиш

Мусонинг Чўмдириши

Исроил халқи, Қизил денгиздан ўтиш вақтида Мусо билан бирлашишди. Худо чўлда уларни, кундузи булутли устун билан, кечаси эса оловли устун билан бошқарар эди.

1-Коринфликларга 10:1-4 Мен Масихга тақлид қилганимдай, сизлар ҳам менга тақлид қилинглар. Биродарларим, мен сизларни мақтаяпман, чунки сизлар ҳамма нарсада мени эсламоқдасизлар ва мен сизларга топшириқларимни ишониб берганимдай, худди шундай буларга риоя қилмоқдасизлар. Яна шуни ҳам билишингизни истайманки, ҳар бир эркакнинг боши Масих, хотиннинг боши эркак, Масихнинг боши эса Худодир. Бошини ёпиб ибодат қилаётган ёки пайғамбарчилик қилаётган қар бир эркак ўз бошини шарманда қилади.

Яхёнинг Чўмдириши

Яхёнинг чўмдириши тавба учун эди.

Матто 3:11 “Мен сизларни тавбага чақириш учун сувга чўмдириб юрибман. Лекин менинг кетимдан Келаётган мендан қудратлидир. Мен унинг чориқларини кўтаришга ҳам арзимаيمان. У сизларни Муқаддас Рухга ва оловга чўмдиради”.

Исонинг Чўмиши

Исонинг чўмиши - ғаройиб чўмиш эди ва фақат У учун эди.

У Яхёдан чўмган бўлса ҳам, Яхё Уни тавба учун чўмдирмаган эди. Ана шу сабабли Яхё У билан баҳслашган эди.

Матто 3:13-16 Ўшанда Исо Яхёнинг хузурида сувга чўмиш учун Жалиладан Урдун дарёси бўйига келди. Лекин Яхё Исони тўхтатмокчи бўлиб: “Мен сенинг хузурингда имон келтиришим керак эди. Сен бўлсанг, менинг олдимга келяпсанми?” - деди. Исо унга жавоб бериб: “Энди рози бўл, чунки биз шу йўсинда илохий амрни тўла бажаришимиз ўринлидир”, - деди. Шундан кейин Яхё Исога изн берди. Исо дарёга тушди. У сувдан чиққан захоти, осмон очилиб кетди ва Худонинг Руҳи каптардай Исонинг устига тушиб қўнгани кўрилди.

Исо чўмганда, Муқаддас Руҳ Унинг устига тушди. Шу вақтдан бошлаб Унинг ҳаётида мўъжизалар содир бўлишни бошлади.

Оловга Чўмиш

Яхё, Исо ҳақида: “У Муқаддас Руҳ ва олов билан чўмдиради” деб айтган.

Матто 3:11б,12 “У сизларни Муқаддас Руҳга ва оловга чўмдиради. Унинг паншаҳаси қўлида тайёр турибди. У ўз хирмонини шопириб ташлайди; буғдойини омборга тўплаб, сомонни сўнмас ўтда ёндириб юборади”.

Олов билан чўмишда тана ишлари – “сомон” – куйиб кетади ва ҳаётимиздан олиб ташланади. Фақат “буғдой” - Руҳнинг ҳақиқий ҳосили қолади.

Масихга Чўмиш

Бизлар Муқаддас Руҳ билан Масихга чўмганмиз.

Римликларга 6:3 Бизларнинг ҳаммамиз Исо Масихга чўмдирилган бўлиб, Унинг ўлимига чўмдирилганимизни наҳотки билмасангизлар.

1-Коринфликларга 12:13 Бизлар эса – яҳудийми, юнонми. қулми, эркинми – ҳаммамиз ўша битта Руҳ билан бир танага чўмганмиз ва ҳаммамиз ўша битта Руҳдан суғорилганмиз.

Титусга 3:5 Худо бизга қилган ҳақ ишларимиз туфали эмас, балки Ўзининг раҳм-шафқати туфайли, Янги борлиқнинг ювилиши ва Муқаддас Руҳ томонидан янгилашни орқали нажот берди.

Муқаддас Руҳга Чўмиш

Бизлар Муқаддас Руҳда Исога чўмганмиз.

Лука 3:16 Яхё эса уларнинг ҳаммаларига жавобан деди: “Мен сизларни сувга чўмдирияман, лекин мenden Қудратлироғи келмоқда, мен Унинг пойабзалининг ипларини ечишга ҳам муносиб эмасман. У сизларни Муқаддас Руҳга ва оловга чўмдиради”.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:4,5,8 Уларни тўплаб, буюриб деди: “Иерусалим шаҳридан кетиб қолманглар, балки Отамнинг берган ваъдаси амалга ошгунча у ерда кутиб туринглар. Сизлар бу ваъдани Мендан эшитгансизлар. Яхё пайғамбар одамларни сувга чўмдириб, тавба қилдирган, сизлар эса кўп ўтмай Муқаддас Руҳга чўмдириласизлар”. Лекин Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганида, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шохидларим бўласизлар.

Сувга Чўмиш

Сувда чўмиш - бу Масихга, Унинг кўмилиши ва тирилишига ўхшаш бўлиш.

Римликларга 6:3,4 Бизларнинг ҳаммамиз Исо Масихга чўмдирилган бўлиб, Унинг ўлимига чўмдирилганимизни нахотки билмасангизлар? Шундай қилиб, бизлар ўлимга чўмдирилишимиз орқали У билан кўмилдик, токи Масих Отасининг шон-шухрати билан ўликлардан тирилганидек, худди шундай, бизлар ҳам ҳаётнинг янгилигида юрайлик.

Сувда Чўмиш - Бу Буйруқ

Бизга тавба қилиш ва сувда чўмиш амр қилинган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:38-41 Петъор уларга деди: “Тавба қилинлар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масих исмидан сувга чўмиб имон келтиринлар. Шундай қилиб Муқаддас Рух инъомини оласизлар. Чунки бизнинг Раббимиз - Худованд бу ваъдани сизлар билан фарзандларингиз ва шунингдек, ҳамма узоқлардан чорламоқчи бўлган ҳамма одамзод учун берган”. Петъор бошқа кўп сўзлар билан тингловчиларни огоҳлартириб: “Бу бузуқ наслдан халос бўлинглар!” - деб ўтинар эди. Шундай қилиб, унинг сўзини чин кўнгилдан қабул қилганлар сувга чўмиб имон келтирдилар. Ўша куни уч мингга яқин жон жамоатга қўшилди.

Амалдор Чўмди

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:36-39 Йўлда давом этиб кетаётганларида, сув бор бир жойга келдилар. Амалдор: “Мана, сув! Менинг чўмиб имон келтиришимга нима тўсқинлик қилади?” - деди. Филипп унга: “Агар бутун қалбинг билан ишонсанг бўлади”, - деди. Амалдор: “Исо Масих – Худонинг Ўғли деб ишонаман”, - деди. Ўшанда аравани тухтатишга буюриб, Филипп билан амалдор иккиласи ҳам сувга тушишди, Филипп амалдорни сувга чўмдириб имонга киритди. Улар сувдан чиққач, Муқаддас Рух Филиппни кўтариб кетди. Амалдор бошқа уни кўрмадию, қувониб ўз йўлида давом этди.

Бошқа мисоллар

➤ Чўмишнинг имтиёз эканлиги

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:47,48 “Худди бизлар каби Муқаддас Рухни қабул қилган бу одамларнинг сувга чўмиб имон келтиришига Ким Монеъ бўла олар экан?” - деди-ю, уларга Исо Масих исми билан чўмдирилишни буюрди. Шундан кейин улар Петъордан бир неча кун қолишини илтимос қилдилар.

Янги Ахдда одамлар нажот топишганларидан бирдан сувда чўмишар эди.

Қуйида бошқа мисолларнинг рўйхати берилган

➤ Самарияликлар

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:12 Лекин Худонинг Шоҳлиги ва Исо Масих тўғрисидаги Хушxabарни келтирган Филиппни тинглашиб,

кўп эркак ва хотин унинг сўзига ишонди ва сувга чўмиб имон келтирди.

➤ Лидия

Ҳаворийларнинг фаолияти 16:15 Лидия ўзининг уй аҳли билан бирга сувда имон келтирганидан сўнг, бизни меҳмон қилмоқчи бўлди. “Агар сизлар Мени Раббимиз Исога имон келтирган деб ҳисобласангизлар, уйимга кириб ўтиринглар”, - деб бизни кўндирди.

➤ Кечки Зиндонбон

Ҳаворийларнинг фаолияти 16:33 Зиндонбон кечанинг ўша соатида Повул билан Силани бир четга олиб, яраларини ювди. Дарҳол ўзи билан бутун хонадони сувга чўмиб имон келтирди.

➤ Синагога Бошлиғи

Ҳаворийларнинг фаолияти 18:8 Шундай қилиб, ибодатхонанинг жамоабошиси бўлган Крисп бутун хонадони билан Исони Раббим деб имон келтирди. Буни эшитган коринфликлардан кўплари ҳам ишониб, сувда имон келтирдилар.

➤ Коринфликлар

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:5 Улар буни эшитгач, Раббимиз Исо исмидан ҳам сувга чўмиб имон келтирдилар.

➤ Ҳанания Повулга Буюрди

Ҳаворийларнинг фаолияти 22:16 “Энди нимани кутиб ўтирибсан? Ўрнингдан тур, сувда имон келтир ва Исонинг исмини чақириб, гуноҳларингдан фориғ бўл!” - деди.

САВОЛЛАР

1. Ўзингизнинг сўзларингиз билан беш томонлама хизматни ёзинг.
2. Янги Аҳд жамоатидаги, ҳар-хил вазифага ва мажбуриятларга эга бўлган учта хизматкорларнинг исмини айтинг.
3. Нима учун сувга чўмиш муҳим?

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ҲАВОРИЙЛАР КИТОБИДАГИ ХИЗМАТЛАР

7 Дарс

Петъор - Қамиш

ПЕТЪОР ИСО БИЛАН БИРГА

Бизга Петъорнинг хаётидан, бошқа шогирдларга караганда кўпроқ воқеалар берилган. У шогирдлар орасида лидер эди. Унинг исми барча рўйхатларнинг бошида турибди. У энг кўп гапирар эди. Петъор ботир, ишончли, самимий, жанговор ва кучли эди.

Симон Исони Учратди

Петъор, Яхё чўмдирувчининг шогирди бўлган бўлиши ҳам мумкин. айнан Яхё, Петъорнинг биродарини Исонинг олдига “У Худонинг Қўзиси” деб юборди. Шунингдек, Библияда биз Петъорни, Исо унга янги ном берган вақтда кўрамиз. Биринчи исми - Симон - “эшитган” ни билдиради. Исо унга Петъор, “тош” деган маънони билдирувчи янги ном берди ва у Хушхабарларда ҳам Симон, ҳам Петъор деб аталган.

Юҳанно 1:35-42 Эртасига Яхё яна иккита шогирди билан шу ерда турган эди. У юриб келаётган Исога тикилиб қараб: “Мана Худонинг курбонлик Қўзиси!” - деди. Иккала шогирд Яхёнинг бу сўзларини эшитиб, Исонинг орқасидан эргашиб боришди. Исо ўгирилиб қараб келаётганларини кўрди-да: “Сизларга нима керак?” - деб сўради улардан. “Сен қаерда турасан, Раввий?” - дейишди улар. “Бориб кўринглар”, - деди Исо. Улар бориб, Исонинг турар жойини кўришди. Ўша кун Исо билан қолишди. Соат тўртлар чамаси эди. Яхёдан Исо ҳақида эшитиб, Унинг орқасидан эргашганлардан бири Симун Петъорнинг укаси Идрис эди. У дастлаб акаси Симунни топди-да, унга: “Биз Масихни топдик”, - деди.

Исмни Петъор Деб Ўзгартирди

42. Идрис акасини Исонинг олдига олиб келди. Исо эса унга тикилиб: “Сен Юнус ўғли Симунсан-ку, Сен Кифа (яъни Тош) деган ном оласан”, - деди.

Ажойиб Балиқ Ови

Баъзида, Библияда содир бўлган мўъжизалар ҳақида ўқиганимизда, уларга шунчалик берилиб кетамизки, уларнинг хаётидаги натижаларга қарашни унутиб юборамиз. Исо Петъорнинг қайиғини таълим бериш учун, сахна сифатида ишлатар эди. Петъор ўзини ва қайиқни Исонинг хизматига бағишлади. Исо таълим беришни тўхтатганидан сўнг, Петъорга: “Чукур жойга сузиб, ов учун тўр ташланглар” - деди.

Петъорда иккита танлов бор эди: у Исо айтганидек қилиши мумкин эди ёки инсон сифатида тўр ташлашдан маъно йўқ деб ўйлагани сабабли, бундай қилишдан бош тортиши мумкин эди.

Петъор Итоат Қилди

Петъор итоат қилгани сабабли, Худонинг ғайритабиий кучини кўрди. У ўзини гунокор эканини англади ва Исони Раббий деб тан олди. Исо уни

ўша захотиёқ даъват этди ва Петъор Исонинг кетидан эргашиш учун, ҳамма нарсасини қолдирди.

Луқо 5:1-11 Бир куни Исо Геннисарет кўли ёнида турганида, халқ Худонинг Сўзини тинглаш учун Унинг олдига сиқилиб келар эди. Исо кўл қирғоғида турган икки қайиқни кўрди. Балиқчилар эса қайиқдан чиқиб, тўрларини юваётган эдилар. Исо Симуннинг қайиғига тушиб, қирғоқдан бир оз нарироқ сузишини илтимос қилди. Кейин ўтириб, қайиқдан халққа таълим бера бошлади. У таълимотини тугатганидан сўнг Симунга: “Чуқур жойга сузиб бориб, балиқ овлаш учун тўрларингизни ташланглар”, - деб айтди. Симун эса Унга жавобан: “Устоз! Биз тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тутмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман”, - деди.

➤ *Дуолар Келди*

6,7 Буни қилганларида, улар жуда кўп балиқ овладилар, ҳатто тўрлари ҳам йиртилиб кетди. Улар бошқа қайиқдаги шерикларига ёрдам беришлари учун имо-ишора қилдилар. Улар келиб, иккала қайиқни шундай тўлдирдиларки, ҳатто чўка бошладилар.

➤ *Исо Петъорни Даъват Этди*

8-11 Симун Петъор буни кўриб, Исонинг оёқларига тиз чўкиб деди: “Ё Раббий! Менинг ёнимдан кет, чунки мен гуноҳкор одамман”. Чунки бундай кўп тутган балиқ овидан ўзи ҳамда у билан бирга бўлганларнинг ҳаммаси ваҳимага тушган эди. Симуннинг шериклари Забадийнинг ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно ҳам бундан ваҳимага тушган эдилар. Исо эса Симунга: “Қўрқма, бундан буён инсонларни овлайсан”, - деди. Улар иккита қайиқни қирғоққа чиқардилар ва ҳамма нарсани қолдириб, Исога эргашдилар.

Петъор Сув Устидан Юрди

Исо қайиққа қараб сув устидан юриб борганида, шогирдлар Уни кўриб кўрқиб кетишди. Улар бу Исо эканини билишмас эди ва Уни арвоҳ деб ўйлашар эди. Кўп имонлиларнинг Худонинг ғайритабий намоён бўлишини кўришганида биринчи таъсиротлари бу - кўркув.

Исо деди “...бу Менман, кўрманглар”. Бунга фақат Петъор жавоб берди.

У қайиқдан чиқди ва сув устидан юришни бошлади, лекин вазиятларга қарашни бошлаганида, шубҳаланишни, чўкишни бошлади.

Исо Петъорга, унинг имонсизлиги туфайли танбеҳ берди, лекин барибир, фақат Петъор сув устидан юришга ҳаракат қилганини эсласак ёмон бўлмас эди. У жонини хавфга қўйган эди. Петъор яна итоат қилди. Исо унга: “юр” деди ва Петъор борди!

Матто 14:25-33 Субҳидамда Исо кўл томондан шогирдлари ёнига келди. Улар эса Унинг кўл устида юриб келаётганини кўриб, даҳшатга тушдилар. “Бу бир шарпа!” - деб кўркувдан қичкириб юбордилар. Лекин Исо ўша захоти улар билан мулоқотга кириб: “Дадил бўлинглар, бу Мен, кўрманглар!” - деди. Петъор гапга кириб: “Ё Раббим, агар бу Сен бўлсанг, менга буйруқ бер, мен сув устида юриб Сенинг ёнингга борай!” - деди. Исо: “Кел!” - деди. Петъор эса қайиқдан чиқиб, сув устидан юрганча Исонинг ёнига йўл олди. Лекин

кучли шамолни кўриб, ўтакаси ёрилди. У чўка бошлагач: “Ё Раббим, мени қутқар!” - деб бақирди. Исо ўша заҳоти қўлини узатиб, уни ушлаб қолди-да: “Ҳа, имони сушт, нега сен иккиландинг?” - деди. Улар кайиққа ўтишлари биланоқ шамол тинди. Қайиқдагилар эса Исога сажда қилиб: “Ҳақиқатан ҳам Сен Худонинг Ўғлисан!” - дейишди.

Петъор Матонатли Эди

Исонинг кетидан эргашувчи кўп шогирдлар, Унинг йўлини жуда ҳам қийин деб ҳисоблашди ва Исонинг олдидан кетишди, Петъор эса У билан қолди.

Юханно 6:67-69 Шунда Исо ўн икки шогирдидан: “Наҳотки сизлар ҳам кетмоқчи бўлсангизлар?” - деб сўради. “Раббим”, - деди Симун Петъор, - бизлар кимга борайлик? Сенда абадий ҳаётнинг сўзлари бор. Бизлар ишондик ва билдик, Сен Худонинг Азизи – Масихсан.

Сен Масихсан

Петъор ўн икки кишининг номидан гапирар эди. Айнан у Исога бир неча вазиятларда жавоб берди. Айнан Петъор, улар пайғамбар деб қабул қилган Одамни, Масих деб эътироф этди.

Матто 16:13-20 Филипп Кесарияси атрофларига келган Исо Ўз шогирдларидан сўради: “Одамлар Мени, Инсон Ўғлини, ким деб ҳисоблайдилар?” “Баъзилар Яхё пайғамбар деб, бошқалари Илёс пайғамбар деб, яна бирлари эса Еремия бўлак пайғамбарлардан бири деб ҳисоблайдилар”, - деди шогирдлар. Исо улардан: “Сизлар-чи, Мени ким деб ҳисоблайсизлар?” - деб сўрагач, Симун Петъор жавоб бериб деди: “Сен барҳаёт Худонинг Ўғли – Масихсан!” Исо Петъорга жавобан деди: “Сен Бахтиёрсан, эй Юнус ўғли Симун! Бу сирни сен ўз укв-идрокинг билан укқанинг йўқ, балки осмондаги Отам сенга очиб берган. Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас. Осмон Шоҳлигининг очқичларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани боғласанг, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади. Шундан сўнг Исо Ўзининг Масих эканини бирор кимсага айтмоқни шогирдларига қатъий ман этди”.

Эътибор беринг, Исо: “Сен - Петъорсан ва Мен Жамоатимни сенда кураман” демаган. У: сен - Петъорсан (Петъор - кичик тош дегани) ва ана шу улкан ваҳийда, Петъорга Исони Масих деб эътироф этишига хизмат қилган ваҳийда, Ўзининг Жамоатини куришини айтган.

Исо сўзининг давомида, уларга Шоҳликнинг калитини, боғлаш ва ечиш учун куч беришини айтган. У барча шогирдлари билан, Унга ишонувчилардек муносабатда бўлар эди. Бу куч ва ҳокимият нафақат Петъорга берилган эди. Уни барча имондилар, Буюк Топшириқни амалга ошириш учун қабул қилишлари керак эди.

Бир Марта Исога Эътироз Билдирди

Петъор Исонинг ким эканлигини Руҳ орқали тушунар эди. Исо, бу ваҳийни унга тана ва қон эмас, балки Унинг осмондаги Отаси очганини айтди. Лекин, Исо азоб чекиши кераклиги ҳақида, ўлдирилиши ва

тирилиши ҳақида айтганда Петъор жон измидаги фикрларга берилди. Петъор Исони етарлича тушунмаган эди, лекин Петъорнинг Исога бўлган севгиси, унинг фикри бўйича ёмон бўлган нарсага тўсқинлик қилишга ундади.

Исо унга танбех беришга мажбур бўлди.

Матто 16:21-23 Шу вақтдан бошлаб, Исо шогирдларига Ўзинг Иерусалимга бориши, оқсоқоллар, олий руҳонийлар ва уламолар кўлида кўп азоб чекиб ўлдирилиши, учинчи куни эса тирилиши кераклигини ошкор этадиган бўлди. Петъор Уни четга олиб таъна қила бошлади: “Худо хайрингни берсин, Раббим! Бу нарсалар Сенинг бошингга тушмас”, - деди. Исо эса Петъорга қараб: “Йўқол кўзимдан шайтон!” - деди. – Сен Мени йўлдан уряпсан, чунки сен Худонинг ишларини эмас, билки инсон ишларини ўйлаяпсан.

Имон Кишиси

Петъор имон кишиси эди. Исо синагога бошлиғининг қизини шифолашга бормоқчи бўлганида, Петъор, Ёқуб ва Юҳаннодан бошқа ҳеч кимга Ўзи билан боришга рухсат бермади.

Исо, шубҳаланувчилар билан эмас, балки ишонувчилар билан ўралган бўлиши кераклигини биларди.

Матто 5:35-42

Ўзгаришининг Гувоҳлари

Петъор, ўн иккита шогирдлар орасидан бир неча бор танланган эди. Исонинг ўзгаришини фақат Петъор, Ёқуб ва Юҳаннолар кўришган.

Матто 17:1-5 Орадан олти кун ўтгандан кейин Исо танҳо Петъор, Ёқуб ва унинг укаси Юҳаннони ёнига олиб, баланд бир тоққа олиб чиқди. У ерда, уларнинг кўз ўнгида Исонинг қиёфаси ўзгариб кетди. Унинг юзи куёшдай порлаб, кийимлари эса нурдай оппоқ тус олди. Бирданига уларга Мусо билан Илёс пайғамбарлар кўриниб, Исо билан суҳбатлашаётгандай туюлди. Буни Петъор кўриб, Исога: “Раббим! Бизларга бу жой жуда ёқяпти. Агар истасанг, шу ерда учта чайла курайлик: бириси Сенга, бириси Мусога, бириси Илёсга...” У гапини тугатмасданок, нур ёғилиб турган бир булут уларни қоплаб олди. Булут ичидан эса бир овоз келди: “Бу Менинг севикли Ўғлимдир, Ундан мамнунман. Унга қулоқ солингилр!”

Петъор ва Балиқ

Петъорнинг олдига солиқ йиғувчилар келишди ва у Исонинг олдига борди. Петъор ушбу масала бўйича Исо билан гаплашишдан қўрқмагани сабабли, муаммо Исо учун ҳам, Петъор учун ҳам ҳал қилинган эди.

Матто 17:24 -27 Улар Кафарнаҳумга келганларида, икки дарамлик маъбад солигини йиғувчилар Петъорнинг олдига келиб: “Сизларнинг Устозингиз маъбад солигини тўламайдими?” - деб сўрадилар. Петъор: “Тўлайди!” - деди. У уйга келгач, Исо олдинроқ гап очиб деди: “Симун, сенинг фикринг қандай? Бу дунё подшоҳлари солиқ ёки божни кимдан оладилар? Ватан ўғиллариданми ёки бегоналарданми?” “Бегоналардан-да”, - деди Унга Петъор. Исо жавоб

берди: “Ундай бўлса, ватан ўғиллари солиқдан озод экан-да. Шунга қарамай, биз уларни васвасага солмайлик. Сен кўлга бориб қармоқ ташла. Биринчи илинган балиқни олиб оғзини очсанг, тўрт дирамлик тангага кўзинг тушади. Тангани олиб, Мен ва ўзинг учун солиқ тўлови сифатида уларга бер”.

Исо қилган мўъжизада, Петъорга иштирок этиш яна рухсат этилган эди. Исо унга балиқ тутишни буюрди; солиқ тўлаш учун керак бўлган танга, Петъор тутиб олган биринчи балиқнинг оғзидан чиқди.

Исо яна бир марта Петъорга, мулоҳазасиз иш қилишни буюрди.

Петъор итоат қилгани учун баракаланди.

ПЕТЪОРНИНГ ХОИНЛИГИ

Муаммо

Исо Симонни бошқалар олдида, содир бўлиши мумкин бўлган нарса хақида олдиндан огоҳлантирди.

➤ *Ўзига Жуда Ишонувчан Эди*

Луқо 22:31-34 Раббий яна деди: “Симун, Симун! Мана, шайтон сизларни буғдой каби сепиб юборишни сўради. Бироқ Мен сен учун, яъни имонинг ғойиб бўлмаслиги учун ибодат қилдим, токи сен бир кун қайтиб келганингда, биродарларингни мустаҳкамлагин”. У эса деди: “Раббий! Мен сен билан зиндонга ҳам, ўлимга ҳам боришга тайёрман!” Лекин Исо: “Сенга, Петъор, шуни айтаманки, бугун хўроз кичқирмасданок Мендан уч марта тонасан”, - деди.

Матто 26: 31-32 Шу орада Исо шогирдларига деди: “Бу тунда ҳаммангиз Мендан юз ўгирасизлар. Чунки Тавротда шундай ёзилган: “Мен чўпонни жароҳатлайман, қўйлар ўзи тарқаб кетади”. Бироқ ўлиб тирилганимдан кейин, Мен сизлардан олдин Жалилияга бораман”.

➤ *Мақтанчоқ*

33-35 Петъор жавоб бериб Унга деди: “Агар ҳамма Сендан юз ўгирса ҳам, мен ҳеч қачон юз ўгирмайман!” - деди. Исо унга: “Сенга ростини айтсам, шу кечаёқ, хўроз кичқирмасдан аввал, сен Мендан уч марта тонасан”, - деди. Петъор Унга: “Мен сен билан бирга ўлсам ҳам, Сендан асло тонмайман!” - деди. Бошқа ҳамма шогирдлари ҳам шундай дедилар.

Петъор Гетсиманияда

➤ *Исо Петъорни Танлади*

Исо Симон, Ёкуб ва Юҳаннони танлаб, У билан бирга бедор бўлишлари учун уларни Гетсимания боғига олиб борди. Исо, шогирдига - агар ибодат қилмасанг, Менга хоинлик қиласан деб, яна бир марта огоҳлантирди. Лекин Петъор барибир ухлаб қолди.

Матто 26:36-46 Шундан кейин Исо шогирдлари билан бирга Гетсемания деган жойга келди ва уларга: “Мен нарироқ бориб ибодат қилгунимча, сизлар шу ерда ўтириб туринглар”, - деди. Петъор билан Забадийнинг икки ўғлини Ўзига ҳамроҳ қилиб олган Исо руҳан

сикилиб, андуҳ чека бошлади. У ёнидагиларга: “Менинг жоним ўлим олдидалигини сезиб, жуда қийналмоқда. Шу ерда қолиб, Мен билан бирга сергак туринглар”, - деди. Бир оз нари кетиб, ерга юз тубан узалди ва ибодат қилиб: “Эй Отам! Агар мумкин бўлса, бу заққум коса Менинг ёнимдан ўтиб кетсин. Лекин Мен истагандек эмас, Сен истагандек бўлсин”, - деди. У шогирдлари ёнига қайтиб келганида, уларни ухлаб ётган ҳолда кўрди ва Петъорга деди: “Демак, сизлар Мен билан бирга лоақал бир соатга уйғоқ тура олмадинглар. Васвасага тушмаслик учун ҳушёр бўлиб, ибодат қила туринглар. Рух тетик, тана эса заифдир”. Исо иккинчи марта бориб: “Эй Отам! Агар бу қисмат Мени дамига олмай ўтиб кетиши мумкин бўлмаса, майли Сен хохлагандек бўлсин”, - деб ибодат қилди. У қайтиб келиб, шогирдларини яна ухлаб ётган ҳолда кўрди. Уларнинг қовоқлари салқиган эди. Исо уларни қолдириб, яна узоқлашди ва ўша сўзларни такрорлаб, учинчи марта ибодат қилди. Шундан сўнг Ўз шогирдлари ёнига келиб, уларга деди: “Сизлар ҳали ҳам ухлаб ётибсизларми? Мана, вақт-соати келди, Инсон Ўғли гуноҳкорлар қўлига тутиб бериляпти. Туринглар, кетайлик мана менга хиёнат қилувчи ҳам яқинлашиб қолди”.

➤ *Хизматкорнинг қулогини Кесиб Ташлади*

Петъор Исо учун жанг қилиб ўлишни истаган эди, чунки унинг тушунчаси шундай эди. Бу - тананинг ишларидир.

Юханно 18:10-12 Шу онда Симун Петъор ёнидаги қиличини қинидан суғирди-да, олий руҳонийнинг қаролига

бир уриб, ўнг қулогини узиб юборди. Қаролнинг исми Малик эди. Исо Петъорга: “Қиличингни қинига солиб қўй! Нахотки Менга Отам берган тақдир шаробини ичмасам?” - деди. Шу заҳоти аскарлар билан бўлинма қўмондони ва яхудий мансабдорларининг қароллари Исони ушлаб, боғлаб қўйишди.

Петъор Исодан Воз Кечди

Матто 26:56-58 Лекин буларнинг ҳаммаси пайғамбар оятлари бажо келиши учун содир бўлди. Ўшанда ҳамма шогирдлари Исони қолдириб, қочиб кетишди. Исони олганлар Уни бош олий руҳоний Каяфанинг ҳузурига келтирдилар. У ерга уламолар билан оқсоқоллар ҳам тўпландилар. Петъор эса Исога узоқдан эргашиб, олий руҳонийнинг ховлисигача келди. Ичкарига кириб, бу воқеанинг охирини кўриш учун хизматкорлар билан бирга ўтирди.

Марк 14:66-72 Петъор пастдаги ховлида экан, олий руҳонийнинг хизматкор аёлларидан бири келиб қолди. Исиниб турган Петъорни кўриб, унга тикилиб қаради-да: “Сен ҳам носиралик Исо билан бирга эдинг-ку!” - деди. Лекин Петъор инкор этди: “Сен нима деясан ўзи, тушунмаяпман, англамаяпман”, - деди-ю, бошқа ёққа, ташқи ховлига чиқиб кетди. Шу пайт хўроз қичқирди. Хизматкор аёл уни яна учратиб, у ерда турганларга: “Бу улардан бири-ку!” - деб сўзлай бошлади. Петъор яна инкор этди. Бир оздан кейин у ерда турганлар яна Петъорга гапира бошлади: “Ҳақиқатан сен улардан бирисан, жалилаликсан”. “Сизлар айтаётган бу Одамни мен танимайман!” - деб Петъор лаънат ўқиб, қасам ича бошлади. Нақ шу пайт хўроз

иккинчи марта кичқирди. Исонинг: “Хўроз икки марта кичқирмасданоқ, сен Мендан уч марта тонасан”, - деган сўзи Петъорнинг эсига тушиб, йиғлай бошлади.

Петъор олим бўлмаган. У фақат, Янги Аҳднинг – Петъорнинг 1 чи, 2 чи мактубларини ёзган. Баъзи олимларнинг фикрича, Марк Хушхабари қисман Петъорнинг бошқаруви остида ёзилган. Марк Хушхабариди Петъорнинг Исодан тониши жуда аниқ ва яққол ёзилган.

Агар воқеа шу билан тугаган бўлса эди, даҳшатли бўлар эди. Тарих уни, фақат Яҳудодан озгина яхшироқ деб ҳисоблаган бўлар эди. Лекин, Петъорнинг ҳаёти орқали биз доимо Худонинг кечирувчи ва ҳаётни ўзгартирувчи қувватли кучини билиб олишимиз мумкин.

ЯКШАНБА ТОНГИ

Марям Магдалина ғорнинг олдига келиб, тош ағдарилганини кўрди. У бирданига Юҳанно ва Петъорнинг олдига чопиб борди. Улар биргаликда ғорнинг олдига қайтишди.

Юҳанно 20:1-10 Ҳафтанинг биринчи куни эрта саҳарда, хали қоронғи пайтда, мағдалалик Марям қабрнинг олдига келиб, қабр оғзидаги тошнинг ағдарилганини кўрди. У югуриб Симун Петъор ва Исонинг севган бошқа шогирди олдига келди-да: “Раббимни қабрдан олиб кетишибди, Уни қаерга қўйишганини билмаймиз”, - деди. Ўша заҳоти Петъор ва бошқа шогирд қабр томон жўнашди. Иккови бирга югуриб кетишди. Аммо у шогирд Петъордан тезроқ югуриб, қабрга биринчи бўлиб етиб келди. У энгашиб ичкарига кўз ташлади, у ерда фақат кафан ётганини кўрди. Ўзи қабрга кирмади. Унинг орқасидан Симун Петъор етиб келиб, қабрга кирди-ю, ётган кафанни кўрди. Исони бошига ўралган рўмол эса кафан билан бирга эмас, алоҳида жойга йиғиштириб қўйилган эди. Шунда аввал келган шогирд ҳам қабрга кирди ва кўриб, ишонч ҳосил қилди. Лекин Исо ўлиб тирилиши керак, деган оятларни улар хали тушунмас эдилар. Шундан сўнг шогирдлар яна ўз уйларига

қайтиб кетдилар.

Маркнинг ёзишича, фаришта аёлларга намоён бўлиб - уларга шогирдлар ва Петъорнинг олдига бориб, Исони Жалилияга борганини ва Ўзи айтганидек ўша ерда кутишини айтишларини буюрди.

Марк 16:7 Энди сизлар бориб Унинг шогирдларига, айниқса Петъорга: “У сизларни Жалилада кутяпти; сизларга айтганидек, Уни ўша ерда кўрасизлар”, - деб айтишлар.

Петъор Раббийни Тирилганини Кўрди

Шогирдлар орасидан, Исони тирилишидан кейин, Уни Петъор биринчи бўлиб кўрди. Иккита эркак Эммаусга бораётган эдилар ва йўлда Исо билан гаплашиб боришган.

Лекин улар, Исони У нон синдиришигача танимадилар. Улар Иерусалимга қайтиб бориб, шогирдларга айтиб беришди.

Луқо 24:34-35 Ўшалар: “Раббий ҳақиқатан тирилди ва Симунга зохир бўлди!” - дедилар. Булар ҳам йўлдаги воқеани Уни қандай таниб қолганларини айтиб бердилар. Улар хали бу ҳақида

гапираётганлариа Исонинг Ўзи уларнинг ўрталарида зоҳир бўлиб: ”Сизларга тинчлик бўлсин»,- деди.

Уч Марта Эътироф

Юҳанно 21:15-19 Нонушта қилиб бўлишгач, Исо Симун Петъордан сўради: “Юнус ўғли Симун, Сен Мени улардан кўпроқ севасанми? “Ҳа, Раббим! Мен Сени яхши кўришимни Ўзинг биласан-ку”, - деди Унга Петъор. “Кўйларимни ўтлат”, - деди унга Исо. Иккинчи марта Исо Петъордан яна сўради: “Юнус ўғли Симун, Сен Мени севасанми?” “Ҳа, Раббим! Сени яхши кўришимни Ўзинг биласан-ку”, - деди Петъор Унга. “Кўйлиримни боқ!” - деди унга Исо. Сўнг учинчи марта Петъордан сўради: “Юнус ўғли Симун, Сен Мени яхши кўрасанми?” Ўзидан уч марта: “Мени яхши кўрасанми”, -деб сўраганига Петъор хафа бўлди. “Раббим! Сен ҳаммасини биласан, мен Сени яхши кўришимни ҳам биласан”, - деди Петъор. Исо унга шундай деди: “Кўйларимни ўтлат! Сенга ростини айтайин: ёш бўлганигда камарингни ўзинг боғлар, хохлаган жойингга борар эдинг. Лекин қариганигда эса қўлларингни узатасан ва бошқа биров камарингни боғлайди, сени хохламаган жойингга олиб боради”. Исо бу сўзларни Петъорнинг қай йўл билан ўлиб, Худони улуғлашига ишора қилиб айтган эди. Сўнгра унга: “Менинг орқамдан юр!” - деди.

Петъор Исодан уч марта тонди, лекин энди Исога уч марта Уни севишини айтганда тикланганди.

Хулоса

Исо Петъорнинг ҳаётига келганда, у оддий ишчи инсон, балиқчи эди. Лекин Исо билан уч йил яшаганда, хизмат олиб боришга ўргатилган эди. Бу нарса бугун ҳам, ҳар бир имонли билан содир бўлиши мумкин.

Петъорнинг ҳаётидаги сир - бу унинг бағишланишидадир. Петъор ҳаётини Исога тўлиқ бағишлади. У дўстларини, ишини, вақтини, ҳамма нарсасини - Исога бағишлади. Раббий бағишланган идишни бугун ҳам ишлата олади.

У ҳар биримизни ишлатмоқчи !

САВОЛЛАР

1. Петъор қандай қилиб ваҳий олгани ва шу ваҳий бўйича қандай ҳаракат қилгани ҳақида мисол келтиринг.
2. Петъорнинг имони ҳақида мисол келтиринг.
3. Унинг йиқилиши ҳақида мисол келтиринг.
4. Петъор Исога Уни севиши ҳақида айтганида, Исо Петъорга қанақа учта буйруқ берди?

8 Дарс

Петъор-Тош

ПЕТЪОРНИНГ ХИЗМАТИНИ БОШЛАШИ

Петъор имонда кучли бўлди. У Исодан тонганидан ва тавба қилганидан сўнг, унинг имони ҳеч қачон бошқа тебранмади. Петъор эллигинчи куни Муқаддас Рухни қабул қилганидан сўнг, бошқа инсонга айланди. Бу энди ҳақиқий Петъор - тош эди.

Петъорнинг хизмати – бизлар учун намунадир. Худо - бизлар бугун шуни қилишимизни истайди. Эътибор беринг, Петъор аввал Иерусалимда ва Яхудияда, сўнг эса Самарияда гувоҳлик берган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:8 Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганида, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яхудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шохидларим бўласизлар.

Хизмат жойи

Петъорнинг хизмати маъжусийлардан кўра кўпроқ, яхудийларга йўналтирилган эди.

Галатияликларга 2:7-8 Аксинча, Хушxabар Петъорга хатна қилинганлар учун берилганидек, менга хатна қилинмаганлар учун берилганини кўрганларида, (зеро хатна қилинганларга ҳаворийлик қилиш учун Петъорга ёрдам берган Худо менга ҳам маъжусийларга ҳаворийлик қилиш учун ёрдам берди)...

Худо Петъорни маълум бир тоифадаги (гуруҳдаги) одамларга хизмат қилишга даъват этганидек, Худода ҳар бир имонли учун асосий хизмат ўрни бор. Биримиз гиёҳвандларга, бошқамиз -ичадиганларга, учинчимиз - фоҳишаларга, уйсизларга ёки ишловчи одамларга хизмат қилишга даъват этилганмиз. Баъзилар қандайдир миллатларга ёки халқларга хизмат қилишга даъват этилган. Хизматингиз учун Худонинг иродасини топиш жуда ҳам муҳим. Хизматингиз Худонинг иродаси бўйича бўлса, катта кучни сезасиз ва хизматингизда муваффақият бўлади.

Биринчи Воизлик

Ҳаворийлар 2:14-41

Эллигинчи кунда Петъор бош воиз (нутқчи) бўлди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:14 Унда Петъор ўн бир ҳаворий билан бирга оёққа қалқидида, овозини баландлатиб халойиққа хитоб қилди: “Эй барча яхудийлар ва Иерусалимда яшовчилар, сўзларимга қулоқ солиб, шуни билиб қўйинглар...”.

Биринчи Ёзилган Мўъжиза

Ҳаворийлар 3:1-11

Ҳаворийларнинг фаолияти 3:1-8 Бир куни Петъор билан Юханно ибодат маҳали – соат учда бирга маъбадга чиқаётган эдилар. У ерда онадан туғма шол бўлган биров ҳам бор эди. Бу одамни маъбадга

кираётганлардан садақа тилаш учун ҳар кун маъбаднинг Гўзал деган дарвозаси ёнига келтириб қўяр эдилар. У маъбадга кириб келаётган Петъор билан Юҳаннони кўрибоқ, улардан ҳам садақа сўради. Петъор билан Юҳанно эса қўзларини унга тикиб: “Бизларга қара!” - дедилар. У одам улардан бирон нарса олишни умид қилиб, уларга диққат билан қарар эди. Петъор унга: “Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман: носиралик Исо Масих исмидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр!” - деди-ю, ўнг қўлидан тутиб, уни оёққа турғизди. Бирданига унинг тиззалари билан тўпиқлари мустаҳкамланиб қолди. У диқ этиб оёққа турди-да, юра бошлади. Худога ҳамд айтиб, ирғиб-сакраб юрганича, улар билан маъбадга кирди.

Биринчи Қувғин Ҳаворийлар 4:7,8

Шу мўъжиза натижасида кўплар, беш мингга яқин одам нажот топди. Яхудий диний лидерлари Петъор ва Юҳаннони зиндонга ташлашди, эртаси эса уларни сўроқ қилишни бошлашди. Ўша қувғин вақтида, Петъор бош жавобгар эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:7,8 Иккала ҳаворийни ўртада турғизиб: “Сизлар қандай ваколат билан ва кимнинг исмидан буни қилдингизлар?” - деб сўрашди улардан. Муқаддас Рухга тўлган Петъор уларга деди: “Эй халқнинг раҳнамолари, Исроилнинг оқсоқоллари!”

Петъор Хокимият Билан Ҳаракат Қилар эди Ҳаворийлар 5:1-11

Муқаддас Рух Жамоатни гуноҳдан, ёлғондан асраш учун ва химоя қилиш учун Петъорни ишлатар эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 5:1,2 Яна Ханания деган бир киши билан хотини Сапфира бор эдилар. Бу киши бир ерни сотиб, хотинининг розилиги билан ўша пулдан бир қисмини олиб яширди, бир қисмини эса келтириб ҳаворийларнинг ихтиёрига топширди.

➤ Билим Сўзида Ҳаракат Қилар эди

3-6 Петъор унга деди: “Эй Ханания, нега энди сен шайтонга юрагингни бой бериб, Муқаддас Рухга ёлғон гапирдинг, ернинг пулидан бир қисмини олиб яширдинг? Сотидан олдин у сеники эмасмиди? Сотилгандан кейин ҳам пули сенинг ҳукмингда эмасмиди? Нима учун дилингда бундай ният қилдинг? Сен одамларга эмас, балки Худога ёлғон гапирдинг”. Ханания бу сўзларни эшитиши биланок ерга йиқилиб жон берди. Буни эшитганларнинг ҳаммасини каттиқ даҳшат қоплади. Йигитлар ўликни кафанлашга киришдилар ва ташқарига чиқариб кўмдилар.

➤ Сапфирага Имкон Берди

Петъор Сапфирага самимий бўлишига имконият берди.

7-9 Бундан қарийб уч соат кейин, бўлиб ўтган воқеадан хабарсиз Хананиянинг хотини ҳам кириб келди. Петъор бурилиб, ундан сўради:

“Менга айтгин, ерни шунчага сотдингизларми?” “Ҳа, шунчага”, - деди аёл. Петъор: “Нега сизлар Тангри Рухини синаб кўришга келишдингизлар? Мана, эрингни кўмганлар эшикдан киришяпти. Энди сени ҳам ташқарига олиб чиқишади”. – деди.

► *Натижада Худодан Кўрқув Келди*

10,11 Шу ондаёқ аёл Петъорнинг оёқларига йиқилиб, жон берди. Йигитлар ичкарига кириб, уни ўлиб ётган ҳолда кўрдилар. Ўлигини ташқарига олиб чиқиб, эрининг ёнига кўмдилар. Бу воқеаларни эшитган бутун имонлилар жамоати ва бошқа ҳаммани қаттиқ дахшат қоплади.

Ҳар қандай кўрқув ҳам ёмон эмас. У ердаги одамлар, Худонинг қодир кучини кўрганлари ва У ҳақликни талаб қилгани учун кўрқувга тўлдилар.

Худонинг халқи, Унинг қаршисида муқаддас кўрқувда ва хоксорликда бўлиши муҳимдир.

► *Ёвузликни Фарқлаш*

Жамоат – ички ёвузликдан ҳимояга муҳтож. Муқаддас Рух Петъорга Ҳанания ва Сапфира ҳақида айтганидек, жамоатни ёвузликдан сақлайди. Петъор, билим сўзи инъомида ҳаракат қилган эди. У пул ҳақидаги алдовни билган эди.

Хўш, Ҳанания ва Сапфира нега жазоландилар? Ҳеч ким улардан мулкларини сотишларини талаб қилмаган, улар имонлилар орасида маълум бир обрў эгаллаш учун алдаб, шундай қилган бўлишлари керак. Улар пулнинг маълум бир қисмини яширганлари учун эмас, балки Муқаддас Рухни алдаш билан гуноҳ қилишди.

Ҳанания ўлганидан сўнг, унинг хотини келишигача уч соат ўтди ва унга содир бўлган ходиса ҳақида ҳеч ким айтиб бермади. Одамлар Худо кучининг қаршисида шундай кўрқувда эдиларки, бирор бир гуноҳга ўхшаган иш қилишни исташмади!

**“Соёси билан Хизмат”
Ҳаворийлар 5:12-16**

Худонинг, Петъор орқали қуйилаётган кучи шунчалик буюк эдики, ҳатто унинг соёси шифолай олар эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 5:14-16 Шунга қарамай, Исони Раббим деб тан олиб, жамоатга қўшилган эркак ва аёлларнинг сони тобора ортиб борар эди. Петъор ўтиб кетаётганда, ҳеч бўлмаса унинг соёси баъзилар устига тушсин деб, хасталарни кўчаларга чиқариб, замбил ва каравотларга ётқизиб қўйишар эди. Теваракдаги шаҳарлар аҳолиси ҳам Иерусалимга қуйилиб келиб, ўзларининг касал ва ёмон рухлардан қийналган одамларини келтирар эдилар. Қийналганларнинг ҳаммаси эса шифо топар эдилар.

Петъор сафар қилар эди ва Иерусалим билан Яхудиядан ташқарида бўлган, кўп жойларда хизмат олиб борар эди.

Самария

Ҳаворийлар 8:14-25

➤ *Одамлар Чўмдилар*

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:14-17 Иерусалимда қолган ҳаворийлар эса, самарияликлар ҳам Худонинг Сўзини қабул қилибди, деб эшитганларида, Петъор билан Юҳаннони уларнинг олдига юборишди. Петъор билан Юҳанно у ерга келгач, самариялик имонлилар Муқаддас Рухни қабул қилиши учун ибодат қилишди. Чунки уларнинг бирортасига ҳам Муқаддас Рух тушмаган эди. Улар Исони Раббимиз деб тан олиб, сувда имон келтиришган эди, холос. Ҳаворийлар уларнинг бошига қўл қўйиши биланоқ улар Муқаддас Рухни қабул қилишди.

Петъор билан Юҳанно одамларга қўлларини қўйишар эди ва улар Муқаддас Рухга чўмар эдилар.

Исо – бизларга, аввал Иерусалим билан (ўзимиз туғилган шаҳаримизда), Яхудияда (ўзимизнинг маҳалламизда), сўнг эса самарияликларга (яъни – бизлар паст деб ҳисоблайдиган одамларга) ва дунёнинг четигача бориб хизмат қилишимиз кераклигини айтган.

Петъор хизматидаги намунага эътибор беринг.

➤ *Ёвузлик Аниқланди*

Сехргар Симон (бу - бошқа Симон) – Петъор орқали намоён бўлаётган кучни кўриб, уни сотиб олмакчи эди. Петъорнинг реакцияси тўғри ва кескин эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:20-23 Лекин Петъор унга: “Кумушинг сен билан бирга ҳалок бўлсин; сен Худонинг ҳадясини пул билан олиш мумкин деб хаёл қилдинг”, - деди. “Бу ишда сенинг на ҳиссанг бор ва на қисматинг бор, чунки Худо олдида юрагинг тўғри эмас. Энди бу ёмонлигингдан тавба қилиб Худога ёлвор, балки юрагингнинг ниятидан кечар. Чунки сенинг аччиқ зардага бўлган ва ёвузлик занжирига боғланганингни кўряпман”.

Петъор руҳларни фарқловчи, руҳий инъом билан ҳаракат қилар эди.

Лидда

Ҳаворийлар 9:32-35

Петъор сафар вақтида, Исо қилган ишларни қилар эди. Исо Петъорга ва барча имонлиларга Ўзи қилган ишларни қилишни топширди.

➤ *Еней Шифо Топди*

Петъор Лиддадаги муқаддасларни кўриб келишга борди. У ерда Еней исмли, саккиз йилдан буён тўшакда фалаж бўлиб ётган одамни топди. Петъор унга: “Еней! Исо Масих сени шифоляпти; тўшагингдан тур”- деди. Шунда Еней ўша заҳотиёқ турди. Лидда ва Саронанинг барча яшовчилари уни кўриб, имонга келишди.

Иопния Ҳаворийлар 9:36-43

➤ *Серна Тирилди*

Исо, синагога бошлиғи Иаирнинг қизини ўлимдан тирилтирганида, Петъор ҳам У билан бирга эди. Худо Сернани тирилтиришни истаётганини Петъор ҳис қилди ва Исо ўзи орқали уни тирилтиришини билар эди. Петъор Худонинг айтганини қилди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 9:36-42 Яффада Исонинг шогирди бўлган Тавита исмли бир аёл бор эди. Бу отининг таржимаси “оҳу” демакдир. Бу аёл ихлосмандлик билан хайрли ишларга берилиб, кўп садақа қилар эди. Худди ўша кунларда у касалланиб ўлди. Уни ювиб, болохонага қўйишди. Лўд шаҳри Яффага яқин бўлгани учун, Петъорнинг у ерда эканини эшитиб қолган шогирдлар унинг ҳузурига икки кишини юбориб: “Тезда бизнинг олдимизга келгин!” - деб илтимос қилишди. Петъор ўрнидан кўзгалиб, улар билан бирга кетди. Уйга етиб келгач, уни болохонага олиб киришди. Бутун бевалар унинг ёнига тўплашиб, дод-фарёд қилар, Оҳунинг тириклигида тиккан кўйлак ва жомаларини кўрсатишарди. Петъор эса ҳаммани ташқарига чиқаргандан кейин, тиз чўкиб ибодат қилди ва жасадга қараб: “Тавита, ўрнингдан тур!” деди. Шунда аёл кўзларини очди-да, Петъорни кўриб, ростланиб ўтирди. Петъор кўлини узатиб, уни турғизиб қўйди. Сўнг имонлилар билан бева аёлларни чақириб, тирик ҳолдаги аёлни уларга топширди. Бу ҳодиса бутун Яффага маълум бўлди ва кўп одамлар имон келтириб, Исони Раббим деб тан олдилар.

Исо, ота-она ва учта ҳаворийдан бошқа барчани хонадан чиқариб юборгани эсингиздами? Исо ишонмайдиганларни чиқариб юборди. Петъор ҳам шундай қилди.

Имон ҳамдардликда ҳаракат қилади ва ҳеч қачон жоний ҳиссиёт билан фаолият кўрсатмайди, акс ҳолда бизлар барчани тирилтирган бўлар эдик. Бирок, Худонинг иродаси барча одамларни тирилтириш эмас. Имонни - бу каби ишларга ишлатиш учун, Худонинг сўзини яққол эшитиш керак.

Исо: “Мен фақат Отам қилган ишларни кўриб, қиялпман,”-дегани эсингиздами?

Қачонки, кимдир илоҳий донолик сўзини олса ва имон инъомини ишлатса, ўликлар тирилиши мумкин.

Юханно 5:19 Буларга қарши Исо деди: “Сизларга ростини айтмай: Ўғил Отанинг қилган ишларини қилмагунча, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди”.

Кесария Ҳаворийлар 10

➤ *Ваҳий*

Петъорнинг энг муҳим даъвати яҳудийларга хизмат қилиш эди. Шунингдек, Худо уни маъжусий дунёга эшик очиш учун ишлатар эди.

Худо Петъорга берган ваҳий ва шу ваҳий орқали келган таълимот жуда муҳимдир, чунки у орқали биз Худонинг содиқлигини кўрамыз. Худо,

Унинг иродасини амалга оширишимиз учун, биз билишимиз ва тушунишимиз керак бўлган нарсаларга ўргатмоқчи.

Петъор яхудий сифатида, маъжусийлар (хатнасиэлар) ҳақида ўзининг тушунчасига эга эди. Петъор, ҳеч қачон ўзининг уйига бирор бир маъжусий келишига ёки ўзи маъжусийнинг уйига боришга рози бўлмас эди. Лекин Худода Петъор учун алоҳида топшириқ бор эди ва унинг ногўғри тасаввурлари барбод қилиниши керак эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:10-23 У оч қолганини ҳис этиб, овқат егиси келди. Овқатни тайёрлар эканлар, у руҳланиб ўзини йўқотди. Осмон очилиб, катта рўмолга ўхшаш нарса келаётганини кўрди. Рўмолнинг ичида ерга хос ҳар хил тўрт оёқли ва судралувчи ҳайвонлар ҳамда кўкда учувчи қушлар бор эди. Бир овоз унга хитоб қилиб: “Петъор, тур ва сўйиб егин!” – деди. Петъор: “Асло, ё Раббим! Мен мутлақо ифлос ёки ҳаром нарса еган эмасман”, - деди. Яна овоз иккинчи марта унга эшитилиб: “Худо ҳалол деганини сен ҳаром дема!” – деб айтди. Бу манзара уч марта такрорланди. Сўнг идиш яна осмонга кўтарилди. Петъор гангиб қолган эди. Мен кўрган ваҳийнинг нима маъноси бор экан, деб ўйлаб турганида, Корнилиий томонидан юборилган одамлар Симуннинг уйини суриштириб дарвоза бўсағасида тўхтаб қолишди. Улар овозларини баландлатиб: “Петъор лақабли Симун шу ердами?” – деб сўрашди. Петъор эса хануз ваҳийни ўйлаб, мулоҳазага чўмиб ўтирарди. Муқаддас Рух унга: “Мана, уч киши сени излаяпти. Ўрнингдан тургин-да, пастга туш ва ҳеч шубҳа қилмасдан улар билан бирга боргин, чунки уларни Мен юбордим”, - деди. Петъор пастга тушиб, Корнилиий томонидан юборилган одамларга: “Сизлар излаётган одам мен бўламан. Нима юмуш билан бу ерга келдингизлар?” – деди. Улар Петъорга: “Корнилиий исмли, бутун яхудий халқи орасида яхши ном чиқарган, ҳақ, Худодан кўрқадиган бир юзбоши бор. Муқаддас фаришта унга, сени ўз уйига чақиртириб, айтганларингга қулоқ беришини буюрибди”, - дейишди. Шунда Петъор уларни ичкарига чорлаб, меҳмон қилди.

► *Маъжусийлар Муқаддас
Рухни қабул қилдилар*

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:24-28 Иккинчи куни Кесарияга келишди. Корнилиий эса ўз қариндошлари ва яқин дўстларини бир жойга тўплаб, уларни кутиб турарди. Петъор ичкарига кирганда, Корнилиий уни қаршилаб, оёқларига йиқилиб сажда қилди. Бирок Петъор: “Тур, мен ҳам бир инсонман”, - деди-ю уни оёққа турғизди. Петъор Корнилиий билан суҳбатлашиб уйга кираркан, тўпланиб турган катта жамоани кўрди. Уларга айтди: “Бошқа қабила кишиси билан алоқа қилиш, иноқлашиш яхудий бир одам учун жоиз эмаслигини биласизлар. Лекин Худо ҳеч бир одамни ифлос ёки ҳаром деб ҳисобламаслик лозимлигини менга кўрсатди”.

Улар суҳбатни давом эттиришди ва Петъор уларга Исо ҳақиқатан ҳам ким эканини тушунтира бошлади.

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:43-46 “Исога инонган ҳар бир кишининг гуноҳлари Унинг исми билан кечирилади, деб қадимий пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам шаҳодат берганлар”. Петъор ҳали

гапириб турганда, Сўзни эшитаётганларнинг барчаси устига Муқаддас Рух тушди. Петъор билан бирга келганлар Исога ишонган яхудийлар эди. Муқаддас Рух ғайри яхудийларга ҳам насиб бўлганини улар кўриб, хайратда қолдилар. Чунки у кишиларнинг янги тилларда сўзлашиб, Худони улуғлаётганларини эшитиб туришарди.

Петъорнинг ҳикояси Ҳаворийлар 11:1-18

Петъор инсоний урф – одатларни бузди. Ухатнасиэларнинг уйига кирди ва улар билан бирга овқат еди.

Петъор содир бўлган нарсаларни бошқа ҳаворийларга айтиб берди: олган ваҳий ҳақида, унинг олдига келган одамлар ҳақида, ўзи улар билан бирга боргани ва улар қандай қилиб Муқаддас Рухга чўмганлари ҳақида айтиб берди.

Охирида у шундай деди:

Ҳаворийларнинг фаолияти 11:17,18 “Агар Худо бизга берган Ҳадияни Раббимиз Исо Масихга худди биздай инонган мана буларга ҳам берган бўлса, унда мен ким бўлдимки, Худога қаршилик қила олсам?” Бу сўзларни эшитиб, улар тинчланди. “Худо ғайри-яхудийларни ҳам тавба қилдириб, абадий ҳаёт насиб қилар экан”, - деб Худони олқишлашди.

Ҳаворийлар – нажот фақат яхудийлар учун эмас, балки дунёда яшайди-ган барча одамлар учун эканини биринчи марта англашди.

ПЕТЪОР - ЗИНДОНДАН МЎЪЖИЗА БИЛАН ОЗОД ҚИЛИНДИ

Ҳаворийлар 12:1–19 Олий ўлим

Исо кўпинча, Ўзининг олдига Петъорни, Ёқубни ва Юҳаннони бошқаларга кўра кўпроқ чақирар эди. Шоҳ Ҳирод Ёқубни қилич билан ўлдирди, кейин эса Петъорни зиндонга ташлади. Петъорнинг ўзи ҳам, ўлимга яқин эканини ҳис қилган бўлиши мумкин.

Ҳаворийларнинг фаолияти 12:1–16 Ўша кунларда подшоҳ Ҳирод имонлилар жамоатидан баъзиларга озор бериш учун қўл кўтарди. Юҳаннонинг акаси Ёқубни қилич билан чопиб ўлдирди. Бу яхудийларга ёққанни кўриб, унинг ортидан Петъорни ҳам қўлга олди. Ана шу воқеалар яхудийлар хамиртурушсиз нон ёпадиган Фисих байрамида содир бўлди. Ҳирод Петъорни зиндонга қамаб, Фисих байрамидан кейин халқ олдига чиқариш нияти бор эди. Уни кўриқлаш учун ҳар бири тўрт аскардан иборат тўрт дастага топширди.

Жамоат Шафоат Қилди

5–7 Петъор шундай зиндонда тутилarkan, имонлилар жамоати унинг учун ихлос билан Худога ибодат қилар эди. Ҳирод чиқармоқчи бўлган кундан аввалги кечаси Петъор икки аскар ўртасида, иккита занжир билан кишанланган ҳолда ухлаётган эди. Эшикни ёнидаги қоровуллар эса зиндонни кўриқлашар эди. Ногаҳон Худованднинг

фариштаси Петърнинг ёнига пайдо бўлиб, хужрадан нур порлади. Фаришта Петъорни биқинига туртиб: “Тезроқ ўрнингдан тур!” – деб уни уйғотди. Шу ондаёқ кўлларидаги занжирлар тушиб кетди.

Петъор Озод Қилинди

8–11 Фаришта Петъорга: “Камарингни боғла, чорикларингни кий”, - деди. У шундай қилди. Кейин Фаришта: “Тўнингни кий, орқамдан юр!” – деди. Петъор чиқиб, унинг орқасидан кетди, фақат фаришта қилаётган ишни ўнги ёки туши эканини укмай, ваҳий кўраяпман деб ўйлар эди. Биринчи ва иккинчи қоровулхонадан ўтиб, шаҳарга чиқадиган темир дарвозага келишди. Дарвоза ўзидан-ўзи уларга очилди. Ташқарига чиқиб, бир кўчани босиб ўтишди. Ногаҳонда Петъорнинг ёнидаги фаришта ғойиб бўлди. Петъор ўзига келгач: “Энди мен чиндан кўрдим, Раббим фариштасини юбориб, мени Хирод кўлидан ва яхудий халқининг бутун қасд-адоватидан қутқазди”, - деди.

Бошқалар Ҳам Ибодат Қилишди

12 У бўлиб ўтган воқеаларнинг фарқига етган захоти Марк лақабли Юханнонинг онаси Марямнинг уйига етиб келди. У ерда бир талай одам тўпланиб, ибодат қилаётган эди.

Ибодатга Жавоб Келди

13,14 Петъор дарвозани тақиллатгач Рода исмли бир хизматкор қиз кулоқ солгани чиқди. Петъорнинг овозини таниб, севинганидан дарвозани очмай ичкарига югуриб, унинг ташрифини билдирди.

Имонсизлик

15,16 “Ақлинг жойидами?” – дейишди улар қизга. Лекин қиз ўз айтганини тасдиқлайвергач улар: “Унинг фариштасидир”, - дейишди. Шу орада Петъор тақиллатишда давом этди. Очганларида уни кўриб ҳайрон қолишди.

Баъзида, Худо бирор бир ходиса орқали нимадир демоқчи бўлганида, сўзни ўтказиб юборишимиз жуда осон. Албатта, одамлар Петъорни зиндондан озод бўлиб, уларнинг ибодат йиғилишига келганидан ҳайрон қолишди. Бизлар “уларнинг имони қаерда эди?” дейишимиз мумкин. Бизлар, улар вақтларини қурбон қилиб, Петъор учун ибодат қилишга йиғилишганини тушинишимиз керак. Биз биламизки, агар улар йиғилиб ибодат қилмаганларида эди Петъорни ҳам Ёқубдек ўлдирдишлари мумкин эди.

Шоҳ Хирод Ўлди Ҳаворийлар 12:19–23

Шоҳ Хирод Ёқубни ўлдирди. У Петъони ҳам ўлдирмоқчи эди. У Петъорни “қўйиб юборган” кўриқчиларни ўлдирди. Лекин ўзи ҳам ўлиши керак эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 12:21–24 Белгиланган кунда Хирод шоҳона кийимларини кийиб, минбарга ўтирди-да, халойиққа ваъз айтди. Халойиқ эса: “Бу одамнинг овози эмас, бу Худони овози!” – деб хитоб қиларди. Ўша ондаёқ Худонинг фариштаси Хиродни урди. У шарафни Худога бермагани учун танасини қуртлар кемириб, жон берди. Худонинг Сўзи эса тобора ёйилар, самара берарди.

ПЕТЬОРНИНГ ЎЛИМИ

Ёзувда Петьорнинг ўлими ҳақида айтилмаган. Лекин, Исо унинг ўлими ҳақида башорат қилганини бизлар биламиз.

Юҳанно 21:18,19

Оғзаки маълумотларга кўра Петьор, зиндондан озод бўлганидан сўнг Римга кетган.

Уни Римда, шоҳ Нерон даврида хочга михлаб ўлдиришган.

Петьор – Исодек ўлишдан воз кечиши ва бошини ерга қаратиб, хочда михлашларини сўраши ҳам оғзаки маълумотдир. Ёзувда бунинг тасдиғи йўқ.

Ёзувда, Повул Римда бўлгани ҳақида ёзилган, лекин Повул ҳеч қачон, ҳеч қаерда, Петьорни Римда бўлгани ҳақида айтмаган.

Хулоса

Петьорнинг ҳаётини ўрганиш – бу мўъжизаларни ўрганишдир. Унинг ҳаётидаги биринчи мўъжиза – Исонинг кетидан боришни бошлаганидир. У Ундан тонди, лекин тавба қилганидан кейин, Муқаддас Рухга чўмди ва жасур бўлиб, одамлардан, хатто ўлимдан қўрқмайдиган бўлди.

У Исонинг мўъжизаларини кўрган эди ва ўзи ҳам мўъжизалар яратишни бошлади. Петьорда, баъзида мойланиш шунчалик кучли бўлар эдики, унинг сояси одамларга тушганида, кўплар шифо топар эди. У жамоатда гуноҳни фош қилди ва у одамлар ўлиб, йиқилишди. Петьор Сернани тирилтирди. У зиндонда ўтирганда ўлимга яқин эди ва Худо уни озод қилиш учун фариштани юборди. Петьор Тирик Худонинг ғайритабиий, мўъжизавий кучида яшар эди ва биз ҳам шундай яшай оламиз!

САВОЛЛАР

1. Сиз Петьорнинг Муқаддас Рухга чўмганидан сўнгги ҳаётини, ҳаётингизда катта аҳамиятга эга бўлган қандай нарсаларни ўрганингиз?
2. Ҳанания ва Сапфира Раббийга ёлғон гапирганлари учун ҳалок қилиндилар. Нима деб ўйлайсиз, нега бугун жамоатда бу нарса содир бўлмаяпти?
3. Кесариядаги ҳодисалар, бугун нима сабабдан бизлар учун муҳим?

9 Дарс

Ўлим – ҳосилдир

Ҳаворий Повул ўлимга дуч келганда, шундай деди: “Чунки мен учун ҳаёт – Масихдир; ўлим эса – ютуқдир”. Филипшиликларга 1:21

Стефаннинг ҳаёти орқали бизлар, имонли қувғинга ва ўлимга қандай қараши кераклигини ўрганамиз.

СТЕФАН

Ҳаворийлар 6:8–15

Стефан–диаконлардан бири эди

Бизлар Стефанни иззатли, Муқаддас Рухга ва доноликка тўлган одам бўлганини биламиз. Чунки бунинг ҳаммаси диаконнинг сифатларидир.

Ҳаворийларнинг фаолияти 6:3 “Эй биродарлар, энди синалган ҳамда Муқаддас Рух ва ҳикматга тўлиб-тошган етти кишини орангиздан танлаб олинглар, биз уларни бу хизматга тайин этамиз”.

Стефан диакон этиб танланиши биланоқ, халқ орасида буюк мўъжизалар ва аломатлар яратишни бошлади.

➤ *Мўъжизалар Яратар эди*

Ҳаворийларнинг фаолияти 6:8–15 Бу пайт имони комил ва илоҳий кудратга тўлган Стефан халқ орасида буюк ва ажойиб мўъжизалар кўрсатар эди.

➤ *Зиддиятга Тўқнаш Келди*

9 Эркинлар синагогаси деган яҳудий жамоасидан баъзилари, шунингдек, Киринея, Искандария, Киликия ва Асиядан бўлган бир қанча кишилар Стефан билан баҳсга киришдилар.

➤ *Худонинг Донолигига Эга Эди*

10 Бироқ унинг сўзидаги ҳикмат ва Рухга қарши туролмадилар.

➤ *У Ҳақда Ёлгон Гапиршарди*

11 Шунда баъзи одамларни гиж-гижлаб: “Бунинг Мусо ва Худога қарши куфр сўзлар айтганини эшитдик”, - деб айтишга қўндирдилр.

➤ *Ёлгон Айбланди*

12–14 Эл-халқни ва оқсоқоллар билан уламоларни қўзғаб, Стефанга хужум қилишди-ю, уни тутиб олиб, Олий Кенгашнинг қошига судраб келишди. Сохта гувоҳларни ёллаб, уларга бундай дегиздилар: “Бу одам ҳадеб шу муқаддас маъбад ва Тавротни ёмонлаб юрибди-ку. Носиралик Исо бу жойни хароб қилади ва Мусони бизга берган урф-одатларини ўзгартиради деб айтганини эшитдик”.

➤ *Худонинг Шухратини*
Акс Эттирди

15 Шу пайт Олий Кенгашда ўтирганларнинг ҳаммаси Стефанга тикилиб қараб, унинг юзи бир фариштанинг юзига ўхшаб қолганини кўришди.

Стефаннинг ўлими

➤ *Хушхабар Воизлик Қилди*

Олийруҳоний Стефандан унга қўйилган айбловлар тўғрими деб сўраганда, Стефан ушбу имкониятдан фойдаланиб Хушхабарни воизлик қилди. У Иброҳимдан бошлади, ва сўзлашда давом этиб, Масихнинг келиши ҳақида айтди, ҳатто диний лидерларни Унинг ўлимида айблади. У ўзининг воизлигини дадил ва муқаддас жаҳл билан тугатди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 7:51–53 “Эй энсаси қотганлар! Юраги ва қулоқлари суннат бўлмаганлар! Оталарингиз каби сизлар ҳам доимо Муқаддас Рухга қарши турасизлар. Оталарингиз пайғамбарлардан қайси бирини қувғин қилишмаган? Ҳақ Кишининг келишини башорат қилиб айтганларни ҳам ўлдиришган-ку. Сизлар ҳам энди Ўшанинг хоинлари ва қотиллари бўлиб қолдингизлар. Сизлар Илохий Қонунни фаришталар буйруғи билан олиб, ўша Қонунга риоя қилганингиз йўқ!”

Исо шогирдларига: “Қандай жавоб берамиз деб ўйламанглар”, – деган эди.

Стефан бунинг ажойиб намунасидир. Стефан, Муқаддас Рух у орқали куйилиши ва гапириши учун ўзини бағишлади.

➤ *Уларнинг Жаҳлини Чиқарди*

Кенгаш билан олийруҳонийнинг жаҳли чиқди ва улар тишларини ғижирлатар эдилар.

Ҳаворийлар фаолияти 7:54–60 Кенгаш аъзолари бу сўзларни эшитгач, қутириб, жўшиб, Стефанга қарши тишларини ғижирлатдилар.

➤ *Стефан Рухда Эди*

55,56 Муқаддас Рухга тўлган Стефан осмонга тикилиб қараб, Худонинг улуғворлигини ва Худонинг ўнг томонида ўтирган Исони кўрди. “Мана, мен осмоннинг очилиб кетганини ва Худонинг ўнг томонидан турган Инсон Ўғлини кўряпман”, - деди.

Стефан Муқаддас Рухга тўлган эди. У осмонга қараб, Худонинг шарафини ва Худонинг ўнг қўлида турган Исони кўрди.

➤ *Лидерлар Қулоқ*
Солишдан Воз Кечдилар

57,58 Улар бўлса қулоқларини беркитиб, овозлари борича кичқириб, ҳаммалари Стефан устига ёпирилди. Унинг шаҳардан ташқарига судраб чиқиб, тошбўрон қилишди. Унга қарши гувоҳликка ўтганлар эса кийимларини Шоул деган бир йигитнинг пойига қўйишди.

➤ *Стефан Уларни Кечирди*

60 Охири тиз чўкиб баланд овоз билан хитоб қилди: “Ё Раббий, бу гуноҳни уларга қўйма!” – шуни айтиб, жон берди.

➤ *Стефаннинг Азоблари*

Стефан биринчи азобланган одам эди. Унинг ўлими эса – илк имонлиларнинг таъкиб қилинишининг бошланишига олиб келди. Унинг ўлими имонлиларни тарқалишга ундади ва улар қаерга боришмасин, Сўзни воизлик қилишарди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:1–3 Стефанни ўлдирилишини Шоул маъқулланган эди. Ўша куннинг ўзида Иерусалимдаги имонлилар жамоатига қарши кескин қувғин даври бошланди. Ҳаворийлардан бошқа ҳамма Яҳудия ва Самариянинг ҳар бир жойларига тарқаб кетдилар. Баъзи диндор одамлар Стефанни кўриб, у учун катта йиғи қилдилар. Шоул имонлилар жамоатини талон-тароғ қилар эди. Уйма-уй юриб, эркакми, хотинми, ҳаммасини судраб қамоқхонага берар эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 11:19–21 Стефаннинг ўлдирилиши билан бошланган қувғин оқибатида тарқалиб кетган имонлилар шу орада Худонинг Сўзини яҳудийлардан бошқа ҳеч кимга билдирмай, Финикия, Кипр ва Антиохиягача етиб борган эдилар. Антиохия шаҳрига келган баъзи кишилар ва кириниялик кишилар эса Раббимиз Исо Хушхабарини у ердаги юнонларга ҳам етказдилар. Раббимиз кучи улар орқали амал қилаётгани учун ҳам кўпчилик Исо Раббимиз деб имон келтирарди.

➤ *Шоулга Гувоҳлик Берилди*

Стефаннинг ўлими, Худо– маъжусий халқларга гувоҳлик бериш учун танлаган одамга гувоҳлик берди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 22:20 “Сенинг шаҳидинг Стефаннинг қонини тўкканларида мен ҳам у ерда ҳозир эдим. Ҳатто унинг ўлдирилишига рози бўлиб, қотилларнинг кийимларини сақлаб турардим”, - дедим.

Стефан азоб чекаётган вақтда, Шоул Стефаннинг юзи Худонинг шарафи билан порлаганини кўрди.

Стефан ўзининг ўлими билан, Повулнинг ҳаётидаги катта “ҳосил”нинг уруғи бўлди.

Хулоса

Стефан ҳаворий бўлмаса ҳам мўъжизалар яратар эди. Жамоатда мўъжизалар, фақат ҳаворийлар ёки фақат бешта инъомдан бирортасига эга бўлган одамлар орқали бўлмас эди. Стефаннинг ҳаётида мўъжизалар зиддиятларни олиб келганидек, бугун ҳам мўъжизалар ва аломатларнинг содир бўлиши, диний лидерларда ва имонсизларда қаршиликни пайдо қилади.

Стефан Муқаддас Рух билан, Унинг донолиги билан шунчалик тўлдики, диний лидерлар баҳслашиб ўзларининг фикрларини илгари сурмоқчи бўлишганда, улар Стефаннинг донолигига ва ундаги Худонинг Рухига қарши тура олишмади.

Стефан, қаршилик қилувчи одамлар олдида ва ҳатто ўлим қаршисида турса ҳам қўрқувсиз, Худонинг кучи билан гувоҳлик берувчи имонли кишининг намунасидир.

НИМА УЧУН ҚУВҒИНЛАР БЎЛАДИ

**Тозалайди, Қувватлайди,
Нарх Тўлашга Олиб Келади**

Қувғинлар билан синовларда— жамоат тозаланади, қувватланади ва ҳатто хушхабар айтиш “нархини тўлайди”.

Ҳаворийларнинг фаолияти 14:21,22 Хушхабарни Дервия шаҳрида тарғиб қилиб, кўп шогирд орттиришгандан сўнг, Листра, Икония ва Антиохия шаҳарларига қайтдилар. Йўл-йўлакай Исо шогирдларининг жонларига жон қўшиб, имонда собит бўлишлари учун далда берардилар. “Худонинг Шоҳлигига кўп қайғулардан ўтиб киришимиз керак”, - деб насихат қилардилар.

Кучли Жамоат – Бу Таҳдидир

Стефаннинг ҳаётидан кўрганимиздек, Муқаддас Рухнинг ғайритабиий кучи ишлашни бошлаганида, қувғинлар бошланади. Жамоат пайдо бўлишининг биринчи кунларида, қувғинлар диний лидерлар томонидан чикарди. Бугун ҳам кўпинча қувғинлар шу томондан келади.

Масихийлик – яҳудий лидерларига таҳдид солувчи бўлди. Лекин энди, Худога маъбадда сажда қилиш вақтини – Унга руҳда ва ҳақиқатда сажда қилиш вақтига алмаштириш фурсати етди.

Ҳатто ҳозир ҳам, Худо жамоатини кўтараётган бир вақтда янги нарса яратади. Бу - Худо бир неча йил илгари жамоатда айтган нарсаларни ва қилган ишларни, бугун ҳам очишни ва қилишни истайди дегани эмас. Бизлар кеча бўлган нарсаларни ушлашимиз эмас, балки Худо ўзгартираётган нарсаларни, Унинг бизнинг давримизда қилмоқчи бўлган нарсаларини исташимиз керак.

Имонлиларнинг кучли йиғилиши, ҳозиргача ўзларини Масихга бағишламаган масихийларга таҳдид солади. Қувғинлар кўпинча шулар томонидан келади.

Шунингдек, бағишланган масихийлар, заиф жамоатларга қаршилик қилувчи ёвуз кучларга таҳдид соладилар. Шунинг учун таъқибчилик беътавфиқ жамият томонидан ҳам келади.

Агар ҳар бир имонли улкан аломатлар ва мўъжизалар кўрсатиш учун, Исонинг ишларини қилишни бошласа, минглаб одамлар Масихга келадилар.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚУВҒИНЛАРГА БАРДОШ БЕРСА БЎЛАДИ

Қувғинлар ҳар—хил йўналишларда содир бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда имонлиларни қамашади ва ҳатто ўлимга ҳам ҳукм қилишади.

Баъзида кимдир ишини, оиласини, дўстларини ёки жамиятдаги ўрнини йўқотади.

Барча вазиятларда бизлар Исодек йўл тутишимиз керак. Исони михлашаётганда, У Уни ўлдираётганлар учун ибодат қилиб деди: “Ота уларни кечир, чунки улар нима қилаётганини билишмайди.”

Матто 5:43–45 “**Яна: “Қариндошингни севгин, душманингдан нафратлан”, - деб айтилганини эшитгансизлар. Лекин Мен сизга айтаман: душманларингни севинглар. (Сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар. Сиздан нафратланганларга яхшилик қилинглар. Сизни исмингизга иснод келтирганлар учун), сизга жабр-зулм ўтказганлар учун ибодат қилинглар. Шунда сиз осмондаги Отангизнинг Ўғиллари бўласизлар, чунки У Ўз қуёшини ёвузлар устидан ҳам, яхшилар устида ҳам балқитади, ёмғирини ҳақлар устидан ҳам, фосихлар устидан ҳам ёғдиради”.**

Исо, Ўзининг хизматида кечириш ҳақида кўп таълим берган. У ҳатто ўлаётганида, Уни ўлдираётганларни кечирди.

Стефан – Биз Учун Намуна

➤ *Қувгин қилувчиларни кечиришда*

Стефан ўзининг ўлиmidан олдин уни ўлдираётганларни кечириши, бизлар учун, кечириш ҳақида яхши дарс бўлиши керак! Бизларни ҳали ўлимгача таъқиб қилишмаган. Демак, агар кимнидир кечиришни истамасак бизга ҳам кечирим йўқ.

Жамоат тарихида, кўп йиллар давомида Масихийлар азобли ўлим билан ўлишди. Исо шундай деган:

Юҳанно 15:13 **Ким ўз жонини дўстлари учун бағишласа, бундан ортик севги йўқ.**

➤ *Мард Бўлиши*

Кўпларимиз, ўзимизда Стефанда бўлган мардлик йўқ деб ўйлаймиз. Биринчидан бизлар, Стефан Худонинг ҳақиқий хизматкори бўлганини унутмаслигимиз керак. У Муқаддас Рухга, доноликка тўлгани ва яхши номли инсон бўлгани сабабли, етти та диаконлардан бири этиб танланди. Унинг ҳаётида яширин гуноҳ йўқ эди.

Худо унга синов вақтларида асосий инъомларни берди. У ҳатто ўлими қаршисида турганида, Худо унга Ўзининг шарафини кўрсатди. Худо унга Исони кўриш бахтини берди.

➤ *Худо Куч Берди*

Худо Стефанга, у қувгинларни, ўлимни жасурлик билан қарши олиши учун куч ва сўзлар берди.

Биринчи имонлилар инсонларга эмас, балки Худога бўйсунуш кераклигини билишар эди. Улар Масихнинг тирилиши ва Исо исми билан қандай қилиб шифолаш мумкинлиги ҳақида таълим беришдан тўхтамас эдилар.

Агар имонлилар фақатгина ибодат қилиб, бир–бирлари билан бўлган суҳбатдан қониқиб, уларни ўраб турган одамлар олдига хушхабар билан бормаганларида эди, балким диний лидерларнинг эътиборини тортмас эдилар. Лекин улар топшириққа эга эдилар. Худо уларни, улар орқали Исо Масихнинг нажот сўзи бутун дунёга тарқалиши учун танлаган эди.

► *Хушхабар Баҳсларни Олиб Келди*

Бу нарса бугун ҳам ҳақиқатдир. Аслида бизнинг йиғилишимизга, бирга ибодат қилишимизга, Худога сажда қилиб, бир–биримиз билан суҳбат қилишимизга дунёнинг умуман иши йўқ. Бироқ, бизлар Исо ўргатган нарсаларни қилишни бошлаганимизда баҳслар бошланади. Буни билган ҳолда, бизлар сўзлаганимизда баҳс кўтарилмаслигига ҳаракат қилишимиз керак. Лекин агар, баҳслар барибир бошланса, Исо Масиҳнинг Хушхабарига йўл очилади. Бизлар ҳеч қачон, уларга ўзимизнинг ҳақлигимизни кўрсатишимиз мумкин бўлган восита деб қарамаслигимиз керак. Масиҳнинг гувоҳи бўлишнинг бизнинг худбинлигимиз билан ҳеч қандай алоқаси йўқ..

Исо Исми Қувғинлар Олиб Келади

Исонинг шогирдлари Унинг исмини ва Уни тирилтирган кучни эълон қилганлари учун қувғинларга дуч келишди. Бироқ, Петъор Муқаддас Рухга тўлгани учун, уларнинг саволларига жасурларча жавоб берди.

Петъор ва Юҳанно кўрқитилган, муштланган бўлсалар ҳам чекинишмади ва Исо исми ҳақида, Унинг тирилтириш кучи ҳақида эълон қилишдан тўхташмади.

Петъор ва Юҳанно – Намунадир

► *Кўрқманглар*

Улар кўрқишдан воз кечишди.

Диний лидерлар уларнинг жасурлигини кўриб, ҳайрон қолишди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:13 Рухонийлар Петъор ва Юҳаннонинг жасоратини кўриб ва улар ўқимаган, оддийгина одамлар эканлигини билиб, жуда ҳайрон қолдилар. Уларнинг Исо билан бирга бўлганликларини пайқаб олдилар.

► *Мўъжиза Яратувчи Кучда Ҳаракат Қилинг*

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:16,17 “Бу одамларни нима қилишимиз керак? Уларнинг кўли билан очикдан-очик бир мўъжиза қилганларини бутун Иерусалим билиб олди-ку! Бизлар буни рад қила олмаймиз. Лекин халқ орасида бу гап янада кўпроқ ёйилмаслиги учун уларга дўқ урамиз, яна тагин бу исм тўғрисида бошқа ҳеч кимга сўзламасинлар”, - дейишди.

Мўъжиза Кутинг

Уларни қамаб, зиндонга ташлашди. Лекин Раббийнинг фариштаси уларни у ердан чиқарди ва уларга маъбадга бориб, халққа яна воизлик қилишларини буюрди.

Петъор ва Юҳанно зиндондан чиққанларидан сўнг, бехатар жойга қочиб кетмадилар, балки маъбадга бориб, олдин таълим берган нарсаларни айтишни давом эттирдилар.

Уларни яна кенгашга олиб бориб, дўқ–пўписа қилдилар ва уларни уриб, Исо исмини бошқа ишлатманглар деб огоҳлантирганларидан сўнг, қўйиб юбордилар.

➤ *Қарши Сўзлашдан Воз Кечишиди*

Улар қарши сўзлар ишлатишмади.

Ҳаворийларнинг фаолияти 5:40-42 Кенгаш аъзолари Гамалилнинг маслаҳатига кўнишди. Ҳаворийларни чақириб, уларни калтаклашга буюришди.

➤ *Қувонишиди*

41,42 Ҳаворийлар эса, Раббимиз Исо исми учун ҳақоратга сазовор бўлдик, деб қувониб, Кенгашдан чиқиб кетишди. Улар ҳар куни маъбадда ва хонадонларда таълим бериш, Исо Масих ҳақидаги Хушxabарни ёйишдан тинмас эдилар.

Бизлар оғир қувғинлардан ўтганимизда ҳам Худога итоат қилишимиз керак.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:3,4 Шоул имонлилар жамоатини таълон-тарож қилар эди. Уйма-уй юриб, эркакми, хотинми, хаммасини судраб қамоқхонага берар эди. Шу орада тарқалиб кетганлар Инжил Хушxabарини тарғиб қилиб юришди.

➤ *Оёқларининг Чангини Қоқишиди*

Ҳаворийларнинг фаолияти 13:49-52 Шу тариқа Раббимизнинг Сўзи бутун мамлакат бўйлаб ёйилиб борар эди. Бироқ яҳудийлар художуй ва эътиборли аёллар ва шунингдек, шаҳарнинг нуфузли одамларини Повул ва Барнабога қарши қўзғатиб, уларни ўз юртларидан қувиб чиқаришдилар. Шунда Повул ва Барнабо оёқ чангларини уларга силтаб қоқиб, Икония шаҳрига кетишди. Шогирдлар бўлса, севинч ва Муқаддас Рухга тўлиб-тошиб борардилар.

➤ *Рад Этилишдан Озод Эдилар*

Нима сабабдан Исо ҳаворийларга, уларни ва уларнинг таълимотини рад этишганда оёқларидан чангни қоқишларини айтган?

Шогирдлар бунақа рад этилишлар бўлса ҳам, ҳеч ҳам тушкунликка тушмасдан, бошқа шаҳарларга бориб воизлик қилишлари шарт эди. Бизлар ҳам худи шундай одамларни кечириб, бундай вазиятлардан чиқиб кетишимиз керак.

САВОЛЛАР

1. Нима учун Стефанни қувғин қилдилар? У қандай “хато” қилди?
2. Қувғиннинг икки сабабини айтинг. Қувғин вақтида сиз ўзингизни қандай тутар эдингиз?
3. Қувғин қандай натижа билан тугади? Мисол келтиринг.

10 Дарс

Хушхабарчи – Филипп

ФИЛИППНИНГ ХИЗМАТИ

Худо учун кўп нарса қилишни ва Унинг хизматида яна ҳам ҳосилдор бўлишни истаган киши учун, Филиппнинг ҳаёти намуна бўлиши керак.

Биринчидан, Филипп Муқаддас Рухга ва имонга тўлган эди, кейин эса диаконлик хизматига қўйилган эди ва охири хушхабарчи бўлди. Филиппнинг хизматдан хизматга ўтиш жараёни ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

Худо инсон юрагининг истагини билади. Биз Исога ўхшашни истасак ва шунга ўхшаш истакларга эга бўлсак, Худо истакларимизни амалга оширади.

Диакон

Ҳаворийлар 6:1–7

Ҳаворийларнинг фаолияти 6:5а Бу таклиф бутун жамоатга маъқул тушди. Имони комил ва Муқаддас Рухга тўлган Стефан исмли одамни, шунингдек, Филипп ... сайладилар.

Филипп ҳам Стефандек, Муқаддас Рухга ва доноликка тўлган бўлиб, яхши номга эга эди.

Хушхабарчи

Филипп ҳақида ёзилган охириги эслатмаларда, уни хушхабарчи эканлиги ҳақида айтилган. У Худога диакон сифатида содиқ хизмат қилгани учун, беш томонлама хизматга хушхабарчи сифатида даъват этилган эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 21:8 Эртаси куни Повулга эргашаётган бизлар йўлга тушиб Кесарияга келдик. Етти вазифадорнинг бири бўлган Инжил воизи Филиппнинг уйига кириб, униқига қолдик.

Стефаннинг азобли ўлиmidан сўнг, яхудий диний лидерлар масихийларни жиддий таъқиб қилишни бошлашди ва улар дунёнинг танилган жойлари бўйлаб тарқалиб кетишди. Бу миссионерлик хизматининг биринчи марта бошланиши эди. Иерусалимдан чиқиб кетган имонлилар бориб, Исо исмини ва Унинг тирилтириш кучини воизлик қилишарди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:4 Шу орада тарқалиб кетганлар инжил Хушхабарини тарғиб қилиб юришди.

ХИЗМАТНИНГ ХИЛМА–ХИЛЛИГИ

Филиппнинг хизмати– Рух билан тўлган ҳаётда, хилма–хил хизматнинг намунасидир.

Исо имонлиларга аввал Иерусалимга, кейин эса Самарияга, бундан сўнг эса дунёнинг четларигача боришни ўргатарди. Филипп Топширикнинг иккинчи қисмига итоат қилган биринчи киши эди. У Самарияга бориб, Исо ҳақида айтиб берди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:4-8 Шу орада тарқалиб кетганлар инжил Хушхабарини тарғиб қилиб юришди. Филипп Самария шахрига келиб, унинг аҳлига Масихни тарғиб қилди. Филиппнинг сўзини тинглашиб ва қилаётган мўъжизаларини кўриб, бутун халқ унга кулоқ солди. Чунки ёмон руҳларга гирифтор бўлган кўп кишилардан руҳлар баланд овоз билан бақириб чиқар, анчагина шол чўлоқлар эса шифо топарди. Шундай қилиб, у шаҳарга катта хурсандчилик келди.

➤ *Мўъжизалар*

Унинг хизмати аломатлар ва мўъжизалар билан тўлгани учун, одамлар куч билан тўлган воизни эшитиш учун келишарди.

- Ожизлар шифо топарди
- Чўлоқлар юрарди
- Нопок руҳлар бақириб чиқишарди
- Одамлар кўра оладиган ва эшита оладиган мўъжизалар содир бўларди
- Улар унинг сўзларига кулоқ солишарди
- Шаҳарда катта қувонч

➤ *Хушхабар Айтиши*

Мўъжизалар ва аломатлар оломоннинг эътиборини тортарди. Лекин Филиппнинг айтган хушхабари Худо шоҳлиги ва Исо исми ҳақида эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:12 Лекин Худонинг Шоҳлиги ва Исо Масих тўғрисидаги Хушхабарни келтирган Филиппни тинглашиб, кўп эркак ва хотин унинг сўзига ишонди ва сувга чўмиб имон келтирди.

➤ *Натижалар*

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:14 -17 Иерусалимда қолган ҳаворийлар эса, самарияликлар ҳам Худонинг Сўзини қабул қилибди, деб эшитганларида, Петъор билан Юҳаннони уларнинг олдига юборишди. Петъор билан Юҳанно у ерга келгач, самариялик имонлилар Муқаддас Рухни қабул қилиши учун ибодат қилишди. Чунки уларнинг бирортасида ҳам Муқаддас Рух тушмаган эди. Улар Исони Раббимиз деб тан олиб, сувда имон келтиришган эди холос. Ҳаворийлар уларни бошига қўл қўйиши биланоқ улар Муқаддас Рухни қабул қилишди.

Эътибор беринг, Филипп: “ Мен диаконман, мен овқат тарқатишим керак ва Худо мени воизлик қилишга даъват этмаган ” деб айтмаган.

Аломатлар Хушхабар воизлиги учун йўл очиб берди ва кўпларни нажотга олиб келди.

Худонинг хушхабар режаси ўзгармаган. Ҳар бир имонли Исонинг ишларини қилиб, аломатлар билан мўъжизалар яратиши ва Худо Шохлигининг хушхабарини воизлик қилиши керак.

ИТОАТКОРЛИК НАМУНАСИ

Ҳаворийлар 8:26-40

Филиппга фаришта зоҳир бўлиб, унга жанубга бор деб айтди. Филипп мўъжизалар билан яшар эди. Филипп, қилиши керак бўлган ишларнинг режаси унда пайдо бўлишини кутиб ўтирмади. Фаришта унга зоҳир бўлиб, жанубга бор деб айтди ва Филипп итоат қилиб борди. Фаришта унга, белгиланган жойга етиб борганидан сўнг нима қилиши кераклигини айтмади.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:26 Шу пайтга Филиппга Худованднинг фариштаси гапириб: “Ўрнингдан тур ва жануб томон, Иерусалимдан Газага борадиган сахро йўлига бор!” – деди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:27,28 Филипп эса йўлга равона бўлди. Ўша пайтда Ҳабашистон маликаси Кандакининг вазири, маликанинг бутун хазиналари мудури бўлган ҳабашистонлик бир амалдор ўз ватанига қайтиб кетаётган эди. У Худога топиниш учун Иерусалимга бориб келган, аравасида Ишаъё пайғамбарнинг китобини ўқиб ўтирар эди.

Худо бизларни бирор жойга нима учун юбораётганини тушунмасак ҳам, Унга итоат қилишимиз керак. Бизлар бу воқеадан, Худо белгилаган вақт ҳам муҳим эканини кўрамиз. Агар Филипп озгина ортга сурса эди, имкониятни чиқариб юбориши мумкин эди.

Амалдорга Хизмат Қилди

От - аравада амалдор ўтиб кетаётганида, Рух Филиппга: “ана шу арава олдига бор,”- деди. Филипп содир бўлиши керак бўлган воқеанинг манзарасини кўрди деб, ҳеч қаерда ёзилмаган. Унга фақат нима қилиши кераклиги ҳақида айтилган эди ва у итоат қилди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:29 Муқаддас Рух Филиппга: “Яқинлашиб бу аравага ҳамроҳ бўлгин!” – деди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:30 Филипп ҳабашининг олдига чошиб борди. Унинг Ишаъё пайғамбарнинг китобини ўқиб турганини эшитиб: “Ўқиётганингни тушуняпсанми?”, - деб сўради.

Филипп, амалдорни Ишаия пайғамбарнинг китобини ўқиётганини кўрганидан сўнг, нима қилиши кераклигини билди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:35 Филипп эса ўша оятдан бошлаб, Исо ҳақида Хушхабарни унга баён қилди.

Сувга Чўмиш Жуда Муҳим

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:36-38 Йўлга давом этиб кетаётганларида, сув бор бир жойга келдилар. Амалдор: ”Мана, сув!

Мени чўмиб имон келтиришимга нима тўсқинлик қилади?-деди. Филипп унга: ”Агар бутун қалбинг билан ишонсанг бўлади, - деди”. Амалдор:

“Исо Масих – Худонинг Ўғли деб ишонаман”, - деди. Ўшанда аравани тўхтатишни буюриб, Филипп билан амалдор иккаласи ҳам сувга тушишди, Филипп амалдорни сувга чўмдириб имонга киритди.

Сувга чўмиш - бу бизнинг Масихга ўлимига, кўмилишига ва тирилишига бирлашишимизнинг гувоҳлигидир. Бу эски табиатимизнинг ўлиши ва “янги ижоднинг” тирилишидир.

Галатияликларга 2:19,20 Энди эса Худо учун яшай, деб мен Қонун орқали Қонун учун ўлдим. Мен Масих билан бирга хочга михланганман. Шунинг учун яшаётган мен эмас, балки менинг ичимдаги Масих яшайпти. Энди танада яшаётганимга келсак, мени севган ва мен учун Ўзини фидо қилган, Худонинг Ўғлига бўлган имон билан яшайман.

Филиппни Олиб Кетди

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:39 Улар сувдан чикқач, Муқаддас Рух амалдорнинг устига тушиб келди ва Худованднинг фариштаси Филиппни кўтариб кетди. Амалдор бошқа уни кўрмади-ю, қувониб ўз йўлида давом этди.

Филипп, Эфиопиялик амалдор билан бирга эди ва у ердан ғойиб бўлиб, бирданига Азотда пайдо бўлиб қолди. У олдин бўлган жойига қайтиб борди ва Хушхабарни воизлик қилишда давом этди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:40 Филипп Ашдун шаҳрида пайдо бўлди ва Кесарияга келгунча йўл юриб, ҳамма шаҳарларда Хушхабарни тарғиб қилди.

ЯНГИ АҲД ХИЗМАТИНИНГ НАМУНАСИ

Хизмат

Филипп Янги Аҳд хизматини амалга оширишни истаган ҳар бир имонли учун намунадир. Аввал, у хизматчи сифатида бошликларга бўйсунди. Диакон бўлиш – хизматчи бўлиш деганидир. Филипп, Исонинг бошқаларга хизмат қилиш ҳақидаги таълимоти билан тўлган эди.

Юҳанно 13:14-16 Шундай қилиб, агар Мен Раббингиз ва Устозингиз бўла туриб оёқларингизни ювган бўлсам, сизлар ҳам бир-бирингизнинг оёқларингизни ювишингиз қарзидир. Мен сизларга нима қилган бўлсам, сизлар ўшани қилишингиз керак. Мен сизларга ўрнак кўрсатдим. Сизларга ростини айтайин: “Қул ўзининг хўжайинидан юқорида турмас, элчи ҳам уни юборгандан улуг бўлмас”.

Аломатлар ва Мўъжизалар

Бизлар хизматни аломатлар ва мўъжизалар билан олиб боришимиз керак.

Ҳаворийлар 8:6-8 Филиппнинг сўзини тинглашиб ва қилаётган мўъжизаларини кўришиб, бутун халқ унга қулоқ солди. Чунки ёмон руҳларга гирифтор бўлган кўп кишилардан руҳлар баланд овоз билан

бакириб чиқар, анчагина шолу чўлоқлар эса шифо топарди. Шундай қилиб, у шаҳарга катта қувонч келди.

Бизлар қийналганларга хизмат қилишимиз керак.

Имонни Мустаҳкамлайди

Мўъжиза ва аломатлар, нажот келиши учун имонни ишга солади.

Янги имонлилар сувда чўмишаётганда, буни Исо Масих билан тўлик бирлашганларининг гувоҳлиги учун қилишлари керак.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:36 Йўлга давом этиб кетаётганларида, сув бор бир жойга келдилар. Амалдор: ”Мана, сув! Мени чўмиб имон келтиришимга нима тўсқинлик қилади?”-деди. Филипп унга: ”Агар бутун қалбинг билан ишонсанг бўлади, - деди”.

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:47 “Худди бизлар каби Муқаддас Рухни қабул қилган бу одамларнинг сувга чўмиб имон келтиришига ким мене бўла олар экан?” – деди.

Муқаддас Рухга Чўмиш

Барча имонлилар Муқаддас Рухга ҳам чўмишлари жуда муҳимдир. Чунки, ушбу янги куч билан улар, Исо Масихнинг мўъжиза яратувчи гувоҳлари бўлишади.

Гуруҳли Хизмат

Ҳаворийлар, Самарияликлар Исони қабул қилишганини эшитишганда ёрдамга келишди. Филипп гуруҳ хизмати кераклигини тан олди. У Самарияда, жамоат пойдевори ҳаворийлар хизмати воситасида ўрнатилиши кераклигини англади. У ёлғиз ўзи ишламас эди, ўз жамотининг оқсоқолларига итоат қилар эди ва хизматнинг бешта инъомларида ҳаракат қиладиган, бошқа одамлар билан бирга хизматлар олиб борар эди.

20 ЙИЛДАН СЎНГ

Филипп ҳақида яна бир марта, йигирма йил ўтгандан сўнг айтиб ўтилган. Повул сафар қилган вақтда, хушхабарчи Филиппнинг уйида тўхтаган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 21:8,9 Эртаси куни Повулга эргашаётган бизлар йўлга тушиб Кесарияга келдик. Етти вазифадорнинг бири бўлган Инжил воизи Филиппнинг уйига кириб, униқанда қолдик. Уни башорат қиладиган тўрт нафар бокира қизи бор эди.

Хулоса

Филипп тинчликпарвар эди. Бундан сўнг, у диакон бўлди, кейин эса хушхабарчи бўлди.

Филипп Худоба бўйсунганда содиқ эди. Аввал у оддий диаконларнинг ишини қилар эди, кейин эса мўъжизага тўлган хушхабар билан хизмат қилишни бошлади. У фариштанинг сўзига бўйсуниб йўлга чиққан эди ва Муқаддас Рухнинг кейинги сўзини кутарди. Филипп амалдорни товба қилдирди ва уни сувда чўмдиргандан сўнг, ўзи ғайритабиий тарзда олиниб бошқа жойга кўчирилди.

У йигирма йилдан кейин ҳам хушхабарчилик хизматини олиб борар эди. Ўзининг тўртга қизи билан Кесарияда хизмат қилар эди. Филипп Худога ҳали ҳам содиқ эди.

САВОЛЛАР

1. Филиппнинг биринчи хизмати қандай хизмат эди?
2. Филипп нима қилгани учун диаконлик хизматидан хушхабарчилик хизматига кўтарилди?
3. Филипп бугун, биз хизматда ўз ўрнимизни излаётганлар учун қандай намуна бўла олади?

11 Дарс

Шоулнинг Худога келиши

ПОВУЛНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Янги Аҳднинг китоблари, бизга Повул ҳаётини кенг ёритиб берган. У яҳудий эди. Повул Рим фуқароси эди ва юнонча Тарс шахрида улғайган эди. У Қадимги Аҳд бўйича тарбияланган ва ўқитилган эди. Шунинг учун у фарзӣ эди. Шу ҳам маълумки, у юнон маданиятини ва рим донолигини билган. У юнон, лотин тилларида гапиришни билган ва ўқимишли киши бўлган.

У масиҳий бўлишидан олдин ҳам кўп марта сафар қилган. Шоул-яҳудийча исм, шу исмни рим тилида Повул деб ҳам аташади. Ёзувда у товбасидан олдин Шоул деб, товбасидан кейин эса Повул деб аталган.

Повул ўзининг аждодининг шажараси билан, Худонинг даъватига, яъни маъжусийлар учун ҳаворий бўлишга жуда мос келар эди. Пастдаги оятларда, Повулнинг ҳаётига тегишли бўлган баъзи нарсалар кўрсатилган.

Тарслик Яҳудий

Ҳаворийларнинг фаолияти 21:39 Повул унга жавобан: “Мен Киликиянинг унчалик аҳамиятсиз бўлмаган Тарс шахрида туғилган бир яҳудийман. Сендан илтимос қиламан, халққа гапириш учун менга ижозат бергин”, - деди.

Рим Фуқароси

Ҳаворийларнинг фаолияти 22:28 “Минг боши мен фуқароликка пул билан эга бўлганман”, - деди. Повул: “Мен ҳатто бу фуқароликда туғилганман”, - деб жавоб берди.

Урф-Одатларни бажаришда Муваффақиятли эди

Галатияликларга 1:14 Ўз наслимдаги тенгдошларимга қараганда, мен яҳудияликда муваффақият қозониб, оталаримни урф-одатларига ҳаддан зиёт рашкчи эдим.

Яҳудийларнинг Яҳудийси

Филиппликларга 3:4,5 Зеро биз руҳ билан хизмат қилаётган, Исо Масиҳ билан мақтанаётган, танавий фазилатларимизга таянмаётган асл хатнадирмиз. Бироқ мен танавий фазилатларимга ҳам таянишим мумкин. Агар бошқа кимдир танавий фазилатларига таянса, унда мен ундан ҳам кўпроқ таянишим мумкин. Мен саккиз кунлигимда хатна қилинганман. Исроил насридан, Бенямин қабиласидан Ибронийлардан туғилган Ибронийман. Мен Қонун бўйича фарзӣман.

Фарзӣ

Ҳаворийларнинг фаолияти 23:6 Улар бир қисми ва бошқа қисми фарзӣ масхабларидан бўлганини Повул билгач, Кенгашга баланд овоз билан хитоб қилиб: “Биродарлар! Мен фарзӣман, ҳам

фарзийнинг ўглиман. Мен ўликларнинг тирилишига қаттиқ эътиқод қилганим учун мени тергаяптилар”, - деди.

ШОУЛ ЖАМОАТНИ ҚУВҒИН ҚИЛАДИ

Ҳаворийлар 7:57-8:3

Шоул Ҳақида Биринчи Эслатма

Шоул ҳақида, илк эслатма Стефанни қувғин қилишган вақтда берилган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 7:57,58 Улар бўлса қулоқларини беркитиб, овозларини борича қичқириб, ҳаммалари Стефан устига ёпирилдилар. Унинг шаҳардан ташқарига судраб чиқиб, тошбўрон қилишди. Унга қарши гувоҳликка ўтганлар эса кийимларини Шоул деган бир йигитнинг пойига кўйишди.

Повулнинг ўзи ҳам масихийларни таъқиб қилгани, эркак ва аёлларни боғлаб зиндонларга ташлагани ҳақида айтган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 22:4,5 Ҳатто бу Исо йўлининг избосарларини – эркакми, аёлми демасдан ҳаммасини боғлаб зиндонга топширар, ўласи қилиб қуварди. Ана, олий руҳоний билан оқсоқолларнинг ҳаммаси менинг гувоҳларимдир. Мен улардан Дамашқдаги яҳудий биродарларга ёзилган мактублар олиб, у ерда яшаган Исонинг имонлиларини жазолаш учун Иерусалимга кишанлаб келтирмоқ ниятида йўлга тушган эдим.

Исо Исмига Қарши Эди

Ҳаворийларнинг фаолияти 26:9-11 Тўғриси, ўзим ҳам носиралик Исо исмига қарши кўп хилофона амални қилиш керак, деб ўйлар эдим. Мен буни Иерусалимда қилдим ҳам. Олий руҳонийлардан ижозат олиб, кўп азизу муқаддас кишиларни зиндонга ташлаб, уларни ўлдираётганларида мен буни ёқлардим. Барча яҳудий ибодатхоналарида уларни кўп марталаб жазога тортиб, Исони ҳақоратлашга мажбур қилардим. Уларга нисбатан ҳаддан ташқари дарғазаб бўлиб, ҳатто бегона шаҳарларда қувғин қилардим.

Шоул олийруҳонийдан ҳокимият олиб, Иерусалимдаги кўп имонлиларни зиндонбанд қилди. У барча масихийлар қўлга олинганига ишонч ҳосил қилиш учун, бир шаҳардан бошқа шаҳарга борар эди. У масихийларни, Исо исмини ҳақоратлашга қийноқлар билан мажбурлар эди ва ҳатто бегона шаҳарларга ҳам бориб уларни таъқиб қилар эди. У барча масихийларни қувғин қилиш ғоясига қул бўлиб қолган эди.

Жамоатни Барбод Қилмоқчи Эди

Галатияликларга 1:13,14 Мени яҳудийликда бўлган илгариги ҳаёт тарзим ҳақида эшитгансизлар: “Худонинг Жамоатини ҳаддан ташқари қувғин қилиб, уни вайрон қилар эдим”. Ўз наслимдаги тенгдошларимга қараганда, мен яҳудийликда муваффақият қозониб, оталаримни урф-одатларига ҳаддан зиёт рашкчи эдим.

Шоул шу ишлар билан Худога хизмат қиляпман деб ўйлаган эди. У яҳудий динининг энг катта рашкчиси эди.

ШОУЛ ИСОНИ УЧРАТДИ

Ҳаворийлар 9

Худо Шоулнинг душманлик қилишига қарамасдан, унинг ҳаёти учун ажойиб режага эга эди. Худо унинг юрагини, адашиб уринаётганини билар эди ва ғайритабиий тарзда Ўзини Шоулга очди.

Самодан Овоз ва Нур Келди

Шоул масихийларни тутиш учун Дамашққа бориш йўлидан кетаётган эди. Бирданига уни самодан нур қоплади ва у ерга йиқилди. Исо Шоулга гапирди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 9:3-9 Йўли Дамашққа яқинлашганида, тўсатдан осмондан тушган нур унинг атрофини ярқиратиб юборди. У ерга йиқилган заҳоти: “Шоул, Шоул! Нега Мени қувғил қиляяпсан?” – деган овозини эшитди. Шоул: “Ё Раббий, Сен кимсан?” – деди. “Мен сен қувғин қилаётган Исоман. Нишга қарши тепишинг қийин”, - деди У. Шоул ваҳималаниб, титроқ билан: “Ё Раббий, нима қилишни буюрасан?” – деди. Исо унга: “Қани, ўрнингдан туриб шаҳарга кир, унда нима қилишинг кераклиги сенга айтилади”, - деди. Шоулнинг ҳамроҳлари овозни эшитиб, лекин ҳеч кимни кўрмасдан, қотиб қолгандилар. Шоул ердан туриб кўзларини очганда ҳеч нарса кўринмас эди. Уни қўлидан тутиб, Дамашқ шаҳрига келтирдилар. Уч кунгача кўзлари кўрмай қолди, на еди ва на ичди.

Исо Шоулдан нима сабабдан Мени қувяпсан деб сўради. Имонлини таъқиб қилиш, Исонинг ўзини таъқиб қилишдир. Шоул билан Исонинг учрашуви шунчалик катта кучга ва таъсирга эга эдики, Шоул ҳатто уч кун рўза тутди.

Ҳанания Ваҳий Кўрди

Ҳанания Худонинг ҳаққоний мард кишиси бўлган. Худо Ҳананияга топшириқ берганида, нима бўлишидан қатъий назар, Унга итоат қилишини билар эди. Шоулнинг исмини ҳар бир масихий билар эди. Имонлилар, Шоулни Дамашқдаги масихийларни тутиб, зиндонбанд қилиш учун бораётганини билишар эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 9:10-16 Дамашқ шаҳрида Ҳанания деган Исонинг шогирди бор эди. Раббимиз Исо ваҳийда унга кўришиб: “Эй Ҳанания!” – деди. “Лаббай, Раббим!” – деди у. Раб унга деди: “Ўрнингдан тур ва Тўғри деган кўчага бориб, Яхудонинг уйидаги Тарс шаҳарлик Шоул исмли одамни сўрагин. Шу маҳалда у ибодат қиляпти, ваҳийда Ҳанания исмли одам унинг ёнига келганини ва кўзлари очилиши учун қўлларини унинг бошига қўйганини кўрди. Ҳанания жавоб берди: “Ё Раббий, бу одам Иерусалимда сенинг азизларингга қанча ёмонлик қилгани ҳақида кўп одамлардан эшитдим. Бу ерда ҳам исмингни айтганларнинг ҳаммасини тутқинга солиш учун олий руҳонийлардан ижозат олибди-ку”, - деди. Раббимиз Исо унга шундай деди: “Сен боравер, мана бу одам Менинг исмимни турли халқлар, подшоҳлар ва Исроил ўғиллари олдида улуғлаш учун

танлаган қуролимдир. Менинг исмим учун у қанчалар азоб чекиши керак эканини Ўзим унга кўрсатаман”.

Шоул – Танланган Идиш Бўлди

Ҳанания Худонинг овозини билар эди. У бирданига: “Раббий, мана мен”, - деди. У Худонинг сўзларини охиригача эшитиб бўлиб, Унга Шоулни қандай даҳшатли эканини эслатди. Худо содиқ эди. Худо Ҳананияни, Шоулнинг олдига бориб хизмат қилишга тайёрлаш учун, билим ва донолик сўзи орқали бир неча далиллар келтирди.

Худо унга куйидагиларни очди:

- Уй ва уйнинг хўжайинини
- Кўчанинг исмини
- Одамнинг исмини
- У одам қаердан эканини
- Унинг нима қилишини
- Унинг нима кўрганини
- Нима содир бўлишини

Худо кейин Ҳананияга, Шоул Худо Шоҳлиги учун нималар қилиши кераклигини ва азоб ҳам чекиши кераклигини айтди. Шоул Исони ва Унинг издошларини таъқиб қилгандек, ўзи ҳам Исо исми учун қувғинда бўлиши керак эди.

Ҳанания Итоат Қилди

Ҳаворийларнинг фаолияти 9:17-19 Ҳанания бориб ўша уйга кирди. Шоулнинг бошига қўлларини қўйиб: “Биродарим Шоул! Келаётган йўлингга сенга кўринган Раббимиз Исо, кўзларинг яна кўриши ва Муқаддас Рухга тўлишинг учун мени юборди”, - деди. Ўша заҳоти Шоулнинг кўзларидан парда тушгандай бўлиб, кўра бошлади. Ўрнидан турибоқ сувга чўмиб имон келтирди. Сўнг овқат еб, қувватга кирди. Шоул бир неча кун Дамашқдаги Исо шогирдлари билан бирга бўлди.

Шоулни имонсизлик ва диний одатлар ўша заҳотиёқ тарк этди. У Исо Масих билан бирлашганининг гувоҳлиги сифатида итоат қилиб, ўша заҳотиёқ сувда чўмди.

Худога Келиш Нима?

Шоулнинг Худога келиши – нотўғри йўлдан умуман қайтишнинг ажойиб намунасидир.

- Худога келиш – бу тўлиқ ўзгариш, яъни бир йўналишдан кетаётганда бирдан тўхтаб, ўгирилиб умуман қарама-қарши томонга қараб кетишдир.

Повул зулматдан нурга ўтди. У яшаш тарзини тўлиқ ўзгартирди ва Исо Масихда янги ижод бўлди.

Повул Масихнинг кучли гувоҳи бўлди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 9:19-22 Шоул бир неча кун Дамашқдаги Исо шогирдлари билан бирга бўлди. У дарҳол Исо Худонинг Ўғли экани ҳақида яҳудий ибодатхоналарида тарғиб қила бошлади. Эшитганлар эса хайратда қолиб: “Иерусалимда бу исмни айтганларни кириб ташлаган, кишанлаб олий рухонийларга олиб бориш учун бу ерга келган унинг ўзи эмасми?” – деб айтишарди. Шоул эса тобора нофузини ошириб борарди. Исонинг Масиҳлигига доир ишонарли далилларни олға суриб, Дамашқда турган яҳудийларни довдиратиб қўярди.

Повулни Қувғин Қилишлари

Бирданига Повулга қарши қувғинлар бошланди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 9:23-25 Орадан неча кунлар ўтиб, ниҳоят яҳудийлар сўз бириктириб, Шоулни ўлдиришга қарор қилишди. Уни ўлдириш учун кечаю кундуз шаҳар дарвозалари олдида пойлаб туришар эди. Лекин уларнинг қасди Шоулга аён бўлди. Кечаси шогирдлар уни саватга солиб, девордан тушириб юборишди.

Повулнинг хизмати ўсарди

Тайёргарлик Вақти

Повул Дамашқда тавба қилди ва уч йилдан сўнг Иерусалимга борди. Шу вақтлар давомида, Повулга ваҳийлар келди ва у шу ваҳийларни воизлик қилар эди. Ушбу ҳақиқатни унга, Худонинг Ўзи тўғридан-тўғри очди.

Галатияликларга 1:11,12,15-19 Биродарлар, сизларга билдираяпманки, мен сизларга воизлик қилган Хушхабар инсондан эмасдир. Чунки мен ҳам уни инсондан қабул қилганим ёки ўрганганим йўқ, балки Исо Масиҳнинг ваҳийи орқали олганман. Лекин Худо мени онамнинг қорнидаёқ танлаб, ўз инояти билан мени даъват этиб, мажусийлар орасида Унинг Хушхабарини воизлик қилишим учун Ўз Ўғлини менга зоҳир қилишни маъқул кўрганида, мен шу заҳотиёқ тана-ю қон билан маслаҳатлашмадим. Ва Иерусалимда мендан олдин ҳаворий бўлганларни ҳам олдига бормадим – лекин Арабистонга кетиб, яна Дамашққа қайтим. Сўнгра уч йилдан кейин Петъор билан учрашиш учун Иерусалимга бордим ва уникида ўн беш кун бўлдим. Аммо Раббийнинг укаси Ёқубдан бошқа ҳаворийларнинг ҳеч бирини кўрмадим.

Повулга - Жамоат ҳақидаги ваҳийлар унинг сукунатли йилларида берилган эди. Повул кутарди, ўқирди ва Худога содиқ эди.

Ҳаворий Повул Янги Аҳддаги ўн учта китобни ёзиши керак эди. У Худога келганидан сўнг, Исо Масиҳнинг ваҳийлари орқали таълим олиб, ҳақиқатларни билди.

Баъзида Худо, бизларни сукут жараёнига олиб киради. Бизлар ҳам шу вақтда содиқ қолиб, Унинг овозини эшитишимиз керак.

Сано 31:8 “Мен сенга ақл ўргатарман, юрар йўлингни кўрсатарман. Кўзим сенинг устингда бўлиб, сенга раҳнамолик қиларман”.

Бизлар Худонинг ишларига яхши тайёр бўлишимиз учун, У ҳаётимизда ишлашни истайди.

Иерусалимга Биринчи Сафар

Ҳаворийлар 9:26-30

Иерусалимдаги имонлилар Повулнинг имонга келганини эшитганида ишонишмади ва у билан учрашиш рад этишди.

Дамашқда, Худода Ҳанания бор эди - Иерусалимда эса Барнабо бор эди.

У бор мулкини сотиб, ҳаворийларнинг оёғи остига келтириб қўйган эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:36,37 Шулар каби Юсуф исмли, левитлар авлодига мансуб кипрлик бир киши бор эди. Ҳаворийлар унга Барнабо, яъни “Далда берувчи” деган ном беришган эди. У ўз ерини сотиб, пулини ҳаворийларнинг ихтиёрига топширди.

Янги Аҳдда Барнабо исми бир неча марта тилга олинган. Худо Повулни ҳаворийларнинг олдига олиб келиш учун, Барнабони ишлатди. Кейинроқ, Барнабо Повул билан бирга, бир неча миссионерлик сафарларида бўлди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 9:26-30 Шоул Иерусалим шахрига етиб боргач, у ердаги Исо шогирдларига қўшилиб, иноқлашишга уринди. Лекин унинг Исо шогирди бўлганига ҳеч ким ишонмай, ундан кўрқишарди. Ўшанда Барнабо Шоулни ҳаворийларнинг хузурига бошлаб келди ва унинг йўлда Исони қандай кўриб, Исо унга нима деб сўзлаганини, Дамашқда Исонинг исми билан довураклик билан ваъз айтганини уларга айтиб берди. Бундан кейин Шоул энди улар билан бирга юрадиган бўлиб, Иерусалимда Раббимиз Исонинг исмини кўрқмасдан тарғибот қилар эди. Юнон тилида сўзлашувчи яҳудийлар билан ҳам суҳбатлашиб баҳслашарди. Улар эса Шоулни ўлдириш пайига тушдилар. Имонли биродарлари буни эшитгач, Шоулни кесариягача кузатиб, Тарсга жунатишди.

Осуда Вақти

Повул Худога келганидан сўнг ва у уни ўлдирмоқчи бўлганлардан халос бўлганидан кейин Жамоат осудаликда эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 9:31 Шундай қилиб, Яҳудия, Жалила ва Самария юртлари бўйлаб имонлилар жамоати тинчликка эришди. Жамоат Худодан кўрқиб, тобора ривож топар, Муқаддас Рухдан жасурланиб, сон жихатдан кўпайиб борарди.

БУГУН БИЗ УЧУН НАМУНА

У Хизматни Жойлашган Жойидан Бошлади

Повулнинг ҳаёти бугун биз учун намунадир. У хизматни жойлашган жойидан бошлади ва Худонинг бошқарувига итоаткор эди. Повул бирданига воизлик қилишни бошлади. У Дамашқда бўлган вақтда, бу ҳақда ҳаммага билдирди. Бундан сўнг, Повул уч йил давомида Худодан шахсан таълим олди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:8 Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганида, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва хатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шохидларим бўласизлар.

Бизлар ҳам Худога хизматимизни жойлашган жойимиздан бошлашимиз ва Рухнинг сўзларига итоаткор бўлишимиз керак.

Иерусалимда гувоҳ бўлишдан бошлаш - сизнинг жойлашган ва яшайдиган жойингизда гувоҳ бўлишдан бошлашингиз кераклигини билдиради.

Ёриб Ўтиш Келди

Худо Повулнинг хизматига бошқалар орқали ёриб ўтиш олиб келди. Худо бу учун яна Барнабони ишлатди.

Қувғиндан сўнг тарқалган имонлиларнинг баъзилари Антиохияга кетишди ва у ердаги маъжусийлар ҳам нажот топа бошладилар. Иерусалимдаги ҳаворийлар бу ҳақда эшитиб, у ерга Барнабони юборишди. Барнабо янада кўпроқ юнонларни Худога олиб келди, кейин эса Повулни излагани борди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 11:25,26 Кейин Барнабо Шоулни ахтариб, Тарсга борди ва уни топиб, Антиохияга келтирди. Бир йил мобайнида улар имонлилар жамоатида тўпланиб, талай одамларга таълим беришди. Биринчи марта Антиохия шаҳрида Исо шогирдлари Масиҳий деган номни олдилар.

Худо Уни Йўналтирарди

Повул пайғамбар ҳам, ўқитувчи ҳам эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 13:1-3 Антиохия шаҳридаги имонлилар жамоатида баъзи бир пайғамбарлар ва муаллимлар, чунончи Барнабо, “қорача” лақабли Симун, кирениялик Люций, вилоят ҳокими Ҳирод билан бирга тарбияланган Маноҳим ва Шоул бор эдилар. Булар диний хизматни ўтаб, рўза тутиб, турган маҳалда, Муқаддас Рух гапириб: “Барнабо билан Шоулни Мен сайлаган иш учун Менга ажратиб беринглар!” – деди. Шу тариқа улар яна рўза тутиб ва ибодат қилиб бўлгач, Барнабо билан Шоулнинг бошига қўлларини қўйганча дуо ўқиб, уларни жўнатишди.

Худо Повулни ҳаворийлик хизматига танлаган эди. Антиохия жамоати рўза тутиб, ибодат қилгандан сўнг, Барнабо билан Повулга қўлларини қўйиб уларни хизматга жўнатдилар. Ҳаворийлар китобининг кейинги бобида уларни ҳаворийлар деб аташган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 14:14 Ҳаворийлар Барнабо ва Повул бунни эшитгач, кийимларини йиртганча, ўзларини халойиқ орасида ўзларини отиб...

Ҳаёт Тўлиқ Ўзгарди

Повул тўлиқ ўзгарди. У масиҳийларни қувишни тўхтатиб, ўзи ҳам имонли бўлди. У инсоний таълимотни қолдириб, Худо берган таълимотга келди. Ундан қўрқишарди ва ёмон кўришарди, энди эса Повул Масиҳ танасида лидер бўлди. Худо уни маъжусийларга хизмат қилиш учун танлади.

Унинг ҳаёти ҳар биримиз учун далда бўлиши мумкин. Бу одамларни руҳлантиради, чунки инсон нақадар гуноҳкор бўлмасин, Исода у учун кечирим бор.

1-Тимўтийга 1:15,16 Исо Масих гуноҳкорларга нажот бериш учун дунёга келди деган сўз тўғри ва тўлиқ қабул қилишга муносибдир. Гуноҳкорларнинг биринчиси эса Менман. Лекин шунинг учун ҳам Мен раҳм-шафқат топдим, токи Исо Масих биринчи навбатда менда Ўзининг узоқ сабр-тоқатини кўрсата олсин. Бу эса абадий ҳаётга эришишлари учун унга кейинчалик имон келтирганларга намуна бўлсин.

САВОЛЛАР

1. Ҳаворий Повулнинг илдизлари ҳақида ўз сўзларингиз билан айтиб беринг.
2. “Худога келиш” ҳақида изоҳ беринг.
3. Ушбу дарсда Повулнинг ҳаётини ўргандингиз. Унинг ҳаётидаги мисоллар, сизнинг ҳаётингизни қандай ўзгартириши мумкин?

12 Дарс

Повулнинг хизмати ва ўлими

КАТТА ҚУВҒИНЛАР БИЛАН

Повул Исо билан учрашганидан сўнг, тўлиқ ўзгарди. Унинг ҳаёти қувғинларга, синовларга, таъқибларга, курашларга ва ғалабаларга тўла эди.

Инсон Кўр Бўлди
Ҳаворийлар 13:4-12

Антиохия жамоати, Повул билан Барнабони қўл қўйиш орқали хизматга юборганларидан сўнг, улар Кипр оролига йўл олишди. У ердаги ҳоким Худонинг Сўзини эшитишни истади ва уларни олиб келиш учун одамлар юборди. Лекин унинг хизматкори, сеҳргар Елима уларга қаршилик қилди...

Ҳаворийларнинг фаолияти 13:8-12 Бироқ Барйешу (Бошқа оти билан Алимо, яъни “Сеҳргар”) уларга қаршилик кўрсатиб, ҳокимни имондан тойдиришга тиришар эди. Шунда Муқаддас Рухга тўлган Шоул, яъни Повул, унга кўзларини тикиб деди. “Эй Иблис ўғли! Юрагинг ҳар хил хийла ва айёрликка тўлгандир, ҳар қандай ҳақиқат душманисан! Худованднинг тўғри йўлларини чалкаштиришни бас қил! Ва энди Худованд сенга қарши қўл кўтарди. Сен кўр бўласан ва бир қанча вақт қуёшни кўрмайсан.” Шу заҳоти бу одамнинг кўзлари қоронғи-зимистонликка кўмилди. Энди у атрофни пайпаслаганича ўзига етакловчи излар эди. Ҳоким бу воқеани кўрди-да, Раббимиз Исо тўғрисидаги таълимотга қойил қолиб имон келтирди.

Повул ҳокимиятга эга эди. Ҳоким Исо Масихга ишонишни бошлаганида, Елимадаги ёвуз руҳлар уни тўхтатмоқчи эдилар, лекин Повул ҳокимиятни ишлатиб уларга имконият бермади.

Жойлардан Қувилдилар
Ҳаворийлар 13:14-52

Повул билан Барнабо Писидия Антиохиясига етиб келишганда, улардан синагогада, агар насихат сўзлари бўлса, таълим беришларини сўрашди. Албатта улар, Масихнинг келиб кетгани ҳақида сўз айтмоқчи эдилар.

Повул туриб Хушхабарни воизлик қилди. У Исроил халқининг Мисрдаги ҳаётидан бошлаб, Мусо, пайғамбарлар, Довуд, Яхё чўмдирувчи ҳақида ва Исонинг жазоланиши билан тирилишигача айтиб берди. Охирида у, уларга Исога ишониш орқали гуноҳлардан кечирилишлари мумкинлигини айтди.

Кейинги шанбада қарийб бутун шаҳар Худонинг Сўзини эшитиш учун тўпланди. Лекин яҳудийлар ҳасадга тўлишди. Фақат маъжусийлар сўзни эшитиб, қувондилар.

Яҳудийлар шаҳардаги обрўли аёл ва эркакларни, бошқарувчиларни ҳаворийлари таъқиб қилишга жалб қилиб, уларни ўз ерларидан қувиб

юборишди. Повул билан Барнабо кетаётганларида, оёқларининг чангини қоқиб кетишди.

**Повулни Тошбўрон Қилишди
ва Ўлди Деб Ҳисоблашди**
Ҳаворийлар 14:1-20

Повул билан Барнабо Иконияга бориб, синагогада воизлик қилишди ва жуда кўп яҳудийлар билан маъжусийлар имонга келишди. Лекин имонсиз яҳудийлар маъжусийларни ҳаворийларга қарши қайрашди.

Повул билан Барнабо дадиллик билан гапиришда давом этишди. Уларнинг сўзлари мўъжиза ва аломатлар билан тасдиқланар эди, лекин шаҳар аҳолиси иккига бўлинди. Тез орада, яҳудийлар билан маъжусийлар ҳаворийларга қарши тил бириктириб, уларни тошбўрон қилмоқчи бўлдилар. Ҳаворийларни яна шаҳардан чиқиб кетишга мажбурлашди.

Повулнинг биринчи миссионерлик сафарида бўлган азобларни кўпларимиз- ҳаётимизга келишини истамаган бўлардик. Листрада бир инсон шифо топганида, одамлар Повул билан Барнабога сажда қилишни бошлашди. Антиохия ва Икониядан яҳудийлар келиб оломонни уларга қарши қайрашни бошлашди. Улар Повулни тошбўрон қилишди ва уни ўлди деб ўйлаб шаҳар ташқарисига чиқаришди. Лекин, шогирдлар унинг атрофига тўпланганда у турди.

Воқеа Билан Юзма-Юз

Ҳаворийларнинг ҳаётини ўқиганимизда, уларнинг фақат қувончли ва ажойиб ҳодисаларига қараш жуда осон. Агар бизлар, Исо бугун Жамоатни қандай қуришни истаётганини улардан ўрганмоқчи бўлсак, ҳаворийлар ҳам оддий инсон бўлишганини билишимиз керак. Уларда ҳам бизда бўлганидек, синовлар бўлган. Улар ҳеч қачон таслим бўлмаганликлари сабабли, доимо ғалаба қозонишарди!

Агар бизлар, Исонинг ишларини давом эттирсак, ҳеч қачон енгилган бўлмаймиз. Агар бизлар Худога рухсат берсак, У бизнинг мағлубиятларимизни ғалабага айлантира олади.

Ҳақиқатан ҳам, бу шаҳарларнинг ҳар бирида одамлар нажот топишди. Ҳақиқатан ҳам мўъжизалар содир бўлди. Исо исми юксалтирилди. Лекин Повул яратган мўъжизаларни ўрганишдан олдин, унинг бошига тушган баъзи синов ва қувғинларга ҳам эътибор қаратиш керак.

2-Коринфликлар 4:7-10 Бу улуғвор ҳазинани эса биз сопол идишларда олиб юрибмиз, токи бу олий қудрат бизга эмас Худога мансуб эканини кўриб турсин. Биз ҳар томонлама жабрланамиз, лекин эзилмаймиз. Мушкул аҳволда қолдик, аммо умидимизни йўқотмаймиз. Қувғинга учраймиз, лекин иложсиз эмасмиз. Ерга қулаймиз, аммо яксон бўлмаймиз. Исони ҳаёти баданимизда намоён бўлсин деб, унинг ўлимини доим баданимизда олиб юрибмиз.

Повулнинг хизматидаги барча “чўққиларни” ўрганишнинг имкони йўқ. Тирик Худонинг жамоати- қандай яшаши ва ҳаракат қилиши кераклигини тушинишимиз учун, уларнинг баъзиларини Худонинг биз учун бўлган бугунги режаларининг намунаси сифатида қараймиз. Исо бошланғич ёки кечкироқ жамоат ҳақида сўзламаган. У “Ўзининг Жамоатини” қуришини

айтган. У берган Муқаддас Рухнинг инъомлари, биринчи асрда қанчалик керак бўлган бўлса, бугун ҳам шунчалик муҳим. Худо Муқаддас Рухнинг инъомларини, шу инъомлар Хушхабар ёйилиши учун ёрдам бўлади деган ваҳийни бериб, маълум вақтдан сўнг инъомларни яна қайтариб олиш учун берган эмас эди. Бизлар Петъор, Ёқуб ва Юҳанно қилган ишларни, Повул ва Исо қилган ишларни қилишимиз керак.

“Мен қилган ишларни сизлар ҳам қила оласизлар ва ҳатто булардан кўпроғини қиласизлар,”-деган Исо.

Мўъжизали Бошқарув

Повул Македонияга бориш кераклиги ҳақидаги ваҳийни олишидан олдин, Муқаддас Рух Повулни ва унинг издошларини Асияда воизлик қилишига йўл қўймаган эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 16:6,7 Повул билан йўлдошлари Фиригия ва Галатия юртларидан ўтишди, чунки Муқаддас Рух Асияда Худо сўзини тарғиб қилишларига тўсқинлик қилди. Миссия чегараларига яқинлашганда, Битинияга бормоққа интилдилар, лекин Исонинг Рухи яна уларга ижозат бермади.

Нима учунлиги ҳақида изоҳ берилмаган. Шунчаки, Муқаддас Рух уларни Ўша мамлакатларга боришларига йўл қўймади, дейилган. Худо бирор бир нарсани қил деб айтганда Сўзига итоат қилганимиздек, бирор бир нарсани қилма деганида ҳам итоат қилишимиз керак. Исо, аввал Отанинг қилаётган ишларини кўриб, кейин Ўзи жисмоний дунёда амалга оширганини унутмаслигимиз керак. Бизлар Худонинг бирор бир нарсани қил ёки қилма деювчи ваҳийларига сезгир бўлишимиз керак. Бу бизнинг хавфсизлигимиз ва муваффақиятимиз учун керак.

Мўъжизали Ваҳий

Худо ваҳий орқали, уларни хизмат вақтида Ўзи бошқараётганини очди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 16:9-11 Ўша кечаси Македониялик бир одам Повулнинг тушига кирди. У Повулнинг қаршисида туриб: “Македонияга келиб, бизга ёрдам бергин!” – деб ёлворар эди. Повулнинг кўрган бу кароматли тушидан кейин бизлар дарҳол

Македонияга бориш ҳаракатини қилдик. Чунки Раббимиз бизни у аҳолига Хушхабарни етказишга чақиряпти деган хулосага келган эдик. Троас шаҳридан жўнаб, тўғри Самофракия ва эртаси куни Неаполь шаҳрига сузиб бордик.

Улар, Рим колонияси ва Македониянинг муҳим шаҳри бўлган Филиппияга боришди. У ерда улар, Лидия исмли аёлни учратишди. Лидия ва унинг оиласи нажот топди.

Улар - Худо юборган ва хизмат қилиш имконияти бўлган жойга бордилар. Бу катта йиғилиш эмас эди, балки дарё соҳилида йиғилган ибодат гуруҳи эди.

Мўъжизали Билим

Повул ва бошқалар ибодат жойига кетишаётганда, уларнинг кетидан бир хизматкор аёл бориб: “Бу одамлар - бизга нажот йўли ҳақида айтаётган Тирик Худонинг қулларидир,” -деб бақирар эди. У кўп кунлар шундай

деб бақирди. У айтган сўз ҳақиқат эди. У инсонларнинг эътиборини тортар эди ва ҳаворийлар учун хизмат қилиш имконини яратиши мумкин эди. Лекин Повул руҳида ғазабланиб, чоралар кўрди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 16:16-18 Бир қуни ибодатхонага кетаётганимизда ичида фолчилик руҳи бўлган бир чўри бизга дуч келди. У фолчилик маҳорати билан хўжайинларига кўп даромад келтирарди. Повулнинг ва ҳаммамизнинг орқамиздан юриб: “Бу одамлар Худойи Таолонинг қулларидир, бизга нажот йўлини эълон қилмоқдалар”, - деб бақирарди. Анча кун буни такрорлади. Ахир, Повулнинг жонига тегиб, у чўрига бурилдида, ичидаги руҳга: “Исо Масих исмидан сенга буюраман: “Чўридан чиқиб кет!” – деди. Руҳ эса шу заҳоти чўрининг танидан чиқиб кетди.

Повул Муқаддас Руҳнинг ғайритабиий инъоми орқали, хизматкор аёлнинг ичида ҳаракат қилаётган руҳни фарқлади ва уни қувиб юборди. Бу – 1-Коринфликларнинг ўн учинчи бобида айтилган, руҳларни фарқлаш инъом эди.

Мўъжизали Озодлик

Ўша хизматкор қизнинг хўжайинлари Повул билан Силани зиндонбанд этишди. Уларнинг кийимларини йиртиб ташлашди, уришди, кейин эса ичкариги қамоққа тиқиб, оёқларини кишандбанд этишди. Лекин Повул билан Сила ибодат қилиб, Худога ашула айтиш орқали қамоқдаги бошқа одамларга ҳам гувоҳ бўлишди.

Улар ўтириб: “Худо нима учун бизни бу ерга юбординг?” ёки “Биз Худонинг йўналиши билан кетмадик деб ўйлайман. Бизга, Македонияга боришни Худо айтмаган,”- дейишган эмас.

Улар Руҳда ҳаракат қилганлари туфайли, Худо улар учун курашиши мумкин эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 16:25-30 Тун яримлаб қолганда, Повул ва Сила ибодат қилиб, Худони қуйлашар эди; маҳбуслар эса уларни тинглаб туришарди. Тўсатдан шиддатли зилзила юз берди-да, қамоқхонанинг пойдеворини силкитиб ташлади. Ўша заҳоти барча эшиклар очилиб, ҳамманинг кишанлари бўшаб қолди. Зиндонбанд эса уйғонган заҳоти зиндон эшикларнинг очилиб қолгани кўрди. У қиличини қинидан суғириб ўзини ўлдирмоқчи бўлди, чунки маҳбуслар қочиб кетишган деб ўйларди. Лекин Повул баланд овозда бақирди: “Зинҳор ўз жонингга қасд қилма, биз ҳаммамиз шу ердамиз!” - деди. Зиндонбон чироқ сўраб, зиндонга югуриб кирди ва титраб Повул билан Силанинг пойига ўзини ташлади. Уларни ташқарига чиқариб: “Жаноблар, нажот топиш учун нима қилишим керак?” – деб сўради.

Худо Повул ва Силани қамоқдан озод қилиш учун зилзила юборди, лекин тунги кўрикчи ва унинг оиласи ҳақиқатан ҳам нажот топдилар.

Шогирдлар Филиппияни қолдириб, Салоникага бориб таълим беришди ва у ерда ҳам зиддиятлар пайдо бўлди. Уларнинг номлари машхур эди, чунки одамлар: “ Мана, бутун дунёни остин устун қилувчилар бу ерга ҳам келишди..” дейишарди. Уларни шаҳардан чиқиб кетишга яна мажбурлашди ва Повул Афинага кетди.

Мўъжизали Далда

➤ Афина

Афинада Повул вақтини синагогада ўтказар эди. Яхудийлар билан гаплашар эди ва баҳслашар эди. У таълимотлар ҳақида гапирар эди ва Исони - Масих эканига уларни ишонтиришга уринар эди. Уларнинг баъзилари имонга келишди. Яхудийлар Повулни янада кўпроқ ёмонлашарди ва охири у шаҳардан кетди. У руҳан йиқилиши учун, унга сабаб бор эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 18:4-6 Повул ҳар шанба куни яхудийлар ибодатхонасида баҳслашиб, яхудий билан юнонларни ишонтиришга ҳаракат қиларди. Сила билан Тимўтий Македониядан келганларидан кейин, Повул ўзини бутунлай ваъзхонликка бағишлаб, Исонинг Масихлигини яхудийларга таъкидлаб баён этарди. Лекин улар қарши бориб, уни ҳақорат қилгач, Повул кийимидаги чангни қоқиб: “сизларнинг қонингиз ўз бўйнингизда! Мен қонингиздан тозаман. Бу кундан эътиборан мен мажусийларнинг олдига бораман”, - деди.

➤ Коринф

Повул Афинадан Коринфга кетди. У ерда ҳам шундай қилди ва кўплар имонга келишди. Худо Повулга ваҳийда яна гапирди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 18:9,10 Бир кечаси Повулнинг тушига Исо кўриниш бериб: “Кўркма, лекин тинмай гапиравергин”, - деди. Мен сен билан биргаман, ҳеч ким сенга қўл теккизиб ёмонлик қилмайди; чунки бу шаҳарда кўп одамларим бор”.

Бу далда сўзлари эди: “Повул ҳамма ишлар яхши кетяпти. Сен барчасини уйдаяпсан. Таълим беришда давом эт, ҳеч ким сенга ёмонлик қила олмайди!” Повул Коринфда бир ярим йилларга яқин муддат бўлди.

Повул Эфесга келиб, бошқачароқ хизматни олиб борди. У вақтини таълим бериш ёки Хушхабарни тушунтириш билан ўтказган эмас. У ерда Повул, имонлилар гуруҳи олдига келиб, сўради: “имонга келиб, Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?”

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:2-7 “Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?” “Муқаддас Рух борлигини биз ҳеч қачон эшитмаганмиз”, - жавоб берди улар. Бундай бўлса, сизлар қай асосда сувга чўмиб имон келтирдигизлар?”- деб сўради Повул. “Биз Яхё пайғамбарнинг таълимоти асосида сувга чўмиб имон келтирганмиз”, - деб жавоб бердилар. Повул деди: “Яхё пайғамбар халқни дарёга чўндириб, тавба қилдирган эди, ҳолос. У халққа: “Мендан кейин келадиган зотга, яъни Исо Масихга инонинглар, деб айтган эди”. Улар бунга эшитгач, Раббимиз Исо исмидан ҳам сувга чўмиб имон келтирдилар. Повул қўлларини уларнинг бошига қўйиши билан Муқаддас Рух уларнинг устига тушиб келди. Улар янги тилларда гапириб, каромат қила бошладилар. Улар жами бўлиб, ўн икки кишига яқин эдилар.

Кейин Повул синагогага борди ва дадиллик билан уч ой давомида воизлик қилди. Қаршилиқ ўса борганида у оммавий хизматдан тўхтади, лекин шаҳардан кетмади.

Повул шогирларини Тиран деган кимсанинг мактабига олиб келиб, уларга ҳар куни, икки йил давомида воизлик қилди. Бундан кўриниб турибдики, Повул Библия мактаби очди ва у ерда таълим берар эди.

Натижада, Асияда яшовчи барча яҳудийлар ва еллинлар Худонинг Сўзини эшитишди.

Асия Раббийнинг Сўзини эшитди.

➤ *Ҳаётга Қайтарилган*

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:8-10 Повул уч ой давомида бемалол яҳудийлар ибодатхонасида баҳслашиб, Худонинг Шохлиги тўғрисида ишонтирарли далиллар келтирарди. Ниҳоят баъзилар бўйни қотиб, имонни рад қилиб, халқ олдига Раббимиз Исо йўлини ёмонлайдиган бўлишди. Повул улардан юз ўгириб, шогидларини улардан ажратди ва ҳар куни Тиран деган кишининг мактабида суҳбатлашарди. Шу тариқа икки йил давомида хоҳ яҳудий, хоҳ юноний бўлсин, Асия вилоятида яшаганларнинг ҳаммаси Раббимиз Исонинг Сўзини эшитдилар.

Худо олдин Повулга Асияга боришига рухсат бермаган эди, лекин энди Повул бутун Троадада таълим берар эди ва Эвтих дераза олдида ўтирган эди. У уйкуга кетиб, учинчи қаватдан йиқилиб тушди ва ўлди.

Ҳаворийлар 20:7-11 Яқшанба куни нон синдириш учун бир ерга тўпланган эдик. Повул эртаси куни жўнамоқчи бўлиб, имонлиларга маслаҳат бериб, сўзни ярим кечагача давом эттирди. Бизлар йиғилган болохонада жуда кўп шамчироқ ёнган эди. Евтих исмли бир йигит дераза рахида ўтирарди. Повулнинг нутқи узоқ чўзилиб, йигитни қаттиқ уйку босди. У уйқусида қимирлаб, учинчи қаватдан пасга тушиб кетди. Ердан унинг ўлигини кўтаришди. Повул пастга тушиб, йигитнинг устига ўзини ташлади ва уни қучоқлаб: “Хавотир бўлманглар, унинг жони ўзидадир!”- деди. Сўнг яна юқорига чиқиб, нон синдириб овқатланди. Тонг отгунча анча суҳбат қилиб, йўлга чиқди.

ПОВУЛНИНГ ХИЗМАТИДАН ХУЛОСА

Повул Иерусалимга қайтаётган эди ва Эфес жамоатининг пресвиторлари билан охириги марта учрашди. У ўзининг ўша пайтгача бўлган хизмати ҳақида қисқача айтиб берди.

Повул вазиятларга қараши мумкин эди. У: “Художон Сен учун кўп нарсани қолдирдим. Мен мартабамдан, буюк келажагимдан воз кечдим. Сен эса мендан бу одамга, у ерда эса бир неча кишига хизмат қилишимни сўраяпсан. Мени, Сен юборган барча шаҳарлардан қувиб юборишди. Мени уришди ва ўлди деб ҳисоблашди. Раббий мен чарчадим ва руҳан йиқилдим. Мен бу ишни қолдирмоқчиман!...” дейиши мумкин эди.

Лекин Повул ҳеч қаачон бунақа сўзларни айтмаган! Аксинча, у: ”хизматимни ва довоимни қувонч билан амалга оширмоқчиман,”- деб айтган.

Ҳаворийларнинг фаолияти 20:19-24 Яҳудийларнинг ёвуз ниятлари туфайли бошимдан ўтган оғир синовлар ичида камтарлик ва кўзимнинг ёши билан Раббимизга хизмат қилиб юрдим. Фойдали

бўлган ҳеч бир нарсадан сизларни маҳрум қилмайин, деб кўчама-кўча, уйма-уй юриб таълим бериш фурсатини бекор ўтказмадим. Тавба қилиб, Худога илтижо этинглар ва Раббимиз Исо Масихга имон келтиринглар, деб яҳудийлар билан юнонларга жиддий насиҳат қилиб турдим. Мана энди Муқаддас Рухнинг банди бўлиб, Иерусалимга боряпман. Уерда мен билан нима юз беришини билмайман. Фақат шуни биламанки, шаҳарма–шаҳар юрган сари занжиру, кишанлар, қайғу-аламлар мени кутади. Буни Муқаддас Рух менга аён қилмоқда. Лекин бунга қарамай, ўз жонимни ҳам аямайман—қани энди фаолиятимни тамомлаб, Худонинг иноятидан далолат берувчи Хушхабарга гувоҳлик бермоқ учун Раббимиз Исодан олган топширигимни қувонч ила бажо келтира олсам.

ИЕРУСАЛИМ ВА РИМ ТУФАЙЛИ БОҒЛАНДИ

Повулнинг қамалиши ҳақида башорат

Повул Иерусалимга кетаётганида, у Кесарияга келиб Хушхабарчи Филиппнинг уйида қолди. У у ерда яшаётган вақтда, Агав исмли пайғамбар тушиб келди. У олдимизга кириши биланоқ Повул ҳақида деди:

Ҳаворийларнинг фаолияти 21:10-11 Уерда бир қанча кун турганимиздан кейин, Яҳудиядан Агав исмли бир пайғамбар тушиб келди. У олдимизга кириши биланоқ Повулнинг камарини олди-да, ўзининг қўл оёқларини боғлаб деди: “Муқаддас Рух бундай демокда: Иерусалимдаги яҳудийлар бу камарнинг эгасини мана шундай қилиб боғлаб, мажусийларнинг қўлига топширадилар”.

Повулнинг Қамалиши

Иерусалимдаги имонлилар қанчалик буни истамаган бўлмасинлар, Повулнинг қамалишига билмасдан сабабчи бўлдилар. Улар Повулдан, Иерусалимдаги яҳудийларнинг орасидаги муаммони ҳал этишини сўрашган эдилар. Повул рози бўлди ва кейинги куни, еттинчи куни маъбадга борди. У маъбадга келганида, Асия яҳудийлари уни кўриб қолишди. Улар, Повул қонунга қарши йўл тутиб, маъбадга маъжусийларни олиб келди деб ўйлаб бақира бошладилар.

Ҳаворийларнинг фаолияти 21:30-36 Бутун шаҳар ҳаракатга келиб бутун халқ жўшиб кетди. Повулни тутиб, маъбаддан ташқарига судраб боришди. Ўша заҳотиёқ эшиклар беркитилди. Улар Повулни ўлдирмоқчи эдилар. Шу пайт бутун Иерусалим кўзғолон кўтарибди, деган хабар Рим қўшини мингбошисининг қулоғига етиб борди. У дарҳол аскарлари ва юзбошилари олиб, уларнинг устига ҳужум бошлади. Оломон мингбоши билан аскарларни кўргач, Повулни уришдан тўхтади. Мингбоши дарров яқинлашдида, Повулни тутиб иккита занжир билан кишанлаб қўйишни буюрди. “Бу ким ва нима қилибди деб?” - сўради. Оломон орасидан бири у деб қичқирса, бошқаси бу деб қичқирарди. Олағовур бўлганидан мингбоши ҳақиқатни била олмай, Повулни қалъага олиб боришни буюрди. Повул зинапояга етганида, оломоннинг зўр сиқуви туфайли уни кўтариб боришди. Чунки халойиқнинг кўпчилиги унинг орқасидан эргашиб бориб: “Унга ўлим!” - деб бақирарди.

Повул Тўдага Гувоҳлик Берди

Повул зинада, тепадан туриб одамларга гапирди. Лекин улар унга ишонмадилар ва яна бақиришни бошлашди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 22:22-24 Бу вақтда Повулни тинглаб турганлар бояги сўзини эшитишлари биланоқ шовқин кўтаришди. “Бундай одамни ер юзидан йўқ қил! У яшашга муносиб эмас!” - деб бақира кетишди. Улар шундай қичқиришиб, устларидан кийимларини қоқиб, ҳавога тупроқ сочиб туришаркан, мингбоши Повулга қарши бундай бақириқларнинг сабабини билмоқчи бўлиб, уни қалъага олиб бориб қамчилашни буюрди.

Улар Повулни уришганда, Повул улардан: “Римнинг фуқаросини уриш, бунинг устига уни суд қилмасдан туриб уриш рухсат этиладими?” - деб сўради.

Повул Олий Руҳонийга ва Кенгашга Гувоҳлик Берди

Мингбоши – бегуноҳ Римлик фуқарони бекорга тутганини тушунди. У уни олийруҳоний ва кенгаш олдига олиб келди. Повулга, шу вазият орқали бутун кенгашга Исо ҳақида гувоҳлик беришга имконият берилди.

Томонлар орасида баҳс шунчалик кучайдики, мингбоши ўзининг аскарларига Повулни улар орасидан олиб, қалъага элтишларини буюрди.

Раббийнинг Иккинчи Марта Зоҳир Бўлиши

Ҳаворийларнинг фаолияти 23:11 Кейинги кечада Раббимиз Исо Повулга зоҳир бўлиб: “Дадил бўл! Иерусалимда Менга қандай гувоҳлик берган бўлсанг, Римда ҳам шундай гувоҳлик беришинг керак”, - деди.

Повул зиндонда эди, лекин унинг хизмати тугамаган эди. Повул Рим фуқароси сифатида, қамокда ўзининг имтиёзларидан фойдаланар эди. Бу уни Исо юборган жойда гувоҳлик бериш учун ҳимоя қиларди.

КЕСАРИЯДА

Ҳарбий ҳимоя Ҳаворийлар 23:26-32

Повулни ўлдириш режаси тузилган эди. Бунда 40 яҳудий иштирок этган эди. Мингбоши Повулни шаҳардан олиб чиқиш учун, 70 отлик ва 200 камончилар билан унинг атрофини ўради. Ўша кечаси отлик, Повулни Рим ҳокими Феликснинг олдига олиб келди.

Ҳоким Феликс Повулни кўриқ остига олди. Лекин Повул ҳокимга ва унинг яҳудий бўлган хотинига хушxabар айтиш учун кўп имкониятларга эга бўлди. Феликс Повулни икки йил давомида ўз кўриғи остида ушлаб турди. Лекин унга озгина эркинлик берилди ва Повулнинг дўстлари келиб, уни кўриб кетишлари мумкин эди.

Феликснинг ўрнини Фест эгаллади. Яҳудийларнинг талаби билан Фест Повулни судга олиб келди ва ундан Иерусалимда суд қилинишни истайсанми деб сўради. Повул Иерусалимда тирик қолмаслигини билар

эди. Повул, Худо айтганидек, Римда Исо ҳақида гувоҳлик беришини билар эди.

Повул ҳокимларга гувоҳлик берди

Фест Повулнинг кетидан одам юборганида, суд палатасида: шоҳ Агриппа, Вереника ва Фест мингбошилар, ҳамда Кесариянинг таниқли фуқаролари ўтирган эди. Ажойиб имконият! Повул, яна Дамашққа бориш йўлидаги нур ҳақида, ўзининг Худога келиши ва Исонинг тирилиши ҳақида айтиб берди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 26:28-29 Агриппа Повулга: “Яна бирпасда мени кўндириб, Масихчи қилмоқчисан-а?” – деди. “Хоҳ қисқа, хоҳ узоқ муддатда бўлсин, - деди Повул, фақат ўзингизгина эмас, балки бугун мени тинглаётганларнинг ҳаммаси ҳам, бу занжирлардан холи, мен каби бўлишларини Худодан сўрар эдим!”

Қамоқда ҳам, озодликда ҳам Повулда бир мақсад бўлган – дунёни Исо учун эгаллаш. Бу бизнинг ҳам мақсадимиз бўлиши керак.

ПОВУЛ РИМГА СУЗАЯПТИ

Кема Ҳалокатида Ғалаба Келди Ҳаворийлар 27

Повулни Юлий исмли юзбошига топширишди ва уни кемада Римга юборишди. Уларнинг сафарини тасаввур қилиш қийин. Улар бутун кишни кемада ўтказишди. Ҳатто энг яхши шароитларда Римга қилинадиган сафар бир неча ҳафтани эгаллар эди.

➤ Повул Огоҳлантирди

Кема Критга яқинлашганда, Повул донолик сўзига эга бўлгани сабабли, уларни сузишни тўхтатиш кераклигидан огоҳлантирди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 27:10-11 “Эрлар, кўраяпманки, сузишни давом эттириш юк ва кема учунгина эмас, ўз жонимиз учун ҳам хавф-хатарли бўлади”, - деди. Лекин юзбоши Повулнинг сўзларидан кўра, кема ҳайдовчисига ва дарғага кўпроқ ишонар эди.

Повул айтгандек даҳшатли бўрон бошланди. Кемани, учиб кетмаслиги учун боғладилар. Кемадаги юк ва анжомларни бортдан ташқарига ташладилар. Бўрон бир неча кун тинмагани туфайли, барча одамлар нажот топиш учун умидларини йўқотишди.

➤ Башорат - “Орангиздаги Ҳеч Бир Жон Ҳалок Бўлмайди”

Ҳаворийларнинг фаолияти 27:21-26 Кемадагилар кўпдан бери овқат емаганлари сабабли, Повул уларнинг ўртасида туриб: “Эрлар!” – деди. “Менга қулоқ солиб Критдан кетмаганингизда эди, бу зарару захматларга дучор бўлмасдинглар. Энди эса сизлардан ўтиниб сўрайман: дадил бўлинглар. Чунки сизлардан ҳеч бир жон ҳалок бўлмайди, фақат кема нобуд бўлади. Мана, мен Унга мансуб бўлган ва Унга хизмат қилиб юрган Худонинг фариштаси бу кеча менга зоҳир бўлди. У: “Қўрқма, Повул!” – деди. “Сен Қайсарнинг олдида туришинг керак. Кема йўловчиларига келганда, уларнинг ҳаммасини

Худо сенга бағишлади”, - деди. Шунинг учун, эрлар, дадил бўлинглар! Чунки Худо худди менга айтганидек қилишига қаттиқ ишонаман. Ҳар холда, биронта оролга тушишимиз керак”.

Кемачилар қайиқдан қочиб кетмоқчи эдилар, лекин Повул юзбошининг олдида борди. Бу сафар юзбоши унга кулоқ солди. Аскарлар қайиқнинг арқонини кесиб ташлашди ва Повул айтганидек барча кемачилар борт ичида қолишди.

➤ *Аскарларга, Гуруҳга
Гувоҳлик Берди*

Ҳаворийларнинг фаолияти 27:33-37 Тонг отай деганида, Повул хаммани овқат ейишга ундаб: “Бугун ўн тўртинчи кундирки, ҳеч нарса емай озиқ-овқатсиз қолиб турибсизлар”, - деди. “Шунинг учун овқат ейишингизни ёлвориб сўрайман; бу қутулишингиз учун керакдир. Сизлардан ҳеч кимнинг бошидаги бирор соч толаси ҳам нобуд бўлмайди.” Повул бу сўзларни айтгандан кейин нонни олди, хамманинг олдида Худога шукрона айтиб, нонни синдириб ея бошлади. Шу тариқа хамма дадилланиб, овқат еди. Кемада жами бўлиб икки юз етмиш олти жон бор эдик.

Ҳаворийларнинг фаолияти 27:41-44 Кема қирғоқнинг саёз ерига дуч келиб, қумга тикилиб қолди. Кеманинг тумшуғи ботганча кимирламай қолди, қуйруғи эса тўлқинларнинг кучи билан парчалана бошлади.

➤ *Барча Нажот Топди*

Ўшанда аскарлар, махбуслардан бирор киши сузиб қочиб кетмасин, деб уларни ўлдиришни ният қилдилар. Лекин юзбоши Повулни қутқазмоқчи бўлиб, бу ниятларини бажаришдан уларни тўхтатди. Сузишни билганлар биринчи бўлиб ўзларини кемадан ташлаганча курукликка чиқсинлар, қолганлари эса хоҳ тахталарга, хоҳ кеманинг бирон синиқ бўлагига тутиниб, уларнинг кетидан борсинлар, дея амр берди. Шу йўсинда хамма соғ-саломат курукликка чиқиб олди.

МЕЛИТ ОРОЛИ

Ҳаворийлар 28:1-10

Улар Мелит оролига чиқишди. Ороллик одамлар - улар қуришлари ва исинишлари учун олов ёқишди. Повул кўп ўтинлар тўплади.

Ҳаворийларнинг фаолияти 28:3-6 Шу маҳал Повул бир даста ўтин йиғиб, оловнинг устига қўяётганда, иссиқдан қочаётган бир захарли илон унинг қўлини чақиб олиб, осилиб қолди. Павлуснинг қўлига илон осилганини ерлилар кўргач, бир-бирларига: “Бу одам қотил бўлса керак. Дегиздан халос бўлган бўлса ҳам, Ҳақ уни тирик қолдирмаяпти-да!” – дейишди. Повул эса ҳеч қандай зарар кўрмасдан, илонни ўтга силкитиб, ташлади. Орол аҳолиси унинг шишиб кетишини ёки ўлиб қолиб, тўсатдан ерга йиқилишини кутарди. Лекин узоқ кутишгандан кейин унга ҳеч қанақа фалокат юз бермаганини кўришгач, бошқача фикр қилиб: “У бир худодир”, - деб айтишарди.

Исо, имонлиларни кузатиб борадиган аломатлар ҳақида айтган эди:

“Менинг исмим билан илонларни олишади”. Исо - Унинг исмига ишонган хар бир кишига илохий ҳимоя берган.

Повул Публийга Гувоҳлик Берди

Публий Мелит оролининг бошлиғи эди. Унинг отаси касал эди, Шифокор Луко ҳам ўша ерда эди, лекин уни Повул шифолади.

Ҳаворийларнинг фаолияти 28:8,9 Ўша пайтда Публийнинг отаси юракбуруғдан қийналиб, иситмалаб ётар эди. Повул унинг ёнига кирди ва қўлларини унинг устига қўйганча ибодат қилиб, уни соғайтирди. Бу ҳодисадан кейин оролдаги бошқа хасталар ҳам келиб, шифо топишди.

ПОВУЛ РИМДА ГУВОҲЛИК БЕРДИ

Ҳаворийлар 28:15-31

Повулнинг мартабаси - Римга бориши вақтида албатта ўзгарди. У ҳали ҳам асир эди, лекин маълум бир озодликка эга эди.

Салом

Имонлилар, Повул ва Луқони Римга келаётганини эшитиб уларни кутиб олиш учун йўлга чиқишди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 28:15 У ердаги биродарлар дарагимизни эшитиб, Аппия форуми ва ҳатто Уч Меҳмонхона майдонигача бизни кутиб олгани чиқишганди. Повул уларни кўриб, Худога шукр қилди ва кўнгли кўтарилди.

Повул Яхудийларга Гувоҳлик Берди

Ҳаворийларнинг фаолияти 28:23-25 Повул учун бир кун тайин этиб, жуда кўп киши у турган меҳмонхонага келди. Эрталабдан оқшомгача Повул уларга Худонинг Шоҳлигини баён этиб гувоҳлик берар, Мусонинг Қонунига ва Пайғамбарлар китобига биноан Исо тўғрисида ишончли далиллар келтирар эди. Унинг айтганларига баъзилари эътиқод қўйиб, баъзилари эса инонмадилар. Ўзаро келишмовчилик юзага кела бошлади. Повул деди: “Муқаддас Рух Ишаъё пайғамбар орқали оталаримизга жуда тўғри гапириб кетган...”

Повул Маъжусийларга Гувоҳлик Берди

Ҳаворийларнинг фаолияти 28:28 Шуни билиб қўйинглар: “Худонинг бу нажоти энди бошқа халқларга юборилган; улар эса эшитадилар”.

Ҳаворийлар Китобининг Охири

Ҳаворийларнинг фаолияти 28:30,31 Повул ижарага олган уйида тўлик икки йил турди. Ҳузурига келганларнинг ҳаммасини қабул қилар эди. Худонинг Шоҳлиги келди ва Исо Масих Раббимиздир, дея жасорат билан бемалол ваъз айтиб, таълим берар эди.

Повулнинг Ўлими

Оғзаки гувоҳликлар бўйича, Повулнинг Римда бошини олишган. Рим фуқаролиги уни – хочга михланишдан сақлаб қолган ва боши олинishi учун “имтиёз” берган.

ХУЛОСА

Ҳаворий Повул Янги Аҳдда кўп китоблар ёзди. У Худо иноятининг намунасидир.

У Худонинг рухсатсиз бирор иш қилмайдиган имонлининг намунасидир. У синагогаларда Исо ҳақида хушxabар берар эди. Повул ҳақиқатни исботлар эди, баҳслашар эди, таълим берар эди, керак бўлганда эса таҳқирлар эди. Повулнинг ўзи, Ота Худосининг иродасини бажариш учун унга ҳеч ким ва ҳеч нарса, ҳатто ўлим қаршисидаги қўрқув ҳам тўсқинлик қилмаслигини қарор қилди.

Худо бугун худди шундай қўрқув билмас Повулларни изляпти!

САВОЛЛАР

1. Повулнинг биринчи миссонерлик сафаридан баъзи ҳодисаларни олиб ёзинг. Бунга қандай муносабатдасиз?
2. Повулнинг ҳаётидаги Худонинг бошқарувларидан бирини айтинг.
3. Нима сабабдан Повул содир бўладиган воқеани билиб туриб, Иерусалимга бораман деди?

13 Дарс

Биз – Жамоат – Ғолибмиз

ХУДОНИНГ РЕЖАСИ ХЕЧ ҚАЧОН ЎЗГАРМАДИ

Жамоат бугунги кунларда ҳам пайдо бўлишининг биринчи йилларида шогирдлар, ҳаворийлар, пайғамбарлар, пасторлар, ўқитувчилар ва хушxabарчилар ҳаракат қилганидек, ҳаракат қилиши шарт. Ўша вақтларда бўлганидек, ҳозир ҳам мўъжиза ва аломатлар Жамоатнинг ўсишига ёрдам беради. Исонинг биринчи имонлиларга берган буюк топшириғи ҳеч қачон бекор қилинмаган. Исо айтган:

Марк 16:15-20 Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушxabарини тарғиб қилинглар. Ким ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг исмим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки халокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”. Раббимиз Исо шогирдларига ушбуларни тайинлаб бўлгач, осмонга кўтарилди ва Худонинг ўнг томонига ўтирди. Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда воизлик қилиб юрардилар. Раббимиз уларга кўмаклашар ва пайдо қилган мўъжизалар орқали Ўз Сўзини тасдиқлар эди.

БОШЛАНҒИЧ ЖАМОАТ ҚАНДАЙ ИШЛАГАН?

Тўлиқ Бағишланиш Билан

Биз Жамоатнинг баъзи лидерларининг ҳаётини ўрганиб чиқдик ва уларни ўлимга қадар тўлиқ бағишланганликларини кўрдик. Баъзида имон учун ўлиш, бу дунёнинг ахлоқлигида яшашдан кўра осонроқ туйилиши мумкин. Лекин тўлиқ бағишланиш, ушбу синовларни келажакда эзгуликка айлантиради.

Филиппликларга 3:13,14 Биродарларим, мен ўзимни буларга эришганман, деб ҳисобламаяпман. Фақат орқамдагиларни утутиб, олдимдагиларга интиляпман. Мен бир мақсад сари, яъни Исо Масихдаги Худонинг олий унвонининг соврини сари босиб бормоқдаман.

Ибронийларга 12:1,2 Мана, бизнинг атрофимизни ўраб олаётган нақадар йирик шохидлар оломони бор экан! Шунинг учун ҳар бир оғирликни, айниқса ҳадеб пойлаб турадиган гуноҳни бир четга улоқтириб ташлайлик, тақдиримиздаги мусобақада сабр-тоқат билан чопайлик. Имонимизнинг Илғори ҳамда уни камолга Етказувчи Исога кўз тикайлик. У Ўзини кутаётган шодлик учун шармандаликни менсимамай, хоч азоб-уқубатига чидади. Ҳозир эса У Арши Аълонинг ўнг томонида ўтирмоқда.

Филиппликларга 1:21 Чунки мен учун ҳаёт – Масихдир; ўлим эса – ютуқдир.

Қачонки, Исо бизнинг ягона мақсадимиз бўлса, бизлар ҳақиқатан ҳам ўлим ютуқ эканига ишонамиз. Бизни ҳеч нарса, шу ёки рухий дунёда тўхтата олмайди.

➤ *Кечирим Билан*

Исо хочда ўлаётганда, бутун дунёни кечирди. У, Уни ўлдиришни режалаштирган диний лидерларни, Пилатни, аскарларни, “Уни хочга михла! “деб бақирган оломонни ҳам кечирди. Исо Ўзи яратганларни, Уни инъкор этиб, ўлдирганларни ҳам кечирди. Бизлар билан, нима, шу қадар оғир ходиса содир бўлдимиз?

Кечирим – бу иродамининг қароридир. Бизлар Исодек кечиримли бўлимиз керак.

Агар сиз, бир вақтда Исо Худо ва Инсон бўлгани сабабли кечира оларди деб ҳисобласангиз, келинг, Стефан ўлаётганда нима деганини ўқиймиз.

У ўлимидан бир баҳя олдин бақириб: “Раббий! Уларнинг гуноҳини кечир”, - деди.

➤ *Стефан Кечирини Танлади*

Агар Стефан нола қилиб: “Раббий, мен билан бундай қилишларига нима учун йўл қўйдинг?” - деган бўлса эди, агар уларни лаънатлаб, улар учун Худодан кечирим сўрамаган бўлса эди, унинг юзи шундай порлармиди? У Отанинг ўнг қўлида турган Исони наҳотки кўра олар эди? Наҳотки, унинг ўлими Шоулга таъсир ўтказар эди?

➤ *Бизлар Кечиринимиз Керак*

Биз кечиринимиз учун, ўзимиз ҳам кечиринимиз керак!

Матто 6:14,15 Агар сиз бошқаларнинг айб-гуноҳларини кечирсангизлар, самовий Отангиз ҳам сизни кечиради. Бироқ, агар сиз бошқаларнинг айб-гуноҳларини кечирмасангизлар, Отангиз ҳам кечирмайди.

Эфесликларга 4:31,32 Агар қандай аччиқланиш, қаҳр, ғазаб, бақирини, ғийбатчилик ва ҳар қандай адоват сизлардан четлатилган бўлсин. Аммо бир-бирингизга нисбатан меҳрибон ва ҳамдард бўлинглар. Худо сизларни Масихда кечиргани каби сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар.

Бўйсуниниш Билан

Бошланғич жамоатда имонлилар бир-бирларига бўйсунар эдилар, барчалари биргаликда эса Исога бўйсунар эдилар. Шунингдек, улар ҳокимиятга бўйсунар эдилар.

1-Петъор 2:13-20 Шундай қилиб, Раббий ҳаққи ҳар қандай инсоний ҳокимиятга бўйсунинглар: олий ҳоким бўлган подшоҳга ҳам, жинойтчиларни жазолаш ва яхшилиқ қилганларни тақдирлаш учун подшоҳдан юборилган ҳокимларга ҳам бўйсунинглар. Чунки Худонинг иродаси шуки, сизлар яхши ишлар қилиб, ақлсиз ва жоҳил одамларнинг оғзини ёпинглар. Ёвузликни яширмақ учун озодликни қўллайдиганлардек эмас, балки озод одамлардек, Худонинг кулларидек бўлиб яшанглар. Ҳаммани ҳурмат қилинглар, биродарсеварликни севинглар. Худодан қўрқинглар, подшоҳни

хурмат-иззат қилинглари. Қуллар, сизлар фақатгина яхши ва мулоим хўжайинларга эмас, балки қаттиққўл хўжайинларга ҳам ҳар қандай кўрқув билан бўйсунинглари. Агарда ким ноҳақ азоб чекса, лекин ўз онгида Худога тегишли бўлиб, ғам-ғуссага чидаб турса – бу иноятдир. Агар сизлар қилган ножўя ишингиз учун таёқ еб, бардош берсангиз, бу сизларга қандай мақтов келтиради? Аммо яхшилик қилиб, азобга бардош берсангиз, бу Худога маъқулдир.

Итоат Қилиш Билан

Исо, Худога итоаткорлигимиз билан севгимизни кўрсата олишимизни айтган. Бизлар баъзида шундай ибодат қиламиз: “ Раббий, мендан нима қилишимни истайсан, кўрсат ва мен шунга қиламан!”. Лекин бизлар унчалик соф ибодат қилмаймиз, ахир Худо аллақачон Ўз Сўзида бизлар нима қилишимизни истаганини айтган. Итоатли бўлишимиз учун, бизлар бу нарсаларни ҳар куни қилишимиз керак, кейин эса У бизлар учун тайёрлаган топшириқларни кўрсатади. Агар бизлар итоатли бўлсак, уларни била оламиз.

Юҳанно 14:15,21 “Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қилинглари”. “Ким Менинг амрларимни билса-ю, уларга амал қилса, у Мени севади. Ким Мени сева, Отам ҳам уни севади. Мен ҳам уни севаман ва Ўзимни унга кўрсатаман”.

1-Юҳанно 2:3-6 Агар биз Унинг амрларига риоя қилсак, шунда Уни таниб билганимизни биламиз. Кимки мен Уни таниб билдим деб айтса-ю, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, у киши ёлғончи ва унда ҳақиқат йўқдир. Кимки Унинг Сўзига риоя қилса, у кишида Худонинг севгиси ҳақиқатан камолотга етган бўлади. Ана шундан биз Унда жо эканзимизни биламиз. Кимки мен Унда жо бўлмоқдаман деб айтса, Масих қандай юрган бўлса, у ҳам шундай юриши керак.

Унинг амрлари қанақа?

- Унинг Муқаддас Рухини қабул қилиш
- Сувда чўмиш
- Бир-биримизни кечириш
- Бир-биримизни севиш
- Сухбат учун йиғилиш
- Ушр ва қурбонликларни бериш
- Бошқаларга Масихнинг тирилгани ҳақида айтиш
- Унинг Сўзини ўрганиш
- Софликда яшаш

Якдиллик билан

Якдилликда бўлиш энди, орамизда ҳеч қандай келишмовчилик бўлмайди дегани эмас. Якдилликда бўлиш - бу ушбу келишмовчиликни севги билан тўғирлаш, келишувга келиш, ҳамма нарсани кечиришдир. Таълимотдаги келишмовчиликларни олиб ташлашни ўрганиш учун, Ҳаворийлар 15 бобда берилган мисолдан фойдаланиш мумкин. У ерда, ҳар бир имонли хатна этилиши шартми ёки йўқми, шу ҳақда айтилган. Исо бизга келишмовчиликларни олдини олиш ва бошқа имонлилар гуноҳ қилишганда, уларга қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида таълим берган.

Матто 18:15-17 “Агар биродаринг сенга қарши гуноҳ қилса, уни олдига бориб фақат юзма-юз гапириб айбини унга кўрсат. Агар сенга кулоқ солса сен биродарингни қайтариб олган бўласан, Агар сенга кулоқ солмаса, ўзинг билан бирор яна бир ёки икки кишини олиб бор, токи Тавротда ёзилганидек: “айтилувчи ҳар бир сўз, икки ёки уч кишининг гувоҳлиги билан тасдиқлансин”. Агар уларга ҳам кулоқ солмаса, уни кофир ёки тамагир қаторида сана”.

Агар сиз ва биродарингиз ўртасида келишмовчилик бўлса, уч нарса қилиш керак:

- Биринчидан унинг олдига бориб, у билан гаплашиш керак.
- Агар ҳамма нарса ҳал бўлмаса, бир ёки икки кишини олиб, яна ўша биродарнинг олдига бориш керак.
- Шундан сўнг ҳам кулоқ солмаса, содир бўлган ҳолатни жамоатга айтиш керак, агар жамоатга ҳам кулоқ солмаса ундан узоқроқ юриш керак.

Колосаликларга 3:16 Масихни Сўзи барча донолик билан юракларингизга мўл-кўл жойлашиб кираверсин. Раббийга юракларингиз билан июнотда ашулалар айтиб, ҳамду-санолар, мадҳиялар ва рухий кўшиқлар билан бир бирингизга насихат қилиб ўргатинглар.

Филиппиликларга 1:27 Фақат Масихни Хушхабарига муносиб равишда ҳаёт кечиринглар. Токи мен келиб сизларни кўрсам ҳам, ёки келмасам ҳам сизларнинг бир руҳда турганингизни ва яқдиллик билан Хушхабарнинг имони учун курашаётганингизни эшитайин.

Филиппиликларга 2:2 “унда менинг қувончимни мукамал қилинглари: худди ўша фикрга ва худди ўша севгига эга бўлинглари, яқдил ҳамда ҳамкор бўлинглари”.

ХУДО БИЗГА ЎЗИНИНГ КУЧНИ БЕРДИ

Исо шогирдларига: токи кучни олмагунча Иерусалимдан кетманглар деди. **Хаворийларнинг фаолияти 1:8** Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимнинг энг олис ерларида ҳам менинг шохидим бўласизлар.

Повулнинг фикри бўйича бу кучнинг ичига қуйидагилар кирарди:

- донолик сўзи
- билим сўзи
- имон инъоми
- шифолаш инъомлари
- мўъжиза яратувчи куч
- башорат қилиш
- руҳларни фарқлаш инъоми
- номаълум тилларда гапириш
- тилларни талқин қилиш

Биз уларни Муқаддас Рухнинг иноъомлари деб атаймиз.

1-Коринфликларга 12:8-11 Бирига Рух томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса худди ўша Рух томонидан билим сўзи берилади. Бирига худди ўша Рух томонидан имон берилади,

бошқасига худди ўша Рух томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч қудрати, бошқасига эса пайғамбарлик қудрати берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар, яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади. Бироқ буларнинг ҳаммасини ўша битта Рух келтиради. У ўзи хоҳлагани бўйича буларни ҳар кимга алоҳида тақсимлайди.

Агар бизлар Муқаддас Рух билан тўлсак, Унинг барча инъомларига эга бўламиз. Инъомлар жуда муҳим бўлган вақтда кўпларга эзгулик келтириш учун намоён бўлади.

1-Коринфликларга 12:4-7 Инъомлар эса ҳар хил, лекин Рух ўша-ўшадир. Фаолиятлар ҳам ҳар хил, лекин ҳаммада ҳамма нарсани ҳаракатга келтирадиган Худо ўша –ўшадир. Аммо Рухнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфати учун берилган.

ХУДО БИЗГА ЎЗИНИНГ ИСМИНИ БЕРДИ

Масиҳий бўлиш учун Исо Худонинг Ўғли эканига, бокирадан туғилганига, бизнинг гуноҳимиз учун қурбон бўлиб ўлганига ва ўлимни енгиб, Отанинг ўнг қўлида ўтирганига ишонишимиз керак.

Масиҳий сифатида куч билан ҳаракат қилишимиз учун, бизлар Унинг исмидаги кучга ишонишимиз шарт. Бизга ҳамма нарсани Исо исми билан қилиш буюрилган!

Колосаликларга 3:17 Сизлар сўз билан ёки иш билан нимаики қилсангизлар, ҳаммасини Раббий Исо исми билан қилиб, У орқали Отамиз Худога миннатдорчилик билдиринглар.

Буюк Топшириқ нима? Бу ҳамма нарсани Исонинг исми билан қилиш кераклиги ҳақидаги амрдир.

Марк 16:17,18 “Қуйидаги амаллар имонлиларга ҳамроҳ бўлади; Менинг исмим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирор нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”.

- жинларни қувишади,
- янги тилларда гапиришади;
- илонларни олишади;
- ва агар ҳалокатли бирор нарса ичсалар ҳам уларга зарар етмайди;
- қўлларини касалларга қўйишади ва улар соғлом бўлишади.

ҚАЕРДАН БОШЛАШ КЕРАК

Сиз буларни қўллашни ҳозир жойлашган яшаш жойингиздан бошланг.

Исо шогирдларига, олдин Иерусалимда, сўнг эса дунёнинг бошқа қисмларида хизмат олиб боришлари кераклигини айтди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:8 Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан

Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шохидларим бўласизлар.

Повулнинг ҳаётига қарасак, у хизматни тавба қилган жойи, Дамашк шаҳридан бошлаган.

У синагогаларда таълим берар эди, лекин шогирдлар билан бирга қолар эди. Сўнг Повулнинг хизматида сукут даври бошлангач, у хизматни вақтинча тўхтатиб, фақат Худо билан суҳбатлашар эди. Шундан сўнг Повул Иерусалимга борди ва баъзи ҳаворийлар билан учрашди. Повул улар билан кўп бўлмади ва улар Повулни Тарсга юборишди. Барнабо Повулнинг орқасидан борди ва уни Антиохия жамоатига қайтариб олиб келди. Повул ўзининг биринчи хизмат сафаридан сўнг, Антиохия жамоатига қайтди.

Хаворийларнинг фаолияти 14:26-28 У жойдан сузиб, энди тамомлаган ишлари учун Худонинг иноятига топширилган жой Антиохияга қайтиб келдилар. Уерга етгач, имонлилар жамоатини йиғиб, Худонинг улар билан нималар қилганини, мажусийларга имон эшигини қандай очганини сўзлади. Бу ердаги Исо шогирдлари билан бирга анча вақт турдилар.

Повул шунингдек, Иерусалимдаги ҳаворийлар билан тез-тез алоқада бўлиб турар эди. Барча ҳаворийлар бир-бирларини, ўзаро муносабатда қўллаб туришар эди. Улар ўртасида турли фикрлар бўлса ҳам, бир-бирлари билан келишар ва яқдилликда бир мақсад билан қолишар эди. Уларнинг мақсади Масихнинг танасини (жамоатни) мустаҳкамлаш ва дунёни Исо Масихга олиб келиш эди.

ЖАВОБ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН САВОЛЛАР

Суҳбат

Масихнинг танаси сифатида, бошқа масихийлар билан биргаликда йиғиляпсизми?

1-Юҳанно 1:3,7 Сизлар биз билан муносабатда бўлинглар, деб мана шу кўриб эшитганларимиздан сизларни хабардор қилмоқдамиз. Биз эса Ота билан Унинг Ўғли Исо Масих билан муносабатдамиз. Бироқ унинг ўзи нур бўлгани каби, биз ҳам нурда юрсак, бир-биримиз билан алоқа қиламиз ва Унинг Ўғли Исонинг қони бизни ҳар қандай гуноҳдан пок қилади.

Эфесликларга 2:19-22 Демак, сизлар энди бегона ва хорижий эмассизлар, балки муқаддасларнинг ҳамфуқароси ва Худонинг хонадонидагиларисизлар. Сизлар ҳаворийлар ва пайғамбарларнинг пойдевори асосида қурилгансизлар. Асосий бурчак тоши эса – Исо Масихнинг Ўзидир. Ўша тошда бутун бино таркиб топиб, Раббийдаги муқаддас маъбадга ўсиб бормоқда. Мана бунда сизлар ҳам Худонинг маконига Рух орқали бирга барпо этилмоқдасизлар.

Ибронийларга 10:24,25 Бир-биримизга эътибор берайлик ва муҳаббатга, хайрли ишларга рағбатлантирайлик. Баъзиларнинг одатидагидек, йиғилишларимизни қолдирмайлик. Аксинча, Раббимиз келадиган куни яқинлашиб қолганини билиб, бир-биримизга яна кўпроқ далда берайлик.

Ушр ва ҳадялар

Сиз ушр ва ҳадялар бераяпсизми?

Кўп имонлилар пул соҳасида Худога тўлиқ таяна олмайдилар. Бизлар Худога хизмат қилишимиз керак, лекин пулларимизни ҳам бошқаришимиз керак. Библияда пуллар ҳақида кўп оятлар бор. Лекин бизлар фақат биттасини мисолга келтирамиз, чунки у ерда ушр ва ҳадялар беришимиз кераклиги ҳақида аниқ кўрсатилган.

Ҳадя - бу ушрдан ортиқ бўлган пул миқдоридир.

Худо бизларни дуо қилиш мақсадида, бизлардан ушр ва ҳадялар олиб келишимизни истайди.

У Ўзининг Сўзига қарши бора олмайди ва токи бизлар Унга бўйсунмагунимизча, бизларни дуо қила олмайди. Баъзи одамлар шундай дейишади: “Менинг муҳтожликларим бор. Худо уларни ҳал этгандан сўнг, мен ушр беришни бошлайман.” Яна баъзилар: “Мен қачонки катта фойда олишни бошласам, шундан сўнг ушр беришни бошлайман.” Бу ҳақда Худонинг Сўзида аниқ кўрсатилган.

Малъахи 3:8-12 Инсон Худодан ўғирласа бўладими? Сизлар эса Мендан ўғирламоқдасизлар. “Биз Сендан қандай қилиб ўғирлаяпмиз?” – деб айтасизлар. Мана – ўндан бир ушрингиз ва бағишловларингиз билан Мендан ўғирламоқдасизлар. Лаънат билан лаънатлангансизлар, чунки сизлар, бутун халқ, Мендан ўғирламоқдасизлар. Менинг уйимда озиқ-овқат бўлиши учун барча ўндан бир ушрларингизни маъбад омборларига олиб келинглар. Ана шу нарсада Мени синаб кўринглар-чи, -дейди Қўшинлар Худованди, Мен сизлар учун осмон деразаларини очиб юбормайманми ва сизларнинг устингизга дуойи-баракатларни тўла-тўқис ёғдирмайманми? Шунда Мен сизлар учун ерингизнинг ҳосилини еб битириб кўядиганларга ман қиламан. Далангиздаги узум токи ҳам ўз ҳосилидан маҳрум бўлмайди, - дейди Қўшинлар Худованди. Ҳамма халқлар эса сизларни бахтли деб аташади, чунки сизларнинг ерингиз ажойиб ер бўлади, -дейди Қўшинлар Худованди.

Имонлилар ушр беришга ўқитилмаганликлари сабабли лаънат остида юришибди. Ушр бериш Худога бўйсунушга киради. Худо, Уни ана шу соҳада синаб кўришимизни истайди: ўзимизнинг ушримизни маъбад омборига олиб келиб: “Худо осмон деразаларини очмасмикин ва тўқинлик билан баракаларини қуймасмикин,” - дейишимизни истайди.

Яхудийча “омбор” сўзининг маъноси “арсенал”, “қурол тахланган жой”ни билдиради. Бу куч сақланадиган жой эди. Бугун бизлар ўзимизнинг ушрларимизни ва ҳадяларимизни маҳаллий жамоатларга ва кучнинг хизматкорларига беришимиз керак.

Сизнинг фикрингиз

Жамоат сизни тавсия эта оладими ?

Хаворийларнинг фаолияти 9:27 Ўшанда Барнабо Шоулни хаворийларнинг ҳузурига бошлаб келди ва унинг йўлда Исони қандай кўриб, Исо унга нима деб сўзлаганини, Дамашқда Исонинг исми билан қандай довураклик билан ваъз айтганини уларга айтиб берди.

Жамоатингиздаги оқсоқоллар сизни маъсулиятли, софдил ва содиқ деб ҳисоблайдиларми?

Содиқлик - бу айтилган жойга бориб, хизмат қилишга тайёр бўлиш, ушрни бериш ва Худонинг Сўзини ўрганишда қатнашишдир.

Сўзни ўрганиш.

Сиз ўқиш ва таълим олиш учун вақт ажратишни истайсизми?

2-Тимўтийга 2:15 Ўзингни Худога муносиб тарзда, бенуқсон ишчи ва ҳақиқат сўзини тўғри уқтирувчи сифатида тақдим этишга ҳаракат қилгин.

Хушхабарни айтиб бериш учун, олдин Худонинг Сўзидаги ҳақиқатларни билиш керак.

Бу Ерда Тугаш Йўқ!

Бизлар Исо Масихнинг ғолиб жамоати ҳақида ўрганишни тугата олмаймиз. Ҳаворийлар китобидан бошлаб Яхудонинг мактубигача, жамоат тарихининг бошланиши берилган. Ваҳий китоби эса жамоат дунёнинг охириги соатларида ҳам бўлишини башорат қилади.

Худонинг режаси ҳеч қачон ўзгармайди.

Эллигинчи куни пайдо бўлган жамоат,

Петъор ва бошқа ҳаворийларнинг хизмати билан

ўсган жамоат бугун ҳам ўсаяпти.

Стефан ва унинг эргашувчилари билан бирга азоб чеккан жамоат,

бугун ҳам унинг эргашувчилари азоб чекапти.

Исонинг Шахс эканлигини тасдиқловчи

мўъжиза ва аломатлар билан ўсган жамоат,

бугун ҳам мўъжиза ва аломатлар орқали ўсаяпти.

Исо қилган ишларни давом эттираётган жамоат,

бугун ҳам Унинг ишларини қиляпти.

Миллатлар келиб яна йўқ бўлди, лекин Исо Масихнинг жамоати

ҳали-ҳануз тирик ва ўсаяпти.

Жамоат - тирик ва бағишланган масиҳийлардан

ташқил топган тирик мавжудоддир.

Исо айтган:

“Мен Жамоатимни қураман ва дўзах эшиклари

уни енга олмайди”.